

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

Мутахассислик фанларини ўқитишнинг
инновацион муҳитини лойиҳалаштириш



МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021



Мазкур ўқув-услубий мажмua Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТДПУ ҳузуридаги тармоқ маркази катта ўқитувчisi М.Ж.Муталипова п.ф.ф.д. (PhD) Ж.Кушарбоев

Такризчи: Сеул педагогика университети (Жанубий Корея), профессор. Lee Yu Mi

Ўқув-услубий мажмua ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрға тавсия қилинганд.



МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	11
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ	18
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ.....	87
V. ГЛОССАРИЙ.....	110
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	113

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Таълим тизимли билим олишнинг энг мұхим ва ишончли усули экан, замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган мұхим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни талабаларга етказиб бериш асосида фаолият кўникма ва малакаларини шакллантириш, назорат қилиш, улар томонидан эгалланган назарий ва амалий билимлар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнинга нисбатан инновацион ёндашувни талаб этади.

Педагогнинг компетентлиги, креативлиги, тажрибаси ва маҳорати бевосита касбий-педагогик фаолиятда кўринади. Шу сабабли у педагогик жараённинг умумий моҳиятини чуқур англай олиши, бу жараёнда устувор аҳамият касб этадиган қонуниятлардан хабардор бўлиши, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш механизмларини пухта эгаллай билиши лозим. Таълим жараёнининг фаол иштирокчиси бўлган педагогнинг педагогик маҳорати унинг шахси, иш тажрибаси, фуқаролик мақоми, мутахassis сифатидаги мавқеи, у томонидан инновацион технологияларнинг етарли даражада эгалланганлиги, касбий фаолиятнинг индивидуаллигидан далолат беради.

Зеро, бугунги кундаги, яъни ахборот глобаллашуви асрида ақлий фаолият, хусусан педагогик фаолият юритаётган барча мутахассислар таълим мазмунни, методлари, қонуниятлари, таълимни ташкил қилиш шакллари, педагогик ва инновацион технологиялар ва уларнинг турлари, уларни дарс жараёнида қўллашни билиш тажрибасига эга бўлишлари лозим.

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим

муассасалари педагог кадрларининг касбий маҳорати ва компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Ушбу дастур мазмуніда таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари ва тамойиллари, таълим жараёнини лойиҳалашнинг мазмун моҳияти, педагогик лойиҳалаштиришнинг типологик белгилари, инновацион жараёнлар ривожланишининг умумий тенденциялари, педагогик инновацияларнинг ривожланиш шарт-шароитлари, инновацион фаолиятнинг назарий омиллари, педагогнинг инновацион фаолиятга бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари, таълим тизимида олиб борилаётган инновацион жараёнларнинг мазмун моҳияти, педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати) ва ва уни илмий ташкил этиш, педагогик фаолиятни лойиҳалаш босқичлари ва даражалари, педагогик фаолиятни лойиҳалаш таъминоти, инновацион фаолиятнинг асосий функциялари ва босқичлари, инновацион педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш йўллари каби масалалар баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Мутахассислик фанларини ўқитишнинг инновацион мұхитини лойиҳалаштириш” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларини инновацион технологияларнинг хусусиятларига доир назарий билимларини такомиллаштириш, “Мутахассислик фанларини ўқитишнинг инновацион мұхитини лойиҳалаштириш”га доир замонавий ёндашувларни ўзлаштириш, инновацион технологияларни жорий этиш орқали мутахассислик фанларини ўқитиш сифатини ошириш.

“Мутахассислик фанларини ўқитишнинг инновацион мұхитини лойиҳалаштириш” модулининг вазифалари:

- тингловчиларнинг мутахассислик фанларини ўқитишда таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари ва тамойиллари, таълим жараёнини лойиҳалашнинг мазмун моҳиятига доир билимларини такомиллаштириш;
- таълим жараёнида инновацион мұхитни ривожлантириш йўлларини аниқлаштириш;
- тингловчиларда педагогнинг инновацион фаолиятга бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари, таълим тизимида олиб борилаётган инновацион жараёнларнинг мазмун моҳиятини амалга оширишни янада ривожлантириш;
- тингловчиларда инновацион фаолиятнинг асосий функциялари ва босқичлари ҳақидаги билимларни таркиб топтириб, инновацион педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш йўллари бўйича кўникма-малакаларини ривожлантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Мутахассислик фанларини ўқитишнинг инновацион мұхитини лойиҳалаштириш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- мутахассислик фанларини ўқитишда инновацион мұхитни яратиш;
- таълим жараёнини лойиҳалашнинг мазмун моҳияти;
- таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари ва тамойиллари;
- педагогик лойиҳалаштиришнинг типологик белгилари;
- таълим тизимида олиб борилаётган инновацион жараёнларнинг мазмун моҳияти ҳақида **билимларга эга бўлиши**;

Тингловчи:

- инновацион жараёнлар ривожланишининг умумий тенденциялари,
- педагогик инновацияларнинг ривожланиш шарт-шароитлари,
- инновацион фаолиятнинг назарий омиллари,
- педагогнинг инновацион фаолиятга бўлган қобилиятларининг асосий хислатларига доир **кўникмаларни эгаллаши**;

Тингловчи:

- педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати) ва ва уни илмий ташкил этиш;
- педагогик фаолиятни лойиҳалаш функциялари, босқичлари ва даражаларини ўрганишга доир метод ва технологияларни тўғри танлаш;
- мутахассислик фанларини ўқитишда инновацион мұхитни лойиҳалаштириш бўйича илгор тажрибалардан фойдаланиш;
- касбий компетентликни ривожлантиришга **малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- педагогик фаолиятнинг қайта тушунилиши ва мустақил такомиллаштирилишини таъминловчи мустақил таҳлилни эгаллаш (рефлексив);
- мустақил таълим ва ўз касбий-методик даражани ошириб бориш (когнитив);
- конструктив равища ҳаракат қилишга имкон берадиган ахборотни олиш, қайта ишлаш ва татбиқ қилиш, технологик қарорлар, тамойил ва ёндашишлар тизимини лойиҳалаштириш (ахборот);
- касбий фаолият самарадорлигини таъминловчи оғзаки ва ёзма мулоқот технологияларини эгаллаш (коммуникатив) **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар:

“Мутахассислик фанларини ўқитишнинг инновацион мұхитини лойиҳалаштириш” модулини ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

“Мутахассислик фанларини ўқитишнинг инновацион мұхитини лойиҳалаштириш” модулини ўқитиш жараёнида қуйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот ва инновацион технологиялари ёрдамида интерфаол маъruzalarни ташкил этиш;
- амалий машғулотлар жараёнида кейс, лойиҳа ва ассисмент технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўкув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Мутахассислик фанларини ўқитишнинг инновацион мұхитини лойиҳалаштириш” модули мазмуни ўкув режадаги “Педагогнинг маҳорати ва компетентлиги”, “Креатив педагогика асослари” каби ўкув модуллари билан узвий боғланган ҳолда инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштириш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик маҳорат ва компетентликни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Жами аудитория соати	Жумладан	
			назарий	амалий
1.	“Мутахассислик фанларини ўқитишнинг инновацион мұхитини лойиҳалаштириш”нинг мазмун моҳияти	4	2	2
2.	Инновацион жараёнлар ривожланишининг умумий тенденциялари	4	2	2

3.	Педагогнинг инновацион фаолиятини шакллантириш ҳамда педагогик фаолиятни лойиҳалаш босқичлари ва даражалари	4	2	2
4.	Мутахассислик фанларини ўқитишида инновацион технологияларидан фойдаланиш йўллари	6	2	4
5.	Инновацион ёндашув асосида мустақил лойиҳа ишлари мазмуни ва намуналар	2		2
6.	Мутахассислик фанларига оид лойиҳа ишларини тайёрлаш	2		2
Жами		22	8	14

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1- мавзу: Таълим жараёнида инновацион мухитни лойиҳалаштиришнинг мазмун моҳияти.

Таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари ва тамойиллари. Таълим жараёнини лойиҳалаш: лойиҳа – мазмун – фаолият. Таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришнинг типологик белгилари. Лойиҳалаш “ғоя – мақсад – кутиладиган натижа – тахмин қилиш – башоратлаш – режалаштириш” тизими сифатида.

2-мавзу: Инновацион жараёнлар ривожланишининг умумий тенденциялари

Педагогик инновацияларнинг ривожланиш шарт-шароитлари. Инновацион фаолиятнинг назарий омиллари. Педагогнинг инновацион фаолиятига бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари. Ҳозирги кунда илмий адабиётларда инновацион жараённи босқичларга бўлиш схемаси. Инновацион фаолият – педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға бошловчи, тараққий эттирувчи куч сифатида.

3-мавзу: Педагогнинг инновацион фаолиятини шакллантириш ҳамда педагогик фаолиятни лойиҳалаш босқичлари ва даражалари

Таълим тизимида олиб борилаётган инновацион жараёнларнинг мазмун моҳияти. Педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати) ва ва уни илмий ташкил этиш. Педагогик фаолиятни лойиҳалаш босқичлари ва даражалари. Педагогик фаолиятни лойиҳалаш таъминоти. Инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишининг сифати ва самарадорлиги.

4-мавзу: Мутахассислик фанларини ўқитишда инновацион технологияларидан фойдаланиш йўллари

Инновацион фаолиятнинг асосий функциялари ва босқичлари. Инновацион педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш йўллари. Инновация – сўзининг маъноси. Педагогик жараёнга янгиликлар киритиш билан унинг сифати ва самарадорлигини ошириш. Ўқитувчининг инновацион фаолиятига яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият натижаси сифатида қараш. Инновацион фаолиятнинг асосий функциялари.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Таълим жараёнида инновацион мұхитни лойиҳалаштиришнинг мазмун моҳияти.

Таълим жараёnlарини педагогик лойиҳалаштиришнинг типологик белгилари. Лойиҳалаш “ғоя – мақсад – кутиладиган натижа – тахмин қилиш – башоратлаш – режалаштириш” тизими сифатида ўрганиш.

2-мавзу: Инновацион жараёнлар ривожланишининг умумий тенденциялари

Педагогнинг инновацион фаолиятига бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари. Ҳозирги кунда илмий адабиётларда инновацион жараённи босқичларга бўлиш схемаси.

3-мавзу: Педагогнинг инновацион фаолиятини шакллантириш ҳамда педагогик фаолиятни лойиҳалаш босқичлари ва даражалари

Педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати) ва ун илмий ташкил этиш. Педагогик фаолиятни лойиҳалаш босқичлари ва даражалари. Педагогик фаолиятни лойиҳалаш таъминоти. Инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг сифати ва самарадорлиги.

4-мавзу: Мутахассислик фанларини ўқитишда инновацион технологияларидан фойдаланиш йўллари

Инновацион педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш йўллари. Педагогик жараёнга янгиликлар киритиш билан унинг сифати ва самарадорлигини ошириш. Ўқитувчининг инновацион фаолиятига яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият натижаси сифатида қараш.

5-мавзу: Инновацион ёндашув асосида мустақил лойиҳа ишлари мазмунни ва намуналар

Инновацион ёндашув асосида “Педагогик акмеология” мавзусида ўқув лойиҳасини тайёрлаш. Лойиҳа мавзусининг долгзарбилигини асослаш, мақсад вазифаларни белгилаш. Ўқув лойиҳасини тайёрлаш босқичларини аниқлаш.

6-мавзу: Мутахассислик фанларига оид лойиҳа ишларини тайёрлаш

Мутахассислик фанларига оид ўқув лойиҳа ишларини тайёрлаш ва гурухий тақдимот қилиш. Ўқув лойиҳасини тайёрлашда изчилликка амал қилиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzalар, амалий машғулотлар (маъруза-мунозара, муаммоли маъруза, вебинар маъруза, визуал маъруза, виртуал амалий машғулотлар);
- ўқув мунозараси (оғзаки ва ёзма давра сұхбати, форум, ақлий хужум, баҳс-мунозара, дебат);
- фасилитацион таълим (Open Space – “Очиқ мұхит” стратегияси. World Cafe – Жаҳон кафеси стратегияси. Appreciative Inquiry – “Ижобий ўзгаришлар парадигмаси” стратегияси. Dynamic facilitation – Динамик фасилитация стратегияси. Graphic facilitation – Графикли фасилитацион стратегиялар. Action Learning – Бошқалар тажрибаси асосида ўқитиши).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

1. БИР НЕЧА МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ МАЪРУЗА ТАЙЁРЛАШ

Тингловчилар интерфаол машғулотларда самарали иштирок этишлари учун маърузаларга тайёрланиб келишлари лозим. Бунинг учун тингловчиларига маърузалар тайёрлаш йўллари ва имкониятлари ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш лозим. Ана шундай имкониятлардан бири – бу бир неча манбалардан фойдаланиб маъруза тайёрлаш ҳисобланади. Мазкур маъруза жавдвал ҳолатида тайёрланиб, тингловчига жавоб бериш учун таянч сигнал вазифасини бажаради. Бунинг учун тингловчи беш устундан ва материалнинг ҳажмига қараб бир неча устундан иборат оддий жадвал тузади. Юқоридаги қатордаги устунларда ахборотнинг турли манбалари номини кўрсатишади: дарсликлар, журнал мақолалари, интернет материаллари, интервьюлар.

Чап томондан биринчи катақнинг ҳар бир қаторига тингловчи мавзуга тегишли ёки жавоб олиниши зарур бўлган саволни ёзди:

Саволлар	Дарслик	Журнал мақолалари	Интернет материаллари	Интервью
Таълим жараёни-ни лойиҳалаш-нинг мазмун моҳияти				
Инновацион жа-раёнлар ривож-ланишининг уму-мий тенденция-лари				
Педагогнинг инновацион фаолиятга бўлган қобилиятлари				
Ўқитувчининг кас-бий компетентлиги деганда нимани тушунамиз?				

Педагогик фаолиятни ложиҳалаш босқичлари ва даражалари				
Инновацион пе- дагогик техноло- гияларни лойиҳа- лаштириш ва режалаштириш йўллари				

2. ЁЗМА ВА ОҒЗАКИ “ДАВРА СУҲБАТИ”

Ёзма “Давра сухбати” – бу биргаликдаги ўқитиш методи бўлиб, бунда қоғоз ва ручка доимо айлана бўйлаб, ўйин иштирокчиларининг кичик гурухи орасида узатиб турилади. Мисол учун, шериклардан бир қандайдир ғояни ёзиб, кейин варақни чап томонидаги шеригига узатади. У ўша ғояга ўзининг қандайдир мулоҳазаларини қўшади ва варақни кейинги кишига узатади. Ушбу русум-қоиданинг бошқа вариантида ҳар бир иштирокчи ёзувини ўзининг ранги билан ёзади. Бу умумий фикрни шакллантиришда қўшилган ҳиссани кўринарли даражада кўрсатиб туради ва ўқитувчига тушунишга ва ҳар бирининг иштирокини қайд қилишга ёрдам беради.

Оғзаки “Давра сухбати” - бу биргаликда ўқитиш методи бўлиб, олдингисига ўхшайди, фақат у оғзаки шаклда ўтказилади. Ҳар бир иштирокчи навбати билан олдинги одам айтган фикрни илғаб олади ва ривожлантиради.

3. «ДИАЛОГ» тренинги.

Тренингни мақсади: ўз фикр-мулоҳазаларини, манфаатларини ҳимоя қила олиш малакасини шакллантириш, бу соҳада ўзида мавжуд воситаларни бойитиш, зиддиятли вазиятларда ўз хатти-харакатини бошқара олиш орқали касбий компетентликни шакллантириш

Гурухнинг икки қатнашчисига ўзаро диалог вазиятида икки хил вазифа, мақсад қўйилади. Улардан бири иккинчисини бирор- бир нарсага (Масалан: спорт тугарагига қатнашиш, қайсиdir бадиий китобни мutoала қилишга, янги кинофильмни кўришга ва бошқаларга) кўндиришга, иккинчиси эса унга ёрдам беришни бутунлай рад этишга ҳаракат қиласи. Шу билан бирга улар сухбат давомида ахлоқ меъёрлари доирасидан чиқмасликлари, ўз хошишларини ишончли далиллашлар асосида баён этишлари лозим бўлади. Тренинг диалог қатнашчиларидан бири иккинчисининг фикрига бўйсунмагунча давом этади.

4. ТУШУНЧАЛАРНИ АНИҚЛАШ

Мақсади:

- тингловчиларни гапдаги ҳар бир хорижий тилдаги сўзни тушуна олишга ўргатиши;
- тингловчиларнинг гапдаги ҳар бир сўзга эътиборли муносабатда бўлиш заруриятини англашларига ёрдам бериш;
- ўкув топширигини бажаришда гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш кўникмасини шакллантириши.

Ўқитувчи изоҳни **тушуниш** – бу тингловчиларнинг нарса ёки ҳодисаларда билдирадиган образларни тасаввур эта олиш эканлигини айтишдан бошлайди. Бу факатгина тасаввур этишгина эмас, балки сўзни тушунишнинг биринчи даражаси.

Сўзни тўлиқ тушуниш қачонки, тингловчилар нарса ёки ҳодисанинг тузилишига оид таркибий қисмлар(нималардан ташкил топган) ва унинг функционал ўзига хосликлари (нимага ёрдам беради, у билан нима олиш мумкин ва бошқалар)ни айтиб бера олганда, юзага келади.

Машғулот қўйидаги тарзда ўтказилади:

1. Барча тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинишади.
2. Ҳар бир гуруҳ матнни олади. Барча гуруҳлардаги матнлар бир хил ёки турли хил бўлиши мумкин.

Ўқитувчи гаплардаги нотаниш сўзларни топиш ва изоҳли луғатлар, ўқитувчининг ёрдамида уларнинг маъносини изоҳлаб беришни сўрайди.

3. Гуруҳларда матн устида ишлаш бошланади. Тингловчилар биргалиқда нотаниш, тушунарсиз сўзларни топишади ва уларнинг маъносини биргалиқда изоҳлашади.

4. Топшириқ бажариб бўлинганидан сўнг, “кичик гуруҳларга хужум” бошланади. Савол берувчи ва жавоб берувчи гуруҳлар қуръа ташлаш йўли билан аниқланиши мумкин. Барча гуруҳлар навбати билан дастлаб биринчи гуруҳга савол беришади, иккинчи ва бошқалар. Масалан:

Бир гуруҳ савол беради.

Савол берилган гуруҳ аъзоси тезда жавобни айтиши лозим.

Гуруҳ жавоб бергандан сўнг унинг тўғрилиги эксперталар гуруҳи томонидан баҳоланади. Баҳолаш 0 баллдан 5 баллгacha бўлиши мумкин.

5. Якунларини чиқариш. Ўқитувчи қўп балл йиғган гуруҳни эълон қилиши мумкин. Мазмуни нотўғри тушунилган сўзларга изоҳ берилади.

5. КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

Учта ва ундан кўп жиҳатлар ёки саволларни таққослаш тақозо этилганида ушбу метод, айниқса фойдали бўлади. Жадвал қўйидагича тузилади: вертикал

бүйича таққосланадиган нарсалар, горизонтал бүйича эса, ушбу таққослаш бажариладиган хусусият ва хоссалар жойлаштирилади.

Масалан, концептуал жадвал орқали лойиҳалаш технологиясининг босқичларини таққослаб кўрсатиш мумкин.

Босқичлар	Қайси касбий компетенцияга таалуқли эканлиги	Қўлланилиш доираси	Аҳамияти

6. Т-ЧИЗМА

Т-чизма мунозара вақтида қўшалоқ жавоблар (ҳа/йўқ, тарафдор/қарши) ёки таққослаш-зид жавобларни ёзиш учун универсал график органайзер ҳисобланади. Масалан “Педагогик низолар” матнини “тарафдор ва қарши” тамойилига асосланиб ўқилганидан сўнг, бир жуфт тингловчи қўйида келтирилганидек, Т-чизмани тузиши ва беш дақиқадан кейин, чизманинг чап томонида педагогик низоларни келтириб чиқарувчи сабабларни ёзиши мумкин. Сўнгра беш дақиқа мобайнида улар бу фикрга қарши иложи борича кўп сабабни келтиришлари керак. Ана шу вақт охирида улар яна беш дақиқа мобайнида ўз Т-чизмаларини бошқа жуфтлик чизмалари билан таққослашлари мумкин.

Педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати) ва ва уни илмий ташкил этиш билан боғлиқ педагогик низоларни юзага келтирувчи сабаблар	Педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати) ва ва уни илмий ташкил этиш билан боғлиқ педагогик низоларнинг олдини олиш имкониятлари

7. ТУШУНЧАЛАР АСОСИДА МАТН ТУЗИШ

“Тушунчалар асосида матн тузиш” методи билиш-изланиш туридаги мустақил ишлар сирасига кириб, бу иш турли хил мантиқий амалларни талаб этади: таҳлил қилиш ва умумлаштириш, далил ва ҳодисаларни қиёслаш, улардаги муштараклик ва фарқли томонларни аниқлаш, асосий ва иккинчи даражали белгиларни ажратиш, сабаб-оқибат алоқаларини очиб бериш ва ҳоказо. Одатда тингловчилар номаълум ҳодисалар, янги материалларга дуч

келадилар, янги билимларни әгаллаш ва ўқув муаммосини ҳал қилиш йўлларини излаб топишни талаб этадиган муаммоли вазият пайдо бўлади.

Мазкур методни қўллаш технологияси:

Масалан, “Мутахасислик фанларини ўқитишида лойиҳа технологияси” мавзуси бўйича:

лоийҳа, педагогик лойиҳа, инновацион мұхит, фаолият, педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати), педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати)ни ташкил этиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, лойиҳа таълими, педагогик лойиҳалаш, педагогик лойиҳалаш шакллари.

8. БЛИЦ-ЎЙИН

Ўйинни ўтказиш тартиби:

- 1) тингловчиларга жадвалнинг чап томонида берилган тушунчалар билан танишиб чиқиши таклиф этилади;
- 2) дастлаб индивидуал равища тушунчаларга мос жавобни ўнг томондаги фикрлар орасидан танлаб, тартибланган рақамини “индив. жавоб” устунига (масалан “1” рақамли тушунчага “10” рақамдаги жавоб) ёзиш сўралади;
- 3) сўнгра худди шундай тартибдаги иш кичик гурухларда амалга оширилади. Яъни “гуруҳ жавоби” устуни тўлдирилади. Кичик гуруҳ аъзоларида мазкур устунга ёзиш учун ягона жавоб бўлиши лозим;
- 4) ўқитувчи тўғри жавобларни ўқийди. Тингловчилар ўзларига берилган қоғознинг “калит” устунига жавобларни ёзиган чиқишиади.
- 5) тингловчилар мустақил равища калитга асосланиб, “индивидуал хато” ва “гуруҳ хатоси” устунларини тўлдиради. Ҳар бир тингловчининг ва кичик гуруҳ натижалари таҳлил этилади.

9. “АССЕСМЕНТ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш қўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида

индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментта күшимиңа топшириқларни киритиш мүмкін.

10. ИНСЕРТ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунин ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатиласди ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

14.“ПОРТФОЛИО” МЕТОДИ

“Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, тингловчи ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мүмкін бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қўйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурүхий
Таълимий фаолият	Тингловчилар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Тингловчилар гурүхи, тингловчилар гурүхи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Таълим жараёнида инновацион мұхитни лойиҳалаштиришнинг мазмун моҳияти.

Режа:

1. Таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари ва тамойиллари.
2. Таълим жараёнини лойиҳалаш: лойиҳа – мазмун – фаолият.
3. Таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришнинг типологик белгилари.

Таянч тушунча ва иборалар: фаолият, педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати), педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати)ни ташкил этиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, лойиҳа таълими, педагогик лойиҳалаш, педагогик лойиҳалаш шакллари.

1. Жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларига тўла жавоб берувчи, ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган рақобатга бардошли, кескин ўзгаришларга мослаша оловчи, шунингдек, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шакллантириш долзарб муаммо ҳисобланади. Таълим соҳасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва эришилган қатор ижобий ўзгаришларга қарамасдан, таълим самарадорлигининг ривожланиш динамикасини янада жадаллаштириш, бунда яратилган шарт–шароитлар ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, бўлажак мутахассисларни етказиб бериш бугунги кунда энг долзарб масала саналади.

Маълумки, янгиликлар келажак учун узоқ муддатли инвестиция бўлганлиги боис, бугун барча давлатлар таълим тизимиға имкон қадар кўп янгиликлар киритишга интилмоқда. Маданиятшуносларнинг таъкидлашича, анъанавий жамиятда анъана новаторлик устидан хукмонлик қиласи, замонавий жамиятда эса новаторлик базавий қадрият ҳисобланади. Новаторликка қизиқиши ўйфотиши, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик рухи ва мұхити хукм суриши лозим. Ана шундай долзарблиқдан келиб чиқсан ҳолда таълим жараёнининг инновацион мұхитини лойиҳалаштиришни жадал ривожлантириш мұхим аҳамиятлиликни касб этади.

Лойиҳа – аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган ҳаракат маҳсули бўлиб, дастур, модел, технологик харита ва б. қўринишида

намоён бўлади. Лойиҳанинг асосини илмий ёки ижодий характерга эга ғоя ташкил этади.

Лойиҳалаш методи- педагогиканинг прагматик йўналишига асосланган ҳолда, таълим жараёнида ўқувчиларга бериладиган амалий топшириқларни лойиҳалаш ва уларни ўқувчиларнинг бажаришлари жараёнида билим ва кўникмаларни намоён қилишларини таъминловчи таълим шакли.

Лойиҳалаш – бошланғич маълумотларга асосланниб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган амалий ҳаракат.

Лойиҳалаш “**ғоя – мақсад – кутиладиган натижа – тахмин қилиш – башоратлаш – режалаштириш**” тизимиға асосланади. Лойиҳалаш турли воситалар, яъни моддий буюм, қуроллар, м: компьютер технологияси, ватмон ёки оддий иш қофози, чизғич, қалам, маркер, нусха кўчириш аппарати (принтер) ва б. ёрдамида амалга оширилади.

Лойиҳани яратиш учун педагог:

- лойиҳани яратиш;
- жараённи босқичма-босқич ёритиш;
- мақсадни аниқ белгилаш;
- мақсадга мос вазифаларни аниқлаш;
- ўқув материали мазмунини шакллантириш;
- савол ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиши;
- жараён ёки тадбирнинг методик тузилишини асослаш;
- талаба билим даражасини ташхислаш ва унинг тарбияланганлик даражасини баҳолаш каби кўникма ва малакаларга эга бўлиши зарур.

Таълим жараёнини лойиҳалаш – алоҳида олинган таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун барча омилларни инобатга олган ҳолда унинг лойиҳаси (схемаси)ни ишлаб чиқиши.

Таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари ва тамоийллари:

Педагогик амалиёт моҳиятини таҳлил этиш натижасида таълим жараёнини лойиҳалашнинг бир неча қонуниятлари ажратилади, чунончи:

1) таълим жараёнини лойиҳалаш самарадорлиги барча таркибий қисмлар (технологик жараён, технологик жараённи бошқариш, восита, ахборот, ижтимоий-иктисоий таъминот)нинг лойиҳада мақсадга мувофиқ ёритилиши билан таъминланади;

2) таълимнинг технологик воситалари талабаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади;

3) лойиҳалаш стратегиялари педагогнинг индивидуал услубига мувофиқ танланади;

4) лойиҳалаш сифати тескари алоқа (педагог ва талаба ўртасидаги күлами, лойиҳалаш мазмуни ҳамда барча омиллар самарадорлигига боғлиқ.

Узлуксиз таълим тизимининг барча турларида таълим жараёнини лойиҳалашда бир қатор тамойилларга таянилади. Айни ўринде дастлаб тамойил тушунчасининг моҳиятини англаб олиш зарур.

Тамойил (латинча принсиум-бошланғич асос)- муайян назария, фан, дунёқарааш, ижтимоий-сиёсий тузилма ва ҳаказоларнинг асосий бошланғич ҳолати маъносини англатади.

Таълим жараёнини лойиҳалаши тамойиллари:

1. Марказлаштирилган тамойил;
2. Рефлексив тамойил;
3. Натижавийлик тамойил;
4. Кўп омиллик тамойили;
5. Ўқувчи шахсини таълим жараёнига мослаштириш тамойили;

6. Таълим тамойиллари – энг умумий раҳбарий низом бўлиб, унда талабаларга таълимнинг мазмуни, уни ташкил этиш, технологияси, услубиятига нисбатан талаблар ифодаланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дидактик тамойиллар ОЎЮда педагогик жараённи ташкил этиш тамойиллари билан ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини бошқариш бевосита ўзаро боғлиқликга эгадир. Лекин улар шу билан бирга ўз хусусиятларига ва тарихига эгадирлар, улар устида батафсилроқ тўхталишга тўғри келади.

Шарқ педагогикасининг машҳур намоёндалари Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Ҳайём, Саъдий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий асарларида таълим ва тарбиянинг тажриба, кузатув, индукция ва дедукция, амалий-синов, алгоритмик кетма-кетлиқдаги савол-жавоб, таққослаш ва бошқа услубларини илмий ҳолда асослаб берилган, шу билан бирга билим олиш фаолиятини фаоллаштириш, билимларни амалда қўлланишини, тизимлилик ва кетма-кетлилик, мантиқий-лигини илмий жиҳатдан ёритиб беришган. Алломалар томонидан бирликнинг, хусусийликнинг ва умумийликнинг, ягоналикнинг, сабаб-хулосавий алоқалар, куч етадиганлик, материални соддадан мураккабга томон баён этилиши, кўрсатмалилик ва шу каби тамойиллар кенг фойдаланилган.

Шарқ қомусий алломалари таълим ва тарбиянинг шакллари, услублари ва тамойилларини ишлаб чиқдилар, улар ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотган эмас. Уларнинг ишидаги қимматли томонларидан бири шуки, улар барча фанларни иккига ажратганлар - амалий ва назарий, улар орасидаги бевосита алоқани ёритиб берганлар. Масалан:

Абу Али Ибн Сино таълимнинг қуйидаги тамойилларини аниқлаган:

- а) болани бирданига китобга боғлаб қўйиш керак эмас;
- б) бола билан ўтказиладиган машқлар меъёрланган, кучи етадиган, жамоавий бўлиши, жисмоний машқлар билан биргаликда олиб борилиши, боланинг майллари ва қобилияти эътиборга олиниши лозим;
- в) таълим енгилдан оғирга томон йўналган бўлиши керак;
- г) кўрсатмалилик тамойилига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқдир.

Бурхониддин Зарнужий таълимни ҳаёт билан боғлашни, онглиликни, ўтилганларни такрорлаш, кетма-кетликни ва тизимлиликни таклиф этади.

Умар Ҳайём билимни чукур, тушуниб ўзлаштирилиши, мустақил ўрганилишини, мустақил фикрий фаолият, ҳаётний воқеликларни ўрганишга доир амаллар, жараёнларни кўп марталаб такрорлашга асосий диққат-эътиборни қаратди.

Алишер Навоий, боланинг ўзига хос хусусиятларига, билим орттиришга интилишининг ривожланганлигига, материалнинг кетма-кетликда тушунарли баён қилиниши, кишининг хар томонлама камолот топишига асосий эътиборни қаратади.

Бир сўз билан айтганда, улар қуидагиларга таянишга чақирганлар:

- таълимнинг илмийлиги;
- таълимнинг сезиб бўладиганлиги, ҳаётнинг аксланиши сифатида; таълимда тизимлилик, кетма-кетлик, кўрсатмалилик (ўрганиладиган предмет ва воқеликни тўлиқ ўзлаштирилиши учун барча сезги органларидан фойдаланиш);
- таълимнинг мустаҳкамлиги;
- ўқувчиларнинг ёш ва ўзига хос, якка ҳолдаги хусусиятлари, имкониятларини билиш;
- ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштиришга онгли ёндошув;
- ўқувчиларга таълим беришда турли фаол шакллар ва услублардан фойдаланиш ва шу кабилар.

Шундай қилиб, IX-XIV асрларда яшаб ижод этган Шарқ олимларининг асарларида кўплаб дидактик ғоялар ёритилган ва уларнинг ўзига хос қирралари очиб берилган, улар ҳозирги замон педагогикасида, Европа педаго-гикасида, айниқса улуғ чех педагоги Я.А.Коменскийнинг ҳаракатлари туфайли алоҳида тадқиқотлар предметига айланди. У «Буюк дидактика» асарида мактабда ўқитиш тизимини амалга оширишда қуидаги дидактик тамойилларга амал қилишни тавсия этади:

- кўрсатмалилик тамойили;
- онглилик тамойили;
- изчилик ва тизимлилик тамойили;
- машқ қилиш, билим ва малакаларни пухта эгаллаш тамойиллари.

Бизнинг фикримизча, лойиҳавий фаолият тамойиллари деб, фаолиятни меъёрлайдиган умумий кўрсаткичлар йиғиндиси тушунилади, улар лойиҳалашниң табиати билан аниқ асосланади ва шунга кўра педагогнинг у ёки бошқа ҳаракатларини лойиҳа соҳасига тегишли эканини кўрсатади. Уларни батафсил қўриб чиқамиз.

Башоратлилик тамойили объектнинг келажагига йўналган лойиҳалаш табиатига асосланган. Айниқса, бу янги лойиҳаларни яратиш учун лойиҳа-лашдан фойдаланилганда намоён булади. Лойиҳа керакли келажакни қадам-лаб амалга ошириш сифатида таърифланиши мумкин.

Босқичма-босқичлилик тамойили. Лойиҳанинг фаолияти, табиати, лойиҳавий ниятдан мақсадга ва ҳаракатлар қиёфасини шакллантиришга астасекин ўтишни белгилайди. Ундан эса - ҳаракатлар дастурига ва уни амалга оширишга. Бунда ҳар қайси кейинги ҳаракат олдингисининг натижаларига асосланади.

Меъёрлаш тамойили лойиҳани тузишининг барча босқичларининг чегараланган жараёнлар, биринчи навбатда фикрий фаолиятни ташкил этиш-нинг барча шакллари билан алоқадорлик чегарасидан ўтишларини талаб қиласди.

Тескари алоқадорлик тамойили ҳар бир лойиҳа жараёни амалга оширилганидан кейин унинг натижалилиги ҳақида маълумотлар олиш ва ҳаракатни тегишлича таҳрир қилишни назарда тутади.

Самарадорлик тамойили лойиҳавий фаолиятнинг маҳсулдорлигини, унинг амалий аҳамиятли натижани олишга йўналганлиги шарт эканини уқтиради. Бошқача айтганда, лойиҳалаш жараёни натижаларнинг “маҳсулли расмийлаштирилганлигидир”.

Маданий ўхшашиблик тамойили лойиҳалаш натижаларининг айрим мада-ний намуналарга ўхшашибликини кўрсатади. Маданий соҳадан ташқарида ётган лойиҳа натижасини олиш хавфи агар лойиҳа фаолияти қатнашувчиларида ўқувчи ёки педагогнинг якка тартибдаги ижодиёти ўз-ўзича етарли эмаслиги ҳақида тушунча бор бўлганида йўқолади. Маданий жараёнга қўшилиш учун унинг ўзининг ўрни қандай бўлишини била олиш, маданий-тариҳий ўхшат-маларини ўрганиш асосида одамзод эришганларга нисбатан ўз карашларини баён қила олишга ўрганиш лозим. Бунда илмий билим олиш ва маданий қадриятлар билан танишиш ўз мулоҳазалари ва билим фаолияти натижалари билан солиштирсан ҳолда амалга ошириш муҳим ўрин тутади.

Ўз-ўзини ривожлантириш тамойили иштирокчиларнинг тармоқлана-диган фаоллик даражасида лойиҳалаш субъектига, шунингдек, қўйилган мақсадни амалга ошириш натижасида янги лойиҳаларнинг вужудга келишига тааллуқли. Бир турдаги масалалар ва муаммоларнинг ҳал қилиниши лойиҳа-лашниң янги шаклларининг ривожланиши учун янги вазифалар ва муаммо-ларни пайдо қиласди.

Таълим жараёнида табиий ривожланиш ва ижтимоийлашув тамойили.

Үқув машғулотлариға тайёргарлик күришнинг асосий босқичи – үқув жараёнини лойиҳалаштириш ҳисобланади. Үқув жараёнларини лойиҳалаштиришда таълим мазмунини, таълим мақсади, кутилаётган натижани түгри белгилаш, таълим методлари, шакллари ва воситаларини түгри танлаш, үқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашни аниқ мезонлари олдиндан ишлаб чиқиш, машғулотга ажратилган вақт ичида уларни түгри амалга ошириш ва бир-бiri билан уйғулашувига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ саналади.

Дарс мақсади ва натижасини белгилаш – ўқитиш ва ўқиши жараёнларининг энг мухим омили бўлиб, таълим жараёнида айнан улар етакчи ўрин тутади. Дарснинг мақсад ва натижаси ДТС талабларидан келиб чиқиб аниқланади. Айни ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, дарснинг мақсади ўқитувчи томонидан талабага қандай билим, кўникма ва малакаларнинг берилиши нуқтаи назаридан эмас, балки талабалар томонидан дарсда қандай билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши мухимлигидан келиб чиқиб белгиланиши зарур. Ўз моҳиятига кўра дарснинг мақсади ўқитувчи ва талабаларнинг умумий натижаларга қараб ҳаракатланишларини белгилайди. Шу сабабли дарснинг мақсади ташхисли ифодаланиши лозим. Яъни дарс мақсади аниқ бўлиши керак.

Дарс мақсадининг аниқ бўлишига эришиш учун ўқитувчидан куйидагиларга эътибор қаратиш талаб этилади:

- 1) дарсда юзага келадиган дидактик жараён маълум шароит ва белгиланган вақт ичида таълим мақсадига эришишни тўла таъминлай олиши;
- 2) ўқитиш жараёнининг якуни бўйича мақсадни амалга ошириш даражаси тўғрисида аниқ хulosा чиқариш имкониятининг мавжудлиги.

Шунга кўра айтиш мумкинки, таълим мақсадлари талабаларнинг ҳаракатларида ифодаланадиган таълим натижалари белгиланади.

Таълим технологиясининг кейинги энг мухим компоненти – кутилаётган натижадир. Бинобарин, у ўқитиш жараёнининг самарадорлигини акс эттиради ва мақсадга эришиш даражасини тавсифлайди, ўқитиш ва ўқиши жараёни, натижа қўйилган мақсадга мос келганда яқунланади.

Назорат топшириқлари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш – дарснинг дидактик мақсади, кутилаётган натижа, үқув материалнинг мазмунин асосида назорат топшириқларини ишлаб чиқиш, уларнинг ҳажми, бажарилганлик даражаси, бажарилиш сифати, вақтига кўра баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишни назарда тутади.

Таълим ресурсларини танлаш – мавжуд шарт-шароитдан келиб чиқсан ҳолда ўқитувчи, талаба ва дарсни ташкил этиш учун таълим воситаларининг

ўринли танланишини, улардан үқув жараёнида түғри фойдаланишни күзда тутади.

Үқитишиш ва үқишиш стратегияси – белгиланган үқув материалларини талабалар онгига етказиш йўлларини, яъни танланган таълим методи, шаклларининг амалда қўлланишини кўзда тутади.

Дарснинг турини танлаш – үқитувчининг маҳоратига кўра дарснинг дидактик мақсади, үқув материалининг мазмуни, дарс учун ажратилган вақт, шунингдек, зарур шарт-шароитнинг танланишини ифодалайди.

Дарснинг технологик харитаси – дарс ишланмасининг асосий ўзагини ташкил этади. У дарс тури ва танланган методларга қараб турлича бўлиши мумкин. Дарснинг технологик харитаси хусусида маъruzанинг кейинги ўринларида алоҳида тўхталиб ўтилади.

2. Таълим жараёнини лойиҳалаш: лойиҳа – мазмун – фаолият учлиги асосида ташкил этилувчи педагогик фаолиятнинг умумий моҳиятини яхлит ифодалашга хизмат қилувчи лойиҳани яратишидир.

Таълим жараёнини лойиҳалаш қўйидаги босқичларда кечади:

1. Лойиҳани яратиш
2. Талабалар фаолиятини ташхислаш
3. Педагогик жараённи ташкил этиш
4. Педагогик жараённинг самарали кечишини таъминлаш
5. Талабалар фаолиятини назорат қилиш

Таълим жараёнини лойиҳалашда бажариладиган **асосий вазифалар** қўйидагилардир:

- 1) педагогик фаолият мазмунини таҳлил қилиш;
- 2) натижаларни олдиндин кўра билиш;
- 3) режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш.

Дарс ишланмаси – бу таълимий мазмунга эга лойиҳа, шунингдек, ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган ҳужжат ҳисобланади. Уни тузишда ўқитувчининг дарс жараёнидаги фаолиятини режалаштириш, дарс мазмуни бойитиш, таълим самарадорлигини ошириш **мақсади** кўзланади. Дарс ишланмасини йилдан-йилга такомиллаштириб ва мукаммаллаштириб бориш, янги методларни қўллаш, янги материалларни киритиш билан янгилаб турилиши лозим. Бинобарин, таълим жараёнига янги ДТС, үқув дастурлари, замонавий таълим технологияларнинг жорий этилиши, ўқитувчи томонидан янги ахборот технологиялари, замонавий техник воситаларининг қўлланиши билан дарс ишланмаларига қўйилган талаблар ҳам ўзгариб боради. Дарс лойиҳаси (ишланмаси)ни учун тайёр, стандарт қолип мавжуд эмас. Чунки дарс “жонли” ташкил этилиши зарур. Дарснинг бу хусусиятига кўра уни ҳеч қандай

қолипга солиб бўлмайди. У дарс тури ва танланган методларга қараб турлича бўлиши мумкин.

Таълим жараёнини лойиҳалаш, одатда, технологик паспорт ва технологик хариталар воситасида амалга оширилади.

Технологик паспорт (педагогикада) – таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи хужжат.

ОТМдаги ўқув машғулотининг технологик паспорти

Маъруза мавзуси	
<i>Маърузага ажратилган вақт</i>	<i>Талабалар сони</i>
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	
Ўқув машғулотининг тузилиши	
Ўқув машғулотнинг мақсади:	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Таълим методлари	
Таълимни ташкил этиш шакли	
Дидактик воситалар	
Таълимни ташкил этиш шароити	
Назорат	

Технологик харита (педагогикада) – педагогик (таълим ва тарбия) жараённи бажарувчи ёки маълум обьектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган хужжат.

ОТМдаги ўқув машғулотларининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Педагог	Талаба
1-bosqich. Бошланғич қисм – ўқув машғулотининг ташкилий-тайёргарлик босқичи (15 дақиқа)		
2-bosqich. Асосий қисм – билимларни мустаҳкамлаш босқичи (55 дақиқа)		
3-bosqich. Якуний қисм (10 дақиқа)		

Таълим жараёнида янги инновацион технологияларни қўллашда ўқув дастури мазмунининг мукаммаллиги, дарслер ҳамда ўқув қўлланмаларнинг замонавий талаблар асосида яратилганлиги, ўқув режаси моҳиятининг назарий ва амалий жиҳатларига кўра ягона мақсадга эришиш учун хизмат

қилиши, машғулотларни самарали ташкил этиш имконини берувчи педагогик шарт – шароитларнинг мавжудлиги, педагог ва талабалар ўртасида самимий, ижобий муносабатларнинг қарор топиши каби масалалар инобатга олинади.

Юқорида таъкидлаганимиздай, республиканинг таълим тизими ва илми олдида турган асосий вазифалардан бири бу маданий ва билимли ёшларни тарбиялашдир, чунки улар мамлакатдаги ўзгаришларни давом эттиришлари ва бутун жамиятнинг гуллаб-яшнаши учун бунёдкорлик ишларини олиб боришлари керак. Мамлакатимизнинг барча таълим муассасалари ўқитувчилари олдида турган мұхим вазифа - бу ўкув жараёнига инновацион технологияларни жорий этишдир.

Таълимдаги инновация деганда педагогик технологияларни такомиллаштириш жараёни, методлар, усуллар ва ўкув қўлланмалар тўплами тушунилади. Зоро, ҳозирги вақтда инновацион педагогик фаолият ҳар қандай таълим муассасасининг ўкув фаолиятининг мұхим таркибий қисмларидан биридир.

Инновацион фаолият таълим хизматлари бозорида таълим муассасасининг рақобатбардошлигини яратиш учун асос яратади, ўқитувчининг касбий ўсиш йўналишларини, унинг ижодий изланишларини белгилайди ва ўқувчиларнинг шахсий ўсишига ёрдам беради.

Ўқитувчининг янги типи - бу замонавий таълим методлари ва технологиялари, психологик-педагогик технология усулларини биладиган, муайян амалий фаолият шароитида педагогик жараённи мустақил равища лойиҳалаштириш усулларига эга бўлган ва педагогик фаолият натижасини олдиндан башорат қила оладиган ижодий фикрловчи ўқитувчидир. Махсус фанлар ўқитувчилари олдида ўз фанини ҳамма учун қизиқарли бўлиши, талабаларда билимга қизиқиш уйғотиши ва ўз қобилиятларини кашф этишларига ёрдам бериши, уларнинг билим фаолигини ошириш каби вазифалар турибди.

Таълимга жорий қилинган янги ахборот технологиялари унинг сифат жиҳатидан янги босқичларга қўтарилишига ёрдам беради.

Инновациялар ёки янгиликлар киритиш инсоннинг ҳар қандай касбий фаолиятига хосдир ва шу сабабли табиий равища ўрганиш, таҳлил қилиш ва амалга ошириш предметига айланади. Инновациялар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, улар илмий изланишлар, алоҳида ўқитувчилар ва бутун жамоаларнинг илғор педагогик тажрибаси натижасидир. Ушбу жараён ўз-ўзидан бўлиши мумкин эмас, уни бошқариш керак.

Замонавий тезкор ўзгаришлар асрида сиз ўзингиз шуғулланаётган ишингиз ҳақидаги одатий тасаввурлардан воз кечишиңгиз, баъзи янги йўналишларда доимо такомиллашиб боришиңгиз керак бўлади. Илмий ва

ижтимоий тараққиёт одамларнинг меңнат шароитлари ва мазмунини тезлик билан тубдан ўғартирмоқда. Сўнгги ўн йилликдаги миллий педагогик тизимда ҳам жуда кўп ўзгаришлар юз берди.

Бундай шароитда ўқитувчи кенг қамровли инновацион технологиялар, ғоялар, йўналишлар бўйича ҳаракат қилиши, маълум бўлган нарсаларни кашф қилиш учун вақт сарфламаслиги керак. Бугунги кунда таълим технологияларининг бутун катта арсеналини ўрганмасдан туриб, педагогик жиҳатдан малакали мутахассис бўлиш мумкин эмас. "Касбий педагогика" да куйидаги таъриф берилган: "Инновация - бу техника, технология, педагогика, илмий изланишлар соҳасида янги амалий воситалар (янгилик, инноватсия)ни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланишдан иборат бўлган комплекс жараёндир".

Демак, янги амалий воситалар бўлмаса, янгилик ҳам бўлмайди. Бироқ, ҳаммаси ҳам шунчаки оддий эмас: педагогикада "янги амалий воситалар" унчалик кўп эмас. Демак, инновацияга фақат воситаларни яратиш деб қараш керак эмас. Инновация бу ҳам ғоялар, ҳам жараёнлар, ҳам воситалар ва натижалар бўлиб, бу педагогик тизимни сифат жиҳатидан такомиллаштириш бирлигига амалга оширилади. Инновация обьектлари куйидаги муаммоларни ўз ичига олади: таълимий ва тарбиявий фаолият мотивациясини ошириш, дарсда ўрганиладиган материаллар ҳажмини қандай ошириш; ўрганиш тезлигини қандай тезлаштириш; вақтни беҳуда сарфлашни қандай бартараф этиш ва Ѣ.к.

Ўқув -тарбиявий жараённинг фаол шаклларидан ҳамда таълим ва тарбиянинг янги технологияларидан фойдаланишнинг пухта ўйланган методларини жорий этиш -инновацион ғоялар ишланмасининг доимий йўналишларидандир. Фаолият самарадорлигининг даражаси тўғридан-тўғри профессионаллик даражаси билан боғлиқ бўлиб, унинг энг юқори намоён бўлиши унинг технологик жиҳати ҳисобланади.

Бугунги кунда инновацион педагогик технологияларга катта қизиқиши туғдирган қуйидаги сабабларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, педагогикага тизимли-фаолиятли ёндашувини жорий этиш зарурати. Иккинчидан, таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва индивидуал ривожлантирувчи таълимни жорий этиш зарурияти. Учинчидан, билимларни узатишнинг самарасиз вербал усулларни истисно қилиш. Тўртинчидан, ўқитиш натижаларини кафолатловчи ва малакаси паст ўқитувчилар ишининг салбий оқибатларини камайтиривчи усуллар, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро таъсир шаклларининг технологик занжирини лойиҳалашни рағбатлантириш.

Замонавий педагогик технологиялар рақобат шароитида мавжуд бўлиб, ўқитишнинг маълум бир даражасига эришишни кафолатлаши, натижалар вақт, куч ва маблағларнинг оптимал сарфланиши бўйича самарали бўлиши керак. Ҳозирги кунда таълимнинг турли хил инновацион технологиялари ривожланди. Барча технологиялар асосида ҳар бир талаба учун адаптив шароит яратиш ғояси ётади, яъни таълим мазмуни, усуллари, шакллари ва мустақил шахсга максимал йўналтирилганлиги талабанинг хусусиятларига мослашади.

Инновацион педагогика бутун педагогик жараённи ҳам таълим, ҳам тарбия сифатида қайта кўриб чиқиши, ўқувчига фаолият субъекти сифатида қарашни талаб қиласди. Қайта ўйлаш зарурати фикрлашнинг янги турларига ва воқеликни ўзгартиришнинг янги усулларига ўтиш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади. Бугунги кунга келиб таълим амалиётида билимлар, кўнікма ва малакаларни узатиш, муаммоли, дастурлаштирилган, кўп даражали, мослашувчан, модулли машғулотлар ва бошқалар технологияси ишлаб чиқилган ва қўлланилмоқда. Таълим технологиялари билан танишиш ва ишлаб чиқишида уларнинг ўзига хос хусусиятлари қандай психологик ва педагогик назариялар ва ёндашувлардан фойдаланилганлигини тушуниш имконини беради.

"Инновация" тушунчаси бизнинг касбий хаётимизда мустаҳкам ўрнашган. Бугунги кунда инновацион ҳодисалар педагогик жараённинг барча элементларида учрайди. Ўқитишдаги инновациялар - бу янги ўқитиш методлари, таълим мазмунини ташкил қилишнинг янги усуллари, таълим натижаларини баҳолаш усулларидир.

Демак, бўлажак рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мазмунини янгилаш педагог кадрларнинг билим ва касбий малакалари даражасини юқори босқичга кўтаришга қаратилган бўлиб, уларнинг шахсий ва касбий сифатларини шакллантириш жараёнини инновацион усулларда ташкил этиш катта аҳамият касб этади. **Таълим жараёнини лойиҳалаш ана шундай инновацион усуллардан** бири ҳисобланади. Инновацион педагогик лойиҳалаштириш концепцияси ўзида тизимли, фаолиятли ва информацион ёндашувлар ғояларига асосланган назарий-методологик ва методологик-технологик билимлар тизимини намоён этади.

Таълим соҳасида лойиҳалаштириш методини қўллаш 1990-йилларнинг иккинчи ярмида таълимни стандартлаштириш ғояларининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда фаоллашди. Лойиҳалаштириш ғоялари педагогик тизимлар, таълим мұхити, шахс, таълим ва тарбия мазмуни, шахс ривожланишининг таҳмин қилинадиган натижалари даражаларида тарқалди. Янги ўқув режаларида бўлажак мутахассисларнинг ижодий имкониятларини

ривожлантириш мақсадида касбий билим ва күнікмаларни пухта әгаллашга устувор ахамият берилған, махсус ва умумкасбий фанларни замонавий педагогик ва ахборот технологиялари воситасида ўқитишга алоҳида эътибор қаратылған. Бу эса таълим жараёнларини лойиҳалаш мазмуни ва методологик асосларини аниқ белгилашни тақозо этади. Ўқитиш мазмунини белгилашда икки асосий стратегияга таяниш мүмкін:

- 1) бўлажак мутахассислар шахсини шакллантиришга йўналтирилган таълим стратегияси;
- 2) бўлажак мутахассисларни касбий шакллантиришга йўналтирилган таълим стратегияси.

Бўлажак мутахассисларни касбий шакллантиришга йўналтирилган таълим стратегияси мутахассиснинг аниқ касбий фаолиятини таҳлил қилишга таянади. Бундай лойиҳалашнинг афзалиги шундаки, таълим мазмуни мутахассис тайёрлашга қўйилаётган талабларга қатъий мос келади, бу эса, шак-шубҳасиз, мутахассислар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиласи. Зоро, лойиҳалаш жараён сифатида меъёрий ва ижодий характерга эга экани таъкидланади. Бир томондан, лойиҳалаш жараёни меъёrlанган, ўз босқичлари, амалга ошириш тамойиллари ва усулларига эга. Бошқа томондан, педагогнинг ижодий қадриятли йўналганлигига таянади.

3. Таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш қўйидаги типологик белгиларга кўра тавсифланиши мүмкін:

1. Педагогик лойиҳалаштириш тизимлилик табиатига эга бўлган мураккаб тузилмали обьект ҳисобланади.
2. Педагогик лойиҳалаштириш жараёнлари яхлитлиги тизимлиликка эришиш тушунчаси билан бир маънени, уларнинг уйғунлигини англатиб, бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантириш мақсадларини ўзида мужассамлаштиради.
3. Ахборот технологиялари таълим мұхити, таълим жараёнлари сифати ва самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омил бўлиши билан бирга унинг воситаси ҳамдир, яъни педагогик лойиҳалаштириш аниқ бир мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини таъминловчи дастурий, ахборот-техник, ўқув-методик тизимлар мажмуасидир.

Педагог олимларнинг фикрича, таълим парадигмалари алмашаётган ҳозирги вақтда лойиҳалаш-дастурлаш борасида илмий қарашлар шаклланмоқда. Унинг асосини ишлаб чиқиши, шакллантириш ва яратиши билан характерланадиган, таълим тизимлари амалиётида ҳали мавжуд бўлмаган лойиҳалаштириш ва дастурлаш фаолияти ташкил этади. Бунда мавжудларидан

фарқ қиласынан, принципиал янги таълим тизимлари ва уларнинг фрагментларини илмий асослаш ва конструктив ишлаб чиқиши таъминланади.

Хозирги шароитда ўқитувчи фаолиятининг сифати унинг педагогик лойиҳалаштириш күйнекілдердің күп жиһатдан боғлиқ. Бундан келиб чиқадыки, педагогик лойиҳалаштириш мөхиятини аник ва равшан тушуниб олиш ва уни педагогик инноватика қонуниятлари ва тамойилларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш талаб этилади. Педагогик лойиҳалаштиришнинг инновацион лойиҳаларни яратиш босқичи сифатида тадқиқотчилар қуйидаги гояларга таяниб иш тутади:

1. Педагогик лойиҳалаштириш таълим жараёнига киритиладиган инновацияларни янада сифатли тайёрлашга хизмат қиласынан.

2. Педагогик лойиҳалаштириш бошқариладиган жараён бўлиб, унинг асосини педагогнинг ижоди ташкил қиласынан ва у мураккаб ички тузилмага эга бўлган тизимдир.

3. Педагогик лойиҳалаштириш вариатив характерга эга бўлиб, лойиҳалаштирилган обьект ва педагог ўртасида экспериментал ҳаракатлар орқали амалга ошириладиган қайтар (акс) алоқа бўлишини назарда тутади.

4. Педагогик лойиҳалаштириш самарадорлигига ташкил мұхит катта таъсир кўрсатади. Педагогик лойиҳалаштириш обьектлари сифатида педагогик ва ўқув фаолиятининг инновацион методлари ва усуллари, педагогик технологиялар, таълимнинг янги технологиялари ва ташкилий-педагогик жараёнларни қараш мумкин.

Лойиҳалаштириш фаолияти методологиясининг асосини лойиҳалаштириш технологияси, унинг мантиқийлиги ва босқичлилиги ташкил этади. Лойиҳалаштиришнинг умумий таърифига мувофиқ, педагогик лойиҳалаштиришни фаолият сифатида қуйидагича таърифлаш мумкин:

- самарали таълим жараёнлари ва педагогик фаолият турларини ишлаб чиқиши мақсадида амалий йўналтирилган фаолият;

- замонавий билимнинг ривожланаётган янги соҳаси, педагогик воқеликни талқин қилиш услуби;

- педагогиканинг замонавий тизимларини ривожлантириш, ўзгартириш, такомиллаштиришга оид масалаларни ҳал қилиш ва мавжуд педагогик зиддиятли ҳолатларни бартараф этишга йўналтирилган илмий амалий йўналиши ва ташкил этиладиган амалий фаолият шакли.

Таълим жараёнларига илғор педагогик ва ахборот технологияларини педагогик лойиҳалаштириш орқали татбиқ этишда асосий вазифалар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- янги ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишнинг зарурий моддий-техник базасини яратиш;

- таълим жараёни учун замонавий ахборот технологияларини лойиҳалаш ва қўллаш;
- бўлажак үқитувчининг замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириш;
- замонавий технологиялар асосида таълим жараёнларини лойиҳалаб, самарадорликка эришиш.

Таълим мақсадларига эришишда педагогик дастурий воситалар: таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаш; талабанинг ўз ўқув фаолиятини ўзи назорат қилиши ва тўғри йўналтириши; компьютернинг ҳисоблаш имкониятларидан фойдаланиш туфайли ўқув вақтини тежаш; ўқув материалларини визуаллаштириш; ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш, уларни имитациялаштириш; талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш имконияти; турли педагогик вазиятларда оптимал қарор қабул қилиш малакасини шакллантириш; фикрлашнинг аниқ бир шаклини (кўргазмали-образли, назарий) ривожлантириш; касбий билимларни эгаллаш мотивларини кучайтириш; билиш фаолияти маданиятини шакллантириш имкониятларини яратади.

Замонавий шароитда таълим жараёнида ҳам лойиҳалар билан ишлашга асосланган лойиҳа таълими фаол қўлланилмоқда.

Лойиҳа таълими – таълимий характердаги аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишига йўналтирилган таълим

Таълим жараёнида лойиҳани ишлаб чиқиши турли манбалар: маҳсус адабиётлар, монография, журнал мақолалари, газета нашрлари, Интернетдан маълумотларни излаш, маҳсус ва ижтимоий сўровномаларни ташкил этиш орқали ахборотларга эга бўлиш билан боғлиқ.

Лойиҳа натижаси (маҳсулоти) – буклет, нашр иши, электрон ўқув-таълим ресурси шаклида тақдим этилган, танлаб олинган, таҳлил қилинган, умумлаштирилган ҳамда тизимлаштирилган ахборотлар саналади.

Таълим-тарбия умумий тизимининг педагогни шахсий-касбий шакллантириш томон йўналганлиги кейинги йилларда талабаларни педагогик олий ўқув юртлари шароитида тайёрлаш таркиби, мазмуни ва технологияларида жиддий ўзгаришлар вужудга келишига олиб келди. Педагогик таълимнинг инсонпарварлаштириш, табақалаштириш ва халқчиллаштириш узлуксиз таълим тизимини нисбатан тез мослашувчан, ўзгарувчан, очиқ қилди. Натижада талаба-ўқувчиларнинг ўzlари томонидан таълим олиш йўлларини танлашга аниқ замин вужудга келди, бу эса уларнинг шахсий – касбий эҳтиёжлари ва интилишларига анча тўлиқ жавоб беради. Таълимни инсонпарварлаштириш даставвал шахсга

йўналтирилган таълим ғоясига асосланади, бу эса саводхонлик педагогикасидан ривожлантириш педагогикасига ўтишда намоён бўлади. Демак, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштиришнинг шахсга йўналтирилган таълим парадигмасига дахлдорлиги унинг асосий ҳолатларини аниқлаштиришни талаб қиласди. Шахсга йўналтирилган таълимдан кузатилган мақсад – кишида ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини йўналтира олиш, ўз тақдирини ўзи белгилай олиш механизмларини қўллаб-кувватлаш ва ривожлантиришки, булар шахсий, ўзига хос образнинг шаклланиши, кишилар, табиат, маданият билан диалогик ўзаро муносабатлари учун зарурдир . Шу билан бирга биз ўзининг имкониятларини амалга ошириш, деб киши томонидан унда мавжуд истеъдод ва қобилиятни энг юқори даражада ривожлантириш жараёни ва натижасини, уларнинг амалиётда тадбиқ қилинишини тушунамиз. Бу, шунингдек, шахснинг ўз-ўзини доимий ривожлантиришидан хам иборатдир.

Ўз-ўзини англаш – шахснинг ўз ҳаракатлари, муомалалари, интилишлари, манфаатларини бошқа кишилар манфаатлари, ҳаракатлари, интилишлари билан мослаштиришга доимий интилишидан, ўзида ижтимоий манфаатларга амал қилишни вужудга келтиришдан, бунда ўзидаги шахсий ва такрорланмас ўзига хосликни йўқотмасликдан иборат.

Ўз ўрнини белгилаб олиш – шахснинг маънавий, ахлоқий ўрнини шаклланиши, ўзида “Мен”нинг ўрин олиши, ўзига, жамиятдаги, ҳаётдаги ўз ўрнига тушуниб етишидан иборат. Олий таълим муассасасида шахсга йўналтирилган ёндашувнинг амалга оширилишига бўлган зарурият олий мактабни ислоҳ қилиш йўналишида муҳим йўналишларни ишлаб чиқариш жараёнида расмийлаштирилган таълим тараққиёти билан ўз тасдифини топади.

Унинг асосий қисмлари “Таълим тўғрисида”ги Конуннинг ва “Кадрлар тайёрлаш бўйича миллӣ дастури» ижро ҳужжатларида баён қилинган. Дастурнинг ўзаро боғланган қисмлари шахсни шакллантириш ва унинг манфаатларини қондириш, узлуксиз таълим тизимини яратиш, ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги замон анъаналарига мос равиша фанни ривожлантиришдан иборатдир”. Олий ўқув юртлари томонидан мутахассисларни тайёрлашни инсонпарварлаштириш муаммоларини ечиш йўлларини излаш хам ўқув фанларининг ўқитилишини ихчамлаштириш ва жадаллаштириш йўли бўйича, хам талабаларнинг якка тартибда билим ортириш фазилатларини, уларнинг қизиқишлиари, мойилликларини ҳисобга олинишини таъминлаш бўйича олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида таълимни такомиллаштириш шароитида аниқ методологик асосларни излаш долзарб тус олди. Касбий таълим сифати муаммоларини таҳлил қилиш жараёнида методологик асос сифатида педагогик лойиҳалаш намоён бўлади.

“Педагогик лойиҳалаш – педагогнинг педагогик масалаларни ечишга қаратылған кетма-кет ўзаро боғлиқ ҳаракатлари тизими ёки олдиндан режалаштирилған педагогик жараённинг амалиётта кетма-кет мужассамланиши саналади”.

Лойиҳалаш муаммоси ўзининг ривожланиш тарихига эга. “Педагогик лойиҳа” атамаси күпроқ қуидаги маңнога эга бўлган педагогик ишларда учрайди: лойиҳа – таълим тизимини лойиҳалаштиришга қаратылған ҳолда расмийлаштирилған педагогик ғоялар, педагогик жараёнлар ва технологиялар мажмуси, шунингдек, уларнинг амалий жорий этилиш дастурлариридир. Бу ҳолда лойиҳалаш, педагог-олим Е.С.Заир-Бекнинг фикрича, мавжуд нарсани нимагадир айлантириш зарурлиги юзасидан ғоялар ва ҳаракат дастурини ишлаб чиқаришдан иборат. Ишлаб чиқилған ғоялар ва ҳаракат дастури лойиҳалаш маҳсули сифатида рўй беради.

Лойиҳалаш дастлаб касбий фаолият соҳаси сифатида техника, курилиш, ишлаб чиқаришда пайдо бўлди, сўнг иқтисодиёт, бошқариш, ижтимоий соҳадаги фаолиятга, хусусан, педагогик фаолиятга татбиқ этилган. Педагог-олим В.Е.Радионованинг фикрича, лойиҳалашнинг кўп қиррали маданий-тарихий феномени ўз фаолиятининг барча соҳаларида ҳозир бўлган исталган кишининг ҳаётий фаолиятнинг туб моҳиятидан келиб чиқади.

Илмий ёки амалий жиҳатдан касбий педагогик фаолият бу қаторда мустасно эмас. Кишининг мақсадга мувофиқ ҳаракати шу фаолиятдан олиниши мумкин бўлган натижаларни режалаштирилишига боғлиқлиги олдиндан аниқланган. Асрлар давомида педагог ўзининг кундалик таълим бериш ва тарбиялаш амалиётида турли-туман қарорларни қабул қилишга тўғри келган ва бу айнан унинг шу каби қарорларнинг оқибатларини якка тартибда режалаштиришига, унинг олдинги амалий тажрибаси остида ишлаб чиқилған касбий ҳис-туйғусига асосланган.

Ўрта Осиёning буюк мутафаккирларининг асарларида, жумладан, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мұхаммад Тарагай Мирзо Улуғбек, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоийларнинг асарларида, шунингдек, қадимги юонон файласуфлари Аристотел, Сократ, Платоннинг асарларида, ҳозирги кунда ҳам биз учун ғоят даражада қизиқарли бўлган, хусусан, таълим-тарбиянинг мақсади ва вазифаси, мазмуни ва усулларига оид ташҳисий мулоҳазалар ва фикрлар мавжуд.

Улуғ аллома Абу Али ибн Сино, улуғ қомусий олим, инсон моҳияти ва моҳиявий кучи муаммосини тадқиқ қиласар экан, абстракт нарсаларнинг ғоявий этилиш маъносини “ҳаётий нарсаларни фикран қараш” сифатида аниқлади. Шунга кўра ҳар бир учун билим борлиқда мўлжални тўғри олиш учун, ҳодисаларни тушунтириш ва олдиндан кўриш учун, фаолиятни режалаштириш ва амалга ошириш ва бошқа билимларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлади. Билим –

воқеликни ўзгартиришнинг жуда мұхим қуороли. У тез ривожланаётган ўзгарувчан тизимдан иборат, унинг ўсиши ҳозирги шароитда ўзининг суръати бўйича бошқа ҳар қандай тизимнинг ўсишига қараганда жадалроқдир. Кишиларнинг қайта ўзгартувчи амалий фаолиятида билимлардан фойдаланиш қоидаларнинг маҳсус гуруҳи бўлишини тақозо қиласиди, бу қоидалар қандай ҳолатда, қайси восита ёрдамида ва қандай мақсадларга эришиш учун у ёки бу билим зарур бўлишини кўрсатади.

Улуғ математик, астроном Мирзо Улугбек ўз шогирдларига тез-тез шундай деб турган: “Агар Ердаги воқеликни яхши тушунишни истасанг, келажакни яхши режалаштира ол”. Астрономия, математика, физика, тиббиёт, география, тарих ва лингвистикага оид кўплаб асар ёзган буюк мутафаккир Абу Райхон ал-Беруний таъкидлаган: “Ақлли киши келажак авлод учун фойда келтириб, у ақл ва идрок билан ҳаммани мушоҳада эта олсагина, рухан қаноат ҳосил қилган”.

Ўзбекистонда фаол ижтимоий-педагогик тафаккур ривожланишига Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори Абдурашидхоновлар катта ҳисса қўшди. Уларнинг асарларида келажак киши сиймосини яратиш ғояси муаммоси алоҳида ўрин эгаллайдики, унга эришиш йўлида тарбиянинг тегишли тизими барпо бўлиши лозим эди. Машхур ўзбек педагоги Абдулла Авлоний ўз асарларида кўп марта ўз диққатини педагогиканинг вазифаларини таҳлил қилишда, унинг тарбия ҳақидаги фан сифатида тарбиявий фаолиятнинг санъат сифатидаги аҳамиятини ёритишга қаратди. Абдулла Авлонийнинг фикрича, “тарбия санъатларнинг олийсидир, санъат эса ҳали мавжуд бўлмаган томон интилади, унинг олдида ижодиётининг келажакдаги мақсади ва ғоявий сиймоси гавдаланади”.

Мутафаккир педагоглар қолдирган бой ижодий меросдан олинган мисоллар шуни маълум қиласиди, улар педагогик режалаштириш (войиҳалаштириш) қадимдан мухокама марказида бўлганлигини кўрсатади. Келтирилган фикрлар, шубҳасиз, ҳозирги замон педагогларининг ишларида мавжуд бўлган педагогик режалаштириш вазифаларини чуқурроқ таҳлил қилиш учун бошланғич нуқта вазифасини ўтайди.

Лойиҳалаш – мұхитни фикран ўзгартиришdir. Лойиҳа ахборот мұхити доирасидаги фаолият натижаси, буюм эса – моддий объектлар мұхитидаги фаолият натижасидир. Шу ёндашувдан келиб чиқиб, педагог-олим Я.Дитрих томонидан лойиҳа буюмни мавхум тасаввур этишни берувчи тушунчалар тизими, деб тушунтирилади; йиғма таҳлил натижасида олинган моддий жамланма хусусиятлари мажмуаси, у йиғма таҳлил натижасида олинади ва ижодий ёки ижро этиш ниятини ифодалайди. У ҳолда лойиҳалашшга ҳаракатнинг айрим усулини танлаш сифатида қаралади, хусусий ҳолда – тизимли ҳаракатнинг мантиқий асоси сифатида тушунилади.

Лойиҳа – лойиҳачи томонидан бунёд этилган янги бино, у ҳолда лойиҳалаш жараёнининг ўзини ижодиёт тарзида қараш мүмкін, яъни бирор янги нарсаны ҳосил қилиш жараёни, деб. Ижодиёттинг мөҳияти фалсафада ўрганилади. Диалектик материализм нұқтаи назаридан, “ижодиёт – кишининг ҳақиқаттинг объектив қонунлари асосида шахс ва инсоният мақсади ва эҳтиёжига мувофиқ табиий ва социал дунёни ўзгартирувчи фаолиятидир”. Ижодиёт ўзининг тақрорланмаслиқ, асилик ва ижтимоий-тарихий ноёблиги тавсифланади. Ижодга қўйилган вазифани амалга ошириш мақсади бўлган ихтирочиликдай прагматик қараш ҳам тузиш-қуришдек туюлади.

Лойиҳалаш ижодий жараён сифатида қўйидаги босқичларни босиб ўтади:

- 1) илҳомланиш;
- 2) ҳиссий чўкиш;
- 3) тафаккур;
- 4) тасаввурнинг биргаликда ишлаши;
- 5) онгнинг энг қўп ўткирлашуви;
- 6) қўйилган мақсадга эришиш йўллари;
- 7) мақсад натижасининг мунаварлиги;
- 8) мақсад натижасининг ёрқинлиги.

Лойиҳалаш муаммолари тадқиқотчилари бу фаолияттинг ижодий турдалиги ҳақидаги фикрни қувватлайди. Америкалик педагог П.Хилл ижодиётни “фикрнинг маълумлар чегарасидан ташқари томонга муваффақиятли учишидир”, “лоийиҳалай олиш – бу бир вақтда ҳам фан ва ҳам санъатдир” деб умумлаштиради, яъни ҳам илмий ва ҳам амалий ижодиёттинг белгиларига эгадир.

Лойиҳа фаолиятни муваффақиятли ташкил қилиш бир қатор талабларни бажаришга боғлиқ. Соҳалиликни талаб этиш, яъни, лойиҳалаш предметни ҳимояламанганлигини тасвиrlаш, маълум соҳалар билан боғлаш, деган сўздир. Таълим тизимининг ишлами ва ривожланиши нафақат психолого-педагогик муаммоларни, балким, фалсафий, маданиятшунослиқ, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, психологик, физиологик ва бошқа муаммоларни ҳам эътиборга олишни талаб қиласи, педагогик лойиҳалаш фанларнинг кенг кўламини ёритувчи фанлараро мазмундаги билимлар билан ишлай олишга алоқадордир. Агар биз лойиҳалаштириш натижасида таълимнинг янги моделини олишни истасак, олдин у қамраб олувчи барча ижтимоий-таълимий соҳаларни таҳлил қилиш керак. Лойиҳавий қараш доирасига моделнинг ҳаракат мұхитидаги таълимнинг ижтимоий вазияти, бир бутун таълим мазмуни, ўқувчиларнинг тақдири кирган бўлади; барча унга қўшимча таълим шакллари ва қадамлари, қонунчилик меъёрлари ва шу кабилар киради. Масалан, мақсади инглиз тили бўйича битириш имтиҳонининг янги шаклини тайёрлаш бўлган таълим лойиҳаси чегарасида етарлича кенг ижтимоий-дидактик соҳани таҳлил қилишга тўғри келди. Унга

мактаб болаларини тил бўйича тайёрлашнинг барча айланмалари, назорат шакллари, хорижий тиллар ўқитувчиларига касбий таълим тизими, ўқувчилар ва педагогларнинг бошқа фанлар бўйича тестлар билан иш тажри-балари, мавжуд ўқув қўлланмалари тизими, маъмурий муносабатлар тизими ва шу кабилар кирди.

Таълим-тарбияга манфаатдор томонлар – шахслар, давлат, жамият эҳтиёжларининг турлилиги билан жамият ҳаётида алоҳида ўрин тутади ва унинг барқарор ривожланишга лаёқатини ифода қиласди. Таълим тизимининг самарали ишлаши масаласи билан ҳақиқатда мамлакатнинг барча фуқаролари қизиқади: дастлаб улар умумий таълим муассасаларида ўқийдилар, сўнг болалари ўқийди, ўзлари эса малакаларини ошириш имкониятига эгадирлар. Бу ҳолат одамнинг барча ҳаёт даврида узлуксиз таълимга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга имкон беради.

Педагогик лойиҳалашга қўйиладиган талаблар. Фаолликнинг ифодаларидан бири – лойиҳага ихтиёрий тарзда қўшилиш ва ҳиссиётли-қадрли тарзда яшашдир. Лойиҳани тузиш жараённида, нафакат бевосита қатнашувчиларнинг, шунингдек, бунга шунчаки аралашаётган-ларнинг, лойиҳа муаммоларини мухокама қилишда иштирокчиларнинг фаоллигини эътиборга олиш мухим саналади. Лойиҳалашнинг хусусияти шундаки, унда барча фикрлар ва таклифлар назарда тутилиши, барча қабул қилинган қарорлар илмий асосланган бўлиши керак. Агар педагогик лойиҳа-нинг мухокамасида малакали мутахассислар, олимлар, жамият ташкилотлари фаол иштирок этсалар, унинг сифати юқори бўлади.

Таълим тизимини лойиҳалаштиришда самарали натижага муаллифлар жамоаларини тузиш орқали эришилади, бунга жамиятнинг турли қатлам-лардаги, давлат, нодавлат, жамият ташкилотларининг вакиллари киради. Аниқликка талаб лойиҳавий мақсадларга эришиш учун кафолатнинг таъмин-ланганлигига боғлик. Бунинг учун лойиҳавий фаолиятга қатнашаётган киши-лар белгиланган ўзгаришларни амалга оширишда зарур бўладиган ваколат даражасига эга бўлишлари, лойиҳа эса заҳиралар нуқтаи назаридан таъмин-ланган бўлиши хам зарур.

Бошқаришга қўйиладиган талаблар. Лойиҳани бошқаришнинг унумлилиги кўп жиҳатдан лойиҳа интизоми мавжудлигига боғлик, бу эса ҳаракатларнинг вақтинчалик чегараланганлигини, бажариладиган ишларнинг мазмунан ва технологик муайян бўлишини талаб қиласди. Бошқарувнинг муваффақиятли бўлиши, шунингдек, ҳар қайси лойиҳавий ишларнинг ахборотли таъминланганлигининг тўлиқ бўлишига боғлик, бу эса ўз навбатида бошланғич ташхисли, хulosавий ва бошқа маълумотларни олишни талаб қиласди.

Лойиҳалаш фаолиятининг технологиклиги қайта ўзгартириш ҳаракатларнинг биргалиқда олиб борилишига, чекланган босқичининг самарасига асосланади. Бунда қайта ўзгартирувчи самара ҳам биргалиқдаги натижага ва ҳам лойиҳа

иштирокчилариға тақалади. Лойиҳалаштириш табиатидан келиб чиқиб, педагогик лойиҳаларда бир қийматли қарорлар йүқлигини эътироф қилиш лозим, лойиҳавий фаолият эса мазмунни ва технологик кўп кўринишилиқдир.

Педагогик объектни лойиҳалаш бўйича амаллар тартиби:

Тайёрлов ишлари:

- 1.Лойиҳалаш объектини таҳлили
- 2.Лойиҳалаш мазмунини аниқлаш
- 3.Лойиҳалашнинг назарий таъминоти
- 4.Лойиҳалашнинг услубий таъминоти
- 5.Лойиҳалашнинг фазовий-вақтли таъминоти
- 6.Лойиҳалашнинг моддий-техник таъминоти
- 7.Лойиҳалашнинг ҳуқуқий таъминоти

Лойиҳани ишлаб чиқиши:

8. Тизимни шакллантирувчи омилни танлаш
9. Қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигини аниқлаш
10. Ҳужжатларни тайёрлаш

Лойиҳанинг сифатини назорат қилиши:

11. Лойиҳани қўлланилишини хаёлий тажрибадан ўтказиши
12. Лойиҳани эксперт томонидан баҳоланиши
13. Лойиҳани таҳrir қилиш,тузатиши
14. Лойиҳадан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилиши

Лойиҳалаш объектиning таҳлили дастлаб нимани лойиҳаламоқчи эканлигини аниқлашни талаб этади: бу тизимми, жараёнми ёки вазиятми? Бу объектларнинг ҳар бирининг хусусияти фазовий тузилишдан иборат. Бу эса катта тизимлар ва кичик вазиятлар чизиқли эмас, кўпгина устма-уст тушадиган тузилмаларга, қатламлар, ва қаватларга эга эканликларини кўрсатади. Фазовий тузилиш тизим, жараён ёки вазият ичida рўй берадиган ўзаро таъсирлар, муносабатлар, қатламлар, тузилмалар, ўртасидаги алоқаларни билдиради.

Лойиҳалаш объектиning таҳлили даставвал унинг тузилмаларининг ҳар бирининг алоҳида ҳолати, шунингдек, улар ўртасидаги алоқани кўзда тутади. Таҳлил давомида ижтимоий-давлат ва шахсий талаблар нуқтаи назаридан объектдаги камчиликлар, ожиз томонлар аниқланади. Зиддиятлар, яъни, объект қисмлари ўртасидаги нисбатан мухим номувофиқликлар ёки унинг бир бутун ҳолати ва унга қуйилган ҳам талаблар аниқланади. Айнан ана шу тугун лойиҳалаш давомида ўзгартиришларга дучор қилинади.

Лойиҳалаш обьекти накадар мураккаб ва катта бўлса, унинг босқичи хам шу қадар кенг таҳлил талаб қилинади. Масалан, таълим тизими ёки касб-хунар ўкув юрти тизими моделини етакчи шаклида тузишда бошланғич ҳолатни аниқлаш учун нисбатан чуқур ва кенг таҳлил талаб қилинади, бу ҳеч қандай янгилик

таянчини аниқламай вужудға келмайды, мавжуд объектми ёки унинг нусхасими, ҳар қайси янгилик олдингини қайта тузилишидир.

Лойиҳалаш шаклини танлаш қандай босқич танланганлиги ва неча босқични ўтиш кераклигига боғлиқ. Шундай қилиб, ҳозирда узлуксиз таълим умумий ўрта ва ўрта маҳсус ҳамда олий таълим муассасалари томонидан берилади. Шу мақсадда касб-хунар колледжларнинг асосий ғоялари, унинг низоми, бити्रувчиларнинг касбий тавсифномалари, ўқув режалари ишлаб чиқилған. Бунда күрсатилған шакллар иккى босқични ўз ичига олади: моделлаш ва лойиҳалаш. Агар педагогик жараён машғулотларда лойиҳа-ланаеттан бўлса, у ҳолда унинг моделлаштирилиши педагог ва талабаларнинг тафаккурига киритилған, деб тушунилади. Машғулотнинг етакчи ғояси шун-дан иборат. Машғулотнинг бевосита лойиҳаланиши тузиш босқичидан – машғулотлар режаси, матнини ёки кўринишларини тузишдан бошланади. Лойиҳалашнинг исталған шакли мақсадга мувофиқ талаб этиладиган, талабалар ва педагогларнинг хусусиятларига, имкониятларига мос бўлиши керак. Акс ҳолда улар юзакигина қабул қилинади.

Лойиҳалашнинг назарий таъминланиши - бу ахборотни излаш:

- бошқа жойлардаги шунга ўхшаш объектлар фаолиятининг тажрибалари ҳақида;
- шу каби объектларни лойиҳалашда бошқа педагоглар тажрибаси;
- педагогик тизимлар ва жараёнларнинг инсонга таъсири, педагогик вазиятлар ечимининг назарий ва амалий, тажрибавий тадқиқотлари.

Лойиҳалашнинг методик таъминоти лойиҳалаш жиҳозларини ташкил қилиш чизмалар, намуналар, ҳужжатлар ва шу кабиларни тайёрлаш; нисбатан қулай ва мақсадга мувофиқ тузилмаларни танлаш кабиларни ўз ичига олади. Бунга педагогик жараёнлар ёки вазиятларни лойиҳалашни мазмуний таъминлаш ҳам киради. Шу мақсадда, масалан, дарслар ёки мавзулар жилдига эга бўлиш тавсия этилади. Уларда ўқитувчи ёки уста аниқ ихтисосликка эга ўқув груҳи учун алоҳида мавзулар бўйича турли материалларни тўплайди. Бундай дарслар жилдига қўйидагилар киради: олий ва касбий таълимнинг ўзаро алоқадорликлиги ифодаланувчи топшириқлари; ҳужжатли материал; талабаларнинг маъruzalari, ишланмалари; қўргазмали куроллар ёки уларнинг жамланмаси; талабаларнинг мустақил ишлари учун ёзма-топшириқлар ва шунга ўхшаш, блокли-модулли ифодаловчи иш қофозлари.

Лойиҳалашнинг фазовий вақтли таъминоти агар уни тайёрлашда муайян вақт ва муайян фазо эътиборга олинганидагина аниқ қийматга эга ва ундан фойдаланиш мумкин бўлади. Фазовий вақтли таъминот – педагогик лойиҳалашнинг зарурый шартидир.

Фазовий таъминлаш деб мазкур модел, лойиҳа ёки тузилмани амалга ошириш учун энг самарали жой аниқлаш (тайёрлаш)ни, жойнинг тизимлар, жараёнлар ёки вазиятларни амалга оширишга жойнинг таъсирини ҳисобга олиш тушунилади. Исталған модел, лойиҳа ёки тузилма аник фазога боғланади. Бу эса педагогик жараён иштирокчиларининг ҳаракатларини олдиндан айтишга ёрдам беради.

Лойиҳалашни вақт бўйича таъминлаш - бу унинг ҳажми бўйича вақт билан ўзаро нисбати, яъни маълум вақтга сифадиган ва бажарилиш суръати бўйича, мароми бўйича фаолияти кетма-кетлиги, тезлиги ва шу вақтда унга жойлашадиган жараён билан ўлчанади. Масалан, вақтни қасбий қобилият, қасбий тажриба, усталикнинг шаклланишининг давом этиши сифатида, шунингдек, тадбирлар, педагогик вазиятларнинг (тизимлар, жараёнлар, вазиятларнинг) таъсир этиши, ривожланиш босқичлари давом этиши сифатида билиш талаб қилиниши мумкин. Буларнинг ҳаммаси педагог ва талабаларнинг кучи, куввати, диққати ва вақтини тўғри тақсимлашга имкон беради. Шу билан биргалиқда ўзларида вақт мароми, частотаси, оралиғи, кетма-кетлиги, тезлиги, ҳажмини намоён этади.

Ҳар бир услугуб ўзига сермеҳнатлиги, мазмуни ҳам уни бериш ва ўзлаштириш учун вақт талаб қиласи. Ҳар бир шакл маълум вақтга мўлжалланган. Моддий-техник таъминот лойиҳалаш жараёнида бир неча вазифани бажаради. Биринчидан, у лойиҳалаш бўйича бевосита фаолиятнинг ўзини амалга ошириш учун педагогик техника ва воситадир. Иккинчидан, моддий-техник қисми турли манбалардан таъминланиши сабабидан, табиийдирки, у ҳам лойиҳаланиши керак, яъни моделлаш, лойиҳалаш ва тузиш-куриш обьекти бўлиши лозим. Учинчидан, моддий-техник таъминот ҳар вақт тарбиявий мақсадларни ечиш воситаси бўлганлигига кўра у педагогик моделлар, лойиҳалар ва тузилмалар таркибий қисми сифатида, тизимлар, жараёнлар, вазиятлар лойиҳаланиши керак. Лойиҳалаш жараёнида педагогик тизимлар, жараёнлар, вазиятларнинг моддий-техник таъминланиши тўлиқ бўлишига, уларнинг фаолиятнинг бош йўналишларида тўпла-нишига, воситалардан кўчма ҳолда фойдаланишга, уларнинг энг мақбул бирикувига, ўзаро алмаштирилиши ва ўзаро тўлдира олинишига эришиш лозим. Лойиҳалашнинг моддий-техник таъминланганлигига лойиҳалашнинг содда бўлиши ва лойиҳани амалга оширилиши, педагоглар ва ўқувчилар фаолиятида қулайликлар, тарбия натижалари ва ишончлилигининг турғун бўлиши боғлиқдир. Кониқарсиз моддий-техник негиз педагогик лойиҳалаш юзасидан барча меҳнатни йўққа чиқариши мумкин. Бу ҳолда исталған модел, лойиҳа, тузилмали педагогик хаёлий шароитга тушиб қолади. Лойиҳалашнинг хуқуқий таъминоти – талабалар ва педагогларнинг тизимлар, жараёнлар, вазиятлар чегарасида фаолиятини тайёрлашда хуқуқий асосни яратиш ёки уни ҳисобга олишдан иборат. Ҳеч қандай педагогик лойиҳа республика

қонунчилигини, олий ҳокимият қонунлари ва фармонарни, таълимнинг бевосита бошқариш органлари буйруқларини бузиши мүмкін эмас. Тизим ташкил этувчи омилни танлаш бутун бир лойиҳани унинг барча таркибий қисмлари билан ўзаро боғланган холда тузиш учун зарур. Алоқаларни ўрнатиш ихтиёрий эмас. Бу жараён бош бўғинни ажратишни талаб қиласди, қолган барча алоқалар унга боғлик равишда белгиланадилар. Бош бўғин – тизим ташкил этувчисини, қисмларини бирлаштирувчи асос, ўзакдир.

Тизим ташкил этувчи таркибий қисм – у бошқа барча таркибий қисмларни бир бутун қилиб бирлаштира олади, уларни мақсадга мувофиқ йўналтира олади ва ривожлантиради. Бунда тизим ташкил этувчи қисми эркин қолади ва бошқа қисмларнинг ўзгарувчанлигига тўсқинлик қилмайди. У бўйича янги турғун педагогик тизимларни бунёд этиш мүмкін, шунга кўра уни таърифлаш ўта мухим. Тизим ташкил этувчи омилни танлаш шахсни тарбиялаш умумий мақсадга эришиш лойиҳасига таъсир кўрсатади. Психологлар педагогнинг лойиҳалаш жараёнида икки умумий мақсадга эришиш йўлини белгилайдилар: мазманий ва динамик.

Педагогик лойиҳалашнинг мазмани, умумий мақсадга эришиши асоси сифатида, шахсни тарбиялаш мақсади ва вазифасини ўз ичига олади, уларнинг ўзгармаслигини сақлайди, мазмани, услублари ва шаклларини ўзгарувчан қиласди. Мақсад ва вазифалар бошланғич холда аниқ берилган ҳисобланади. Педагог бу холда шахсга таъсир этишнинг шундай усусларини излайдики, улар қўйилган мақсадга мувофиқ равишда уни ривожлантиришга ёрдам беради. Ўзгарувчан тузилмалар ташкил этувчи қисмлари сифатида тарбияланувчи ва педагогнинг шахсий имкониятларини олади. Бу умумий мақсадга эришиш йўлида фикрлаш мантиғи тизим, жараён, вазият иштирокчиларининг аниқ имкониятларидан келиб чиқишилари, сўнг мақсад, тамойил, мазмун, услублар, воситалар ва шаклларни аниқлашдан иборат. Таркибий қисмлар ўртасидаги алоқалар ва боғланишларни белгилаш лойиҳалашнинг асосий амалларидан биридир. Тизим, жараён ёки вазият қисмлари ўртасидаги алоқаларнинг жуда кўп турлари мавжуд. Улардан асосийлари: вужудга келиш, туғилиш, ясаш, мазмун ва бошқариш алоқаларидир. Вужудга келиш алоқаларидан таълимнинг мужассамлашган қўринишини, ёки мужассамлашган ўқув фанини, ёки мужассамлашган машғулотни лойиҳалашда фойдаланиш мүмкін. Машғулот тузилмалари, мазмани, услубий қисмлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатишда янги таълимотлар вужудга келади: таълимнинг янги тури (масалан, муҳандислик-педагогик), янги ўқув фани (экология), машғулотларнинг янги тури (мужассамлашган машғулотлар). Қурилиш алоқалари жараёнлари қисмлари, таркиби, жойлашувини қамраб олади. Улардан фойдаланиб, машғулотларда бошқа фанлардан маълумотлар киритиш, қисмларини кўпай-тириш ёки камайтириш, жойларини алмаштириш мүмкін.

Хақиқатда лойиҳа-ланадаётган объект аввалгича қолади, у енгилгина такомиллаштирилади.7

Мазмуний алоқалар аксинча, ўзаро таъсир этувчи қисмлар – таркиб ва мазмун мохиятига тегиб ўтадилар. Чунончи, ишлаб чиқаришда меҳнатнинг илғор шакллари, фойдаланиладиган технология хусусиятлари таъсири остида тегишли ихтисослик бўйича бўлажак мутахассисларни тайёрлашда таълим бериш услубиётини тубдан ўзгартириш мумкин. Бошқарув алоқалари, лойиҳалаш обьектига анъанавий ёндошувни сақлаган ҳолда, уни янги мұхитга, қўшни тизимларга, жараёнлар ва вазиятларга мослаштирган ҳолда енгилгина ўзгартириши мумкин. Масалан, бундай алоқалар уларни касбий мақсадга мувофиқ бўлиши зарур бўлганда ўрнатилади. Ҳужжатларни таққослаш одатдагидек умумий ҳолда қабул қилинган тегишли кетма-кетлик, яъни, мажбурий бўлимлар рўйхати ва уларнинг тузилиши эътиборга олинган ҳолда амалга оширилади.

Лойиҳанинг ишлатилишини фикран тажриба-синовлардан ўтказиш – уни хаёлда ўтказиш, ўз-ўзини текширишда хаёлан унинг амалиётдаги хусусиятлари, иштирокчиларга таъсири, натижалари таҳлил этилади. Хаёлий тажрибаларда лойиҳаланган тизимда, жараёнда, вазиятда ўқувчилар ва педагогларнинг юриштуришини олдиндан ўзига хос сифат тарзида тахминий текширишни тақозо этади. Лойиҳани холис баҳолаш – унинг шаклини мутахассислар, манфаатдор кишилар томонидан текширишда, ўзга холис мутахассис лойиҳанинг мустақил тавсифномасини тузади.

Лойиҳани таҳrir қилиш тажриба ўтказилиб, холис баҳолангандан сўнг амалга оширилади. Лойиҳани тузатувчилар тегишли тушунтиришлар олиб, камчиликларни аниқлаб, уни яна бир марта қараб чиқадилар, таҳrir қиладилар, тузатадилар, такомиллаштиради, бойитади. Буларнинг барчаси – таҳrir қилишdir. Лойиҳадан фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги қарор охирги иш бўлади. Сўнг унинг амалда қўлланилиши бошланади. Барча қабул қилинган қарорлар, хуносалар доимо маънавий-руҳий ҳисобланиб, у лойиҳанинг сифати ва фойдаланиш натижалари учун жавобгарлик билан боғлангандир.

Таъкидлаймизки, бу босқичлар исталган педагогик обьектни лойиҳалашнинг исталган шаклида намоён булади. Босқичлар англаш ва тўғри қўллашга, лойиҳалашни нисбатан тежамли ва мақсадга йўналган, тўғри тузишга ёрдам беради.

?

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Педагогик фаолият (ўқитувчи меңнати) нима?
2. Лойиҳа таълимининг дидактик моҳияти нимадан иборат?
3. “Педагогик лойиҳалаш” деганда нимани тушунасиз?
4. Педагогик фаолиятни лойиҳалаш тамойиллари қайсилар?
5. Педагогик лойиҳалашнинг қандай шакллари мавжуд?
6. Лойиҳанинг асосини нима ташкил этади?
7. Лойиҳалаш методи бу-?
8. Лойиҳалаш қандай тизимга асосланади?
9. Лойиҳани яратиш кетма-кетлигини айтинг.
10. Педагогик фаолиятни лойиҳалаш қонуниятлари қайсилар?

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Колесникова И.А., Горчакова-Сибирская М.П. Педагогическое проектирование: учеб. Посоbие для высш. учеб. заведений / Под ред. В.А.Сластенина, И.А. Колесниковой. – 2-е изд., стер. – М.: Изд-кий центр “Академия”, 2007.
2. Муслимов Н.А., Уразова М.Б. Проективная деятельность будущего учителя. Учеб.пособ.– Т.: GrandPaper, 2011.– 92 с.
3. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика назарияси / Дарслик. Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008.
4. Pedagogika / Bakalavriat yo’nalishi uchun darslik / Prof. M.X.Toxtaxodjayevaning umumiy tahriri ostida. – Toshkent: “O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2010.
5. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 89-101-6.

2-мавзу: Инновацион жараёнлар ривожланишининг умумий тенденциялари

Режа:

1. Педагогик инновацияларнинг ривожланиш шарт-шароитлари.
2. Инновацион фаолиятнинг назарий омиллари.
3. Педагогнинг инновацион фаолиятига бўлган қобилияtlарининг асосий хислатлари:

Таянч тушунчалар: педагогик инновация, инновацион жараён, янгиликлар киритиш, мотивация, илмий тафаккур, ижтимоий мұхит, амалий қўлланилиши, инновацион босқич, педагогик ғоя.

1. Педагогик инновацияларнинг ривожланиш шарт-шароитлари.

Илғор педагогик технологиялар ва инновациялар ўз-ўзидан таълим тизимиға кириб келмайди. Бу ўқитувчи фаолияти ва унинг мотивациясига боқ'лик жараён. Ўқитувчи фаолиятини ўзгартирмай туриб, унинг масъулияти ва фаоллигини оширмасдан таълимда бир қадам олдинга силжиб бўлмайди. Бугунги кунда педагогика соҳасида янги илмий йўналиш - педагогик инновация ва таълим жараёнини янгилаш ғояларининг пайдо бўлиши натижасида ўқитувчининг педагогик фаолиятида ҳам янги йўналиш «ўқитувчининг инновацион фаолияти» тушунчаси пайдо бўлди.

Педагогик инновацион жараёнлар Фарбий Европада 1950-йилларда, Россияда 1980-йилларда ҳамда Ўзбекистонда 2000-йилларда маҳсус ўрганиш предметига айланди. Бугунги кунда педагогик инноватика уч асосий элементи: педагогик янгиликларни яратиш; уларни амалиётга жорий этиш ва ўзлаштириш; қўллаш ва кенг ёйишнинг бирлиги ва ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги фан сифатида эътироф этилади.

Инновация муаммоларини ҳал қилиш ва уларни замонавий илмий тафаккурнинг энг мұхим йўналишлари қаторига ажратиш жамиятдаги инновацион жараёнларнинг ўсиб бораётган динамикасидан хабардор бўлиш натижасидир. Ушбу йўналишдаги илмий қизиқишлиарнинг ривожланиши ушбу ҳодисанинг мураккаблиги ва кўп қирралилигини очиб берди, бу эса уни таҳлил қилишда турли хил ёндашувларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса, инновация жараёнлари ҳам янгиликларнинг ўзи, ҳам уларнинг ижтимоий-маданий мұхити билан боғлиқ омилларни ҳисобга олган ҳолда тизимли, яхлит ўрганишни талаб қилишини англаш зарурлигини белгилаб берди.

Мамлакатимизда педагогик инновацияларнинг ривожланиши оммавий ижтимоий педагогик ҳаракат билан, мактабни жадал ривожлантиришга бўлган эҳтиёж ва ўқитувчиларнинг уни амалга оширишга қодир эмаслиги ўртасидаги зиддиятнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Янгисидан оммавий фойдаланиш кўпайган. Шу муносабат билан янги билимларга, янги "инновация", "янги", "янгилик", "инновацион жараён" ва бошқаларни тушунишда эҳтиёж янада кескинлашди.

Лотинча "Инновация" сўзи таржимада янгиланиш, ўзгартириш, янги нарсани киритиш, янгиликни киритиш демакдир. "Инновация" тушунчаси ҳам янгилик, ҳам ушбу янгиликни амалиётга жорий этиш жараёни сифатида белгиланади.

Хозирги кунда илмий адабиётларда инновацион жараённи босқичларга бўлишнинг қуидаги схемаси ишлаб чиқилган:

1. Янги ғоянинг туғилиш босқичи ёки инновация тушунчасининг пайдо бўлиши; анъанавий равиша бу кашфиёт босқичи деб аталади, бу, қоида тариқасида, фундаментал ва амалий илмий изланишлар натижасидир (ёки тезкор "тушунча"),
2. Ихтиронинг босқичи, яъни объект, моддий ёки маънавий намунадаги маҳсулотда акс эттирилган янгилик яратиши.

3. Қабул қилинган янгилик амалий қўлланилишини топадиган инновация босқичи, уни такомиллаштириш; ушбу босқич янгиликдан барқарор самара олиш билан якунланади.

Шундан сўнг, инновацияларнинг мустақил мавжудлиги бошланади, инновация жараёни кейинги босқичга ўтади, бу фақат инновацияларни қабул қилиш шароитида келади.

Инновациялардан фойдаланиш босқичида кейинги босқичлар ажратиласди:

4. Инновацияни диффузия босқичи, уни кенг жорий этиш, янгиликнинг янги йўналишларда тарқалиши (тарқалиши) иборат.
5. Инновациянинг ўзига хос соҳада хукмронлик қилиш босқичи, янгиликнинг ўзи янгиликни йўқотиб, шундай бўлишни тўхтатади. Ушбу босқич самарали алтернативанинг пайдо бўлиши ёки ушбу янгиликни самаралироқ билан алмаштириш билан якунланади.
6. Янгиликни янги маҳсулот билан алмаштириш билан боғлиқ ҳолда қўллаш кўламини камайтириш босқичи.

Янгиликни ҳар томонлама, мақсадга йўналтирилган деб ҳисоблаш мумкин бўлган инновацияларни яратиши, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг тенг жараёни, уларнинг мақсади одамларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини янги воситалар билан қондиришдир, бу тизимда маълум сифат ўзгаришларига олиб келади ва унинг самарадорлиги, барқарорлиги ва ҳаётийлигини таъминлаш йўлларини кўрсатади.

Шундай қилиб, инновация - бу ички мантиқ (инновацион жараён) билан ҳам, унинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқаси вақтидаги табиий ҳаёт билан (ҳаёт айланиши) характерли бўлган динамик тизим. Инновация бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиши билан инновацион жараённинг тузилиши ўзгаради.

"Инновация" атамасига концептуал жиҳатдан "ўзгариш", "такомиллаштириш", "ислоҳот" тушунчалари яқин. Бироқ, улар орасида маълум фарқлар мавжуд.

"Ўзгариш" атамаси бирининг ўрнини бошқасига алмаштириш билан, яъни ҳар қандай ўзгариш ёки ўзгарувчанлик билан тавсифланади. Ёки -

ўзгаришга қаратылған ҳаракат сифатида, иккінчисидан воз кечиш. Кейинчалик, ўзгариш аввал содир бўлган нарсадан кўринадиган оғиш сифатида кўрилади. Инновация тушунчаси, мактабларда тез-тез ишлатиб турилгани каби, ўзгариш концепцияси билан синонимдир. Агар ушбу ўзгариш кенг кўламда ва бутун мактаб тизимини қамраб олса, у ислохот деб аталади. Бироқ, ҳар қандай ўзгаришни янгилик деб ҳисоблаш нотўғри бўлади. У олдиндан белгиланган мақсадларга мувофиқ такомиллаштиришни ўз ичига олиши керак. Ўзгаришлар мавжуд вазият учун янги бўлиши керак, лекин ҳар доим ҳам мутлақо янги ғоялар ёки шакллар эмас. Биз баъзи ўзгаришларни янгилик сифатида гапирамиз, гарчи улар бир марта ва бирон бир жойда аллақачон ўзини намоён қилган бўлса ҳам, лекин ҳозирги пайтда ва бу мухитда улар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, педагогик жараённи рафбатлантириши мумкин.

❖ Инновацион фаолият – узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради.

Ўқитувчи инновацион фаолияти хусусиятларини ўрганиб чиққан педагог олимлар фикрларига таянган ҳолда, қуйидагиларни инновацион фаолиятнинг асосий белгилари деб ҳисоблаш мумкин:

- ✓ ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;
- ✓ педагогик тадқиқот методларини эгаллаш
- ✓ муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- ✓ тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- ✓ ўзидан бошқа тадқиқотчи-педагоглар тажрибаларини қўллай олиш;
- ✓ ҳамкаслар билан ҳамкорлик;
- ✓ фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;
- ✓ зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- ✓ янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш.

Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммосига мурожаат этиш жамиятда инновацион жараёнлар динамикасининг ўсиб бораётганлигини тушуниш натижасида вужудга келди. Унинг таҳлили фақат фан ва техника эришган замонавий ютуқлардан фойдаланишни ўз ичига олмасдан, балки янгиликларни излаш, яратиш, мослаштириш, татбиқ этиш ва олинган натижаларни қайта текшириш каби жараёнларни ҳам қамраб олади.

Инновацион фаолиятнинг тузилишини ўрганиб чиққан олимлардан бири В.Сластенин уни қуйидагича тузилишга эга деб кўрсатиб ўтади: «Инновацион фаолиятнинг тузилиши-ижодий ёндашув, ижодий фаоллик, янгиликни киритишга технологик ва методологик тайёргарлик, янгича фикрлаш, муомала маданияти.

Инновацион фаолиятнинг даражалари: репродуктив, эвристик, креатив бўлиши мумкин».

Инновацион фаолият даврида янгиликлар, инновациялар, том маънода таълим жараёнига кириб келади. Шу сабабли таълим тизимидағи инновацияларни педагогик жараёнга киритиш 4 босқичда амалга оширилади:

- ❖ Муаммони таҳлил асосида аниқлаш.
- ❖ Мўлжалланаётган таълим тизимини лойиҳалаш.
- ❖ Ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштириш.
- ❖ Ўзгаришларни амалга ошириш.

Таълим муассасасида инновацион фаолиятнинг самарали йўлга қўйилганлиги инновацион жараён субъекти ва инновацион жараённинг фаолиятли тузилишибилан бевосита боғлиқдир.

Инновацион фаолиятнинг **мақсади** – биринчидан, кутилган натижага эришиш вақтини аниқлаш, иккинчидан, белгиланган муддатда уни қўлга киритиш имкониятлари, учинчидан, мақсадга эришишдаги субъектининг йўналғанлилиги, тўртинчидан, олинган натижани кутилаётган билан таққослаш имконини берувчи янгиликнинг таълим жараённинг инновацияланаётган қисмини ўзгартиришга қаратилишидир.

Инновацион фаолиятнинг **вазифаси** – кутилган натижага имкон берувчи таълим жараённинг инновацияланаётган қисмининг аввалги ва уни ўзгартиришга қаратилган янги моделининг холатини ўзида акс эттиришидадир.

Инновацион фаолият **шакли** деганда мазкур жараёнсубъектларнинг мақсадга эришиш учун ташкил этилган фаолияти тузилишини ўзаро мувофиқлаштириш, инновацион фаолият **методи** деганда эса, унинг мақсадга эришиш йўлидаги, маълум бир маънодаги тизим фаолиятини тартибга солиниши тушунилади.

Инновацион фаолият **натижаси** объектнинг янгиланишидаги аниқ ўзгаришларни ўзида акс эттириб, эришилган натижаларни баҳолашда уч гурӯҳ мезонларидан фойдаланилади: 1) сифат мезонлари; 2) самарадорлик мезонлари; мотивация мезонлари.

Инновацион фаолият – педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олга бошловчи, тараққий эттирувчи кучdir. Инновацион фаолият узлуксиз равиша янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради.

Инновацион фаолиятнинг тузилишини ўрганиб чикқан олимлардан бири В.А.Сластенин уни қўйидагича тузилишга эга деб кўрсатиб ўтади: “Инновацион фаолиятнинг тузилиши – ижодий ёндашув, ижодий фаоллик, янгиликни киритишга технологик ва методологик тайёргарлик, янгича

фикрлаш, муомала маданияти. Инновацион фаолиятнинг даражалари: репродуктив, эвристик, креатив бўлиши мумкин. Инновацион фаолиятнинг асл мазмуни амалда янги технологиянинг шаклланиши бўлиб, унинг натижаси инновация сифатида юзага келган ихтирони – лойиҳага, лойиҳани – технологияга айлантиришга йўналтирилган фаолиятдир. Инновацион фаолиятда илмий тасаввурлар академик илм мантиғи бўйича туғилмайди, балки ривожланиш жараёнининг модификациялари қўллаб-қувватланиши натижасида ривожланаётган амалиёт мулоҳазасидан пайдо бўлади.

Таълим муассасида инновацион фаолиятнинг самарали ё’лга қўйилганлиги инновацион жараён субекти ва инновацион жараённинг фаолияти тузилиши билан бевосита боғлиқдир. Инновацион жараён субекти деганда, таълим муассасаларига янгиликлар киритиш жараёнига иштирок этувчи шахслар ва таълимни бошқариш органлари тушунилади. Улар ҳаракатининг бирлиги маълум бир натижаларга эришишга олиб келади. Таълим муассасидаги инновацион фаолиятнинг мақсадга ё’налтирилганлиги ва ташкил этилганлиги инновацион жараённинг фаолиятли тузилишини оқилона ташкил этиш ё’ли билан амалга оширилади. Мазкур ҳолат ҳар бир алоҳида ҳаракат тузилишини инобатга олишни тақозо этади. Инновацион жараённинг фаолиятли тузилиши мотив-мақсад-вазифа-шакл-метод-натижажа каби таркибий қисмларни ўз ичига қамраб олади.

Мотив – инновацион фаолият субектининг талабларини қондиришдан инновацион фаолият субекти эҳтиёжининг мажмуавийлигини англаш ва шакллантиришгача бўлган амалий фаолияти жараёнида юзага келувчи субектнинг янгиликни яратиш ва ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж ва қизиқишиларини ўзида ифода этувчи ундовчи куч сабабдир.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти таҳлили янгилик киритишининг самардорлигини белгиловчи муайян меъёрлардан фойдаланиши талаб қиласи. Бундай меъёрларга - янгилик, мақбуллик, юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятлари киради.

Олий мактаб ўқитувчисининг инновацион фаолияти олий мактаб педагогикасининг бош муаммоларидан биридир. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг энг мухим компонентларидан бири юксак профессионализм – акмеология, юонча энг олий нуқта, энг гуллаган давр, юксак профессионализм маъноларини беради. Касбий интеллектуал етуклик ва маҳоратни билдиради. Юксак профессионализмга эришишининг омиллари сифатида қуидагилар кўрсатилади:

- истеъдод нишоналари;
- уқувлилик;
- қобилият;

- истеъдод;
- оила тарбияси шароити;
- ўқув юрти;
- ўз хатти-харакати.

Мотивацияга тайёрлик, педагогис янгиликтарга мойиллик муаммоси ўқитувчиларни тайёрлашда марказий масалалардан бири ҳисобланади, чунки фақатгина инновацион фаолият мақсадларига мөс келадиган мотивация ушбу фаолиятнинг уйғун амалга оширилишини ва ўқитувчига шахснинг ўзини ўзи очиб беришини таъминлайди.

Интелектуал сози инглиз тилидан олинган бўлиб "ақлий" деган маънони англатади. Таълим жараёнида билимларни узлуксиз ва изчил олиб борилиши назарда тутилган .Яъни педагог дарс жараёнида "НОВАТОР" бўлиши керак. Ҳар битта дарсга янгилик олиб кириш керак. Педагогик фаолиятда ҳам сифат муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи меҳнатига фақат унинг ўз фаолиятига қанчалик даражада ижодий муносабатда бўлаётганлигини аниқлаш орқалигина холис баҳо бериш мумкин.Педагогик вазиятларнинг ранг-баранглиги, улардан келиб чиқадиган вазифаларни таҳлил этиш ва ечишга нисбатан турли ёндашувларни тақозо этади.

Мутахассиснинг педагогик фаолияти кўп жиҳатдан янги педагогик технологияларни ижодий ўзлаштириб, улардан амалда унумли фойдаланишдан иборат. Ўз-ўзидан равшанки, бу ишни малакали ўқитувчигина улдадай олади. Аммо, ўқитувчининг педагогик технологияларни билиш даражасини педагогик маҳорат билангина боғлаш тўғри бўлмайди. Айни бир технологияни кўплаб педагоглар қўллаши мумкин, лекин жараён ҳеч қачон бир хил бўлмайди, натижалар ҳам кафолатланади. Моҳир педагог ижоди айнан педагогик технологияларга ўзига хос ёндашувдан иборат. Педагогик технология муайян педагогик ғоя асосида ишлаб чиқилади.

Ижод - бу мавжуд тажриба ҳамда янги билим ва кўникмаларнинг шаклланиши негизида янгилик яратиш билан боғлиқ фаолиятдир. Ижоднинг бир даражасига мавжуд билимлардан фойдаланиш ҳамда уларни қўллаш соҳасини кенгайтириш хос бўлса, бошқа даражада обьектга нисбатан одатдаги муносабатни ўзгартирувчи мутлақо янги ёндашув вужудга келади. Педагогик фаолият - бу муттасил ижод жараёнидир. Лекин бошқа соҳалар (фан, техника, санъат) даги ижоддан фарқли ўлароқ педагог ижодининг мақсади ижтимоий жиҳатдан янги ҳодиса яратиш эмас, балки шахсни ривожлантиришга қаратилади. Албатта ўз ишига ижодий ёндашадиган, новатор педагог ўз тажриба мактабини яратади, лекин мавжуд педагогик тажрибаларни ижодий ўзлаштиришга ҳар бир ўқитувчи интилиши лозим. Педагогик вазиятларни баҳолашдаги мустақиллик, тарбиянинг муайян шакл, восита ва усулларини

танлай олиш, воқеалар қандай ривожланишини олдиндан күриб, уларни мақсадга ё`налтира билиш ижодий хусусиятга эга бўлган касбий маҳоратнинг мұхим қисми ҳисобланади.

Мутахассис маҳорати амалий кўникмалар синтези ҳисобланиб, касбий фаолиятида ўз ифодасини топади. Айни вақтда педагогик ижоди шаклланаётган, ривожланаётган ўқувчи шахси билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ўз ўрнида мутахассиснинг бу борадаги имкониятлари вақт доирасида қатъий чекланган. Қоида тариқасида у бўлажак дарснинг оқилона методикасини тез тасаввур қилиши, лаҳзалар ичидаги янги қарор қабул қилиши лозим. Кўпинча вазиятни тез таҳлил этиш ва зудлик билан ҳаракат қилиш талаб этилади. Педагогик ижоднинг моҳияти мустақил ҳаракат қилиш ва ўз фаолиятини илмий-педагогик билимлар нуқтаи назаридан ўзлаштириш қобилиятида намоён бўлади. Педагогик ижоднинг мұхим жиҳати шундан иборатки, у доим изчил, ривожланувчи хусусиятга эга бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигига имконият яратади.

“Инновация” атамаси замонавий маънода янги элементлар ёки шаклларнинг намоён бўлишини англатади. Ушбу сўзнинг синоними “Янгилик”. Замонавий ўқитувчи кенгроқ маънога эга бўлса-да, бироз чуқурроқ деб ҳисобланади. Таълим жараёнини уни ўзгартириш ва яхшироқ маълумот олиш учун ўрганиш ва таққослаш орқали ўз касбий тажрибаларини тушунишга асосланган ўқитувчининг мақсадли иши деб тушунилади

Айтишимиз мумкинки, ўқитувчининг инновацион фаолияти бу ўқитувчининг ижодий салоҳияти акс этадиган ҳодиса. Агар биз ушбу атамани унинг умумий ўқув жараёнига қўлланиши нуқтаи назаридан кўриб чиқсан, унда унинг нисбий ёшлиги ҳақида гапириш мумкин. Инновациялар нафақат инновацияларни яратиш ва тарқатишни, балки бу янгиланишлар билан боғлиқ бўлган фикрлаш тарзида ва фаолият тарзидаги ўзгаришларни ўз ичига олади. Қандай бўлмасин бу, прогрессив, фойдали, ривожланган, замонавий ва ижобий нарса.

Таълим жараёнига турли хил янгиликларни киритиш жараёни кўп жиҳатдан ўқитувчининг ўзига боғлиқ. Ўқитувчининг инновацияларга тайёрлигини қандай англаш мумкин? Бу ҳолда шахснинг потенциали қуйидаги параметрлар билан боғлиқ:

- Янги ғоялар, ғояларни яратиш ва ишлаб чиқариш, шунингдек уларни амалда лойиҳалаштириш ва моделлаштириш учун ижодий қобилиятнинг мавжудлиги;

- Мавжуд ғоядан фарқ қиласиган янги нарсага тайёрлик, унинг асоси панорамик ва фикрлаш мослашувчанлиги, шунингдек характерга бағрикенглик;

- Маданий ва эстетик жиҳатдан Таълим ва ривожланиш;
- Ўз фаолиятини такомиллаштириш истаги, шунингдек, уни таъминлайдиган ички усул ва воситаларнинг мавжудлиги.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёрлиги шунингдек иш учун катта қобилият, қучли тирнаш хусусияти берувчи омилларга қарши туроалиш қобилияти, юқори ҳиссий ҳолат ва ўз ишида ижодий бўлишни исташ деб тушунилади. Аммо ўқитувчига шахсиятдан ташқари ба'зи фазилатлар ҳам керак. Буларга янги технологияларни билиш, лойиҳаларни ишлаб чиқиши, ўқитишининг энг янги усувларини билиш, шунингдек, камчиликларнинг сабабларини аниқлаш ва аниқлаш қобилияти киради.

Ўқитувчиларнинг инновациялардаги иштироки ўзига хос хусусиятларга эга. Бу тегишли цҳкилотлар ўртасида зарур даражадаги эркинлик мавжудлигини англаатади. Дарҳақиқат, мактабгача Таълим муассасасида ва мактаблардаги ўқитувчининг инновацион фаолияти ўзига хослиги туфйли кўпинча тегиниш орқали амалга оширилади. Ҳақиқат шундаки, бундай ечимлар мавжуд тажрибадан ташқарида. Шуни ҳам такидлаш керакки, бугунги кунда ўқитувчининг инновацион фаолияти қисман тартибга солинади ва назорат қилинади. Шу муносабат билан янги ечим ва ҳақиқатни излаш жараёнида қилган барча ишлари жамият манфаатларига зарар етказмайди деб ўйлаб, инноваторга, тадқиқотчига ишониш керак. Ушбу ёндашув ижодкорлик эркинлиги инновацион фаолият билан шуғулланадиган ўқитувчининг юқори шахсий масулияти билан бирга амалга оширилиши кераклигини англашга олиб келади.

2. Инновацион фаолиятнинг назарий омиллари.

Таълимнинг бугунги вазифаси ўқитувчиларни кун сайин ортиб бораётган ахборот Таълим мухити шароитида мустақил фаолият кўрсата олиш, турли соҳаларда замонавий ахборот технологияларини самарали қоллаш ва ахборот оқимларидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат. Шу мақсадда, ўқувчиларга узлуксиз равишда мустақил ишлар имконияти ва шароитини яратиб бериш ҳамда ижодий фикрлаш ва мустақил қарорлар қабул қилишга ўргатиш зарур. Бу масаланинг йчими табиийки, мазкур жараённинг асосий ташкилотчиси педагогларни тайёрлаш сифатига боғлиқ. Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган Таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади.

Таълим жараёнига инновацияларни қўллаш бугунги кунда қуйидаги вазифаларни амалга оширишни талаб этади:

- Ўқув фанинг аниқ мақсадини аниқлаш;
- Фаннинг ҳажми ва мазмунини аниқлаш;

- Зарур бўлган Таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва тавсия этиш;
- Фаннинг моддий техник та’минотини яратиш;
- Таълим олувчиларнинг хусусиятларини ўрганиш;
- Ўқитувчининг тайёрлигини ва дарс машғулотини лойиҳалаш.

Таълимда рўй берадиган ислохотлар чуқур ўзгаришлар таълим тизимининг демократиялашуви ва инсонпарварлашуви таълимни бошқариш тизимининг янгиланиши таълим сифатига бўлган объектив талаби педагогларни инновасион фаолиятга тайёрлаш зарурлигини кўрсатмоқда. Демак, шахснинг педагогик фаолиятга йўналганлиги унинг дунёқараши, педагогик касбига қизиқиши, у биланшуғулланишга бўлган лаёқати билан белгиланади. Ҳозирги вақтда таълимдаги инновасион ҳаракатларнинг хусусиятини ўрганмаган, таълим соҳасидаги инновасион фаолиятнинг моҳиятинитушунмайдиган, инновасион таълим технологияларини кенг эгалламаган ўқитувчини замонавий педагог, етук мутахассис деб ҳисоблаб бўлмайди. Педагог-ўқитувчи инновасион фаолиятининг ривожланиши бу таълимдаги стратегик йўналишлардан биридир. Шу сабабли, таълимда педагогик кадрларни инновасион фаолиятгатайёрлаш муаммоси юзага келди. Рўй берадиган инновасион жараёнлар таълиметодологияси ва психологик тадқиқотларда ёритилди.

Таълимдаги инновациялар ва инновацион педагогик фаолият ҳақида барқарор ва ҳаммага маъқул бўлган илмий тасаввурлар ва таснифлар шу пайтгача мукаммал таркиб топган эмаслигини ҳам эътироф этиш лозим. Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири таълимга ё’налтирилган илмий билимлар тизимлари ўртасидаги қийинчилик билан йенгиб ўтиладиган узилишлардир. Яна каттароқ сабаб эса таълимий билим ва амалий педагогик фаолият ўртасидаги узилишдир. Ўқитувчи инновацион фаолиятнинг субъекти ва ташкилотчиси сифатида янгиликни яратиш, қўллаш ҳамда оммалаштиришда иштирок этади. У фандаги билим, анъаналардаги ўзгаришлар мазмунини ва моҳиятини таҳлил эта билиши керак. Инновацион фаолият тушунчasi инновация, инновацион жараён каби тушунчалар билан чамбарчас боқ’лик. Шу сабабли бу тушунчалар мазмунини изоқламасдан туриб, инновацион фаолият мазмунини англаш мумкин эмас.

Инновация - амалиёт ва назариянинг мұхим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий обьект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимиdir. Бу гоя назарияси моҳиятининг яратилишига нисбатан турли ёндашувлар ва фикрлар мавжуд бўлиб, унинг моҳияти борасида фанда ягона фикр мавжуд эмас. Инновациялар долзарб, мұхим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлар. Улар

ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади, шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация-маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи кўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишга олиб келиши маълум бўлган охирги натижадир. Бугун таълим тизимида инновацияларни қутидагича таснифлаш маъқулланмоқда: Фаолият йўналишига қараб (педагогик жараёндаги, бошқарувдаги) инновацион фаолият бу амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий обьект сифатларини яхшилашга қаратилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизими бўлиб, у маълум доирадаги муаммоларни ечиш қобилиятигина эмас, балки ҳар қандай вазиятдаги муаммоларни ечиш учун мотивацион тайёргарликка эга бўлишdir. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг марказий масаласи ўқув жараёнини самарали ташкил этишдан иборат.

Бугунги кунда талим жараёнида инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўкув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий талимда ўкувчирни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Ўқитиш жараёнида ўкувчи асосий шаклга айланади. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўкувчиларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Педагогнинг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга педагогнинг тайинли мулоқоти, қарама-қарши фикрларга нисбатан муносабати, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олинишини уқтиришга тайёrlиги киради. Бунинг натижасида педагог ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзуу (мотив) га эга бўлади.

Педагог фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мотивлари аҳамият касб этади, бу эса педагог шахсининг креативлигининг фаоллигини шакллантириш имконини беради.

Хозирги жамият, маданият ва таълим тараққиёти шароитида педагог инновацион фаолиятга бўлган зарурият қуйидагилар билан ўлчанади:

1. Ижтимоий-иктисодий янгиланиш таълим тизими, методология ва ўқув жараёни технологиясини тубдан янгилашни талаб қиласы, янги янгиликтерни яратиши, ўзлаштириш ва фойдаланишлардан иборат бўлади;
2. Таълим мазмунини инсонпаварлаштириш доимо ўқитишнинг янги танқидий шаклларини, технологияларини қидириши тақозо қиласы;
3. Педагогик янгиликни ўзлаштириш ва уни тадбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг ҳарактери ва ўзгариши.

Педагог инновацион фаолиятининг таҳлили янгилик киритишнинг самарадорлигини белгиловчи муайян шартлардан фойдаланишни талаб қиласы. Бундай мёёрларга - янгилик - мақбуллик, юқори натижалик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятлари киради.

Педагогнинг инновацион фаолияти - ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепсиясини шакллантириш. Ушбу режани амалга ошириш ва таҳлил қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади.

Инновацион фаолият тадқиқотлари педагогнинг инновацион фаолиятга ҳозирлиги мёёрларини белгилашга имкон берди(В.А. Сластинин).

- Инновацион фаолиятга бўлган заруриятни англаш;
- Ижодийфаолиятга талаб қилинишига тайёргарлик;
- Шахсий мақсадларни инновацион фаолият билан мослаштириш;
- Инновацион фаолиятни ижро этиш технологиясига тайёргарлик даражаси.

Инновацион жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятларининг педагогик асосларини ўрганиш ўқув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида, жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

Демак, ўқитувчи, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепсиялар муаллифи, тадқиқотчи, фойдаланувчи ва тарғиботчи сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги маданият ва таълим тараққиёти шароитида ўқитувчи инновацион фаолиятига бўлган талаблар қўйидагилар билан аниқланади:

- ижтимоий-иктисодий янгиланиш таълим тизими методология ва ўқув жараёнининг технологиясини тубдан янгиланишни талаб қиласы. Бу шароитда ўқитувчи инновацион фаолияти педагогик янгиликтерни яратиши, ўзлаштириш ва фойдаланишдан иборат бўлади;
- таълим мазмунини инсонпаварлаштириш, ўқитишнинг янги шаклларини, технологияларини қидириши тақозо этади.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг таҳлили янгилик киритишнинг самарасини белгиловчи муайян мёёрлардан фойдаланишни талаб қиласы.

Бундай меёrlарга янгилик, оптималлик, юқори натижалилык, оммавий тажрибаларда инновацион ижодий қўллаш имкониятлари киради. Янгилик педагогик янгилик меёри сифатида, ўзида таклиф қилинадиган янгилик, янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради. Педагогик олимлар янгиликни қўллаш машҳурлиги даражаси ва соҳасига кўра фарқланадиган мутлоқ, чегараланган мутлоқ, шартли, субектив даражаларини фарқлайдилар.

Мақбуллик меёри ўқитувчи ва талабанинг натижага эришиши учун сарфланган куч ва воситаларни билдиради. Натижалилык ўқитувчи воситасидаги муайян мұхим ижодий натижаларни билдиради. Педагогик янгилик эса ўз моҳиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим.

3. Педагогнинг инновацион фаолиятига бўлган қобилияtlарининг асосий хислатлари:

- Шахснинг ижодий мотивациясини қўллаганлиги.

Бу қизиқувчанлик, ижодий қизиқиш, ижодий ютуқлар, пешқадамликка ва ўз камолотига интилиш;

- Креатеялик бу - хаёлий қараш; баҳо бера олиш қобилияти ва ўз камолотига интилиш;
- Касбий фаолиятни баҳолаш, бу - ижодий фаолият методологияси ва педагогик тадқиқот методларини эгаллаш қобилияти; музаллифлик концепсияси ва зиддиятни ижодий бартараф қилиш қобилияtlари; ижодий фаолиятига ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилияти;

• Ўқитувчининг индивидуал қобилияти, бу - ижодий фаолият суръати ва иш қобилияти; қатъиятлик, масъулиятлик ва халоллик, ўзини тута билиш;

Инновацион фаолият тадқиқотлари ўқитувчининг инновацион фаолиятига сезгирлиги меёrlарини белгилашга имкон беради:

- Инновационфаолиятга бўлган заруратни аниқлаш;
- Ижодий фаолиятга жалб қилишга тайёргарлик;
- Шахсий мақсадларни инновацион фаолият билан мослаштириш;
- Ижодиймуваффакияцизликларниенгишга тайёрлик;
- Инновационфаолиятни касбий мустақилликка таъсири.

Инновацион фаолиятни энг мұхим масалалардан бири - ўқитувчи шахси: у новатор, сермахсул ижодий шахс, кенг қамровли қизиқиш, ички дунёси бой, педагогик янгиликка ўч бўлиши лозим.

Инновацион фаолият мотивацион, технологик ва рефлексиялик қисмлардан ташкил топади.

Ўқитувчини бу фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширади: янгиликни идрок қилишга инновацион таёргарликни шакллантириш ва янгича ҳаракат қилишга ўргатиш. Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга. Инновация жараёнлари, функциялари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари ва бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш ўкув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида ташкил этиш имконини беради.

Хозирги кунда талим жараёнида инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўкув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий талимда ўқувчирни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, ўналтирувчилик функциясини бажаради. Талим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчиларни билимли, етук малакага эга бўлишларини тамиллайди.

Инновациялар миқёси янгилик даражаси, амалга ошириш тезлиги ва улар амалга оширилаётган жамият ҳаёти соҳаси билан ажралиб туради. Янгиси албатта тараққиётга олиб келмайди ва ҳар доимгидан ҳам яхшироқ эмас. Минг йиллик тарихга эга бўлган кенг кўламли ижтимоий янгиликларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, улар одатда ижобий ва салбий томонларга эга.

Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган инновацион зиддиятни келтириб чиқарадиган асосий сабабларга қўйидагилар киради:

1) Янгиликка қизиқувчанлик ишчиларнинг пассивлиги. Бунинг сабаби шундаки, кўплаб ходимлар иш ҳақини пасайтиришдан қўрқишиади, амалга ошириш жараёнида кўпроқ иш қўшадилар, янги вазифаларни бажара олмаслиқдан қўрқадилар, амалга ошириш жараёнида моддий ва маънавий рағбатлантирмайдилар. Бошқача қилиб айтганда, педагоглар ўзларининг ижтимоий-иктисодий аҳволининг ёмонлашувидан (янгиликлар натижасида) қўрқишиади;

2) Моддий-техник ресурсларнинг этишмаслиги. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, баъзида ташкилотларда талаб қилинадиган пастроқ сифатли ресурслар мавжуд, баъзида уларни ўзлари харажат қилиб олишлари, баъзида

керакли ускуналар, асбоблар маҳаллий саноат томонидан ишлаб чиқарилмайды;

3) Ташкилот раҳбарлари ва бош мутахассислари ўртасида бўлим раҳбарлари ва мутахассисларнинг муносабатлари ёмонлашиши;

4) Қарама-қарши йўналишларнинг мавжудлиги. Ҳар бир индивидуал ва ижтимоий гурӯҳ ижтимоий ҳаётнинг энг мухим жиҳатларига нисбатан маълум бир йўналиш тўпламига эга. Уларнинг барчаси ҳар хил ва одатда қарама-қарши. Эҳтиёжларни қондиришга интилиш пайтида, бир нечта шахслар ёки гурӯҳлар эришмоқчи бўлган тўсиқ қўйилган мақсадлар мавжуд бўлганда, қарама-қарши қиймат йўналишлари бўйича зиддиятлар жуда хилма-хилдир. Энг кескин тўқнашувлар маданият, вазиятни идрок этиш, мавқеи ёки обрўси, янгиликка бўлган эҳтиёжга муносабат фарқ қиласиган жойда пайдо бўлади;

5) Мафкуравий сабаблар. Мафкуравий келишмовчиликлар асосида келиб чиқадиган зиддиятлар қарама-қарши йўналишлар зиддиятининг ўзига хос ҳолатидир. Уларнинг фарқи шундаки, можаронинг мафкуравий сабаби жамиятнинг турли гурӯҳларидаги бўйсуниш, хукмронлик ва фундаментал дунёқарааш муносабатларини асослайдиган ва қонунийлаштирадиган ғоялар тизимиға ҳар хил муносабатда бўлишида. Бу ерда келгуси янгиликларга тайёргарликнинг йўқлиги, тушунтириш ишларининг етарли даражада эмаслиги ҳақида гапириш ўринли;

6) Конфликт иштирокчиларининг мотивациясининг тескариси. Инновацион зиддият кўп мотивли характерга эга эканлиги исботланган. Рақибларнинг мотивацияси йўналиши бошқача. Инноватор учун улар кўпроқ ижтимоий йўналтирилган, консерваторлар учун улар шахсан йўналтирилган.

Ушбу ва бошқа қийинчиликларни бартараф этиш, инновацион жараёнга янада оқилона ёндашиш ташкилотларда тўсиқларни камайтиради.

?

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Педагогик инноватиканинг асосий элементларини айтинг.
2. Бугунги кунда педагогикада қандай янги тушунча пайдо бўлди?
3. Инновацион жараён илмий адабиётларда қандай босқичларга бўлинади?
4. Инновация атамаси қандай тушунчаларга яқин?
5. Инновацион фаолиятнинг асосий белгилари қайсилар?
6. Таълим тизимидағи инновацияларни педагогик жараёнга киритишни айтинг.
7. Инновацион фаолиятнинг мақсад ва вазифаларини айтинг.

8. Инновацион фаолият қандай қисмларга бўлинади?
9. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг энг мухим компонентларини айтинг.
10. Инновацион фаолиятнинг назарий омиллари ҳақида маълумот беринг.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1. Sh.M. Zufarov “ Pedagogik innovatika” (o`quv qo`llanma) Т: 2012 33-34
2. В.А.Сластенин, Л.С. Подымова « ПЕДАГОГИКА: ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ» Издательство Магистр.М: 1997 стр 5
3. Колесникова И.А., Горчакова–Сибирская М.П. Педагогическое проектирование: учеб. Посоbие для высш. учеб. заведений / Под ред. В.А.Сластенина, И.А. Колесниковой. – 2-е изд., стер. – М.: Изд-кий центр “Академия”, 2007.
4. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика назарияси / Дарслик. – Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008.

З-мавзу: Педагогнинг инновацион фаолиятини шакллантириш ҳамда педагогик фаолиятни лойиҳалаш босқичлари ва даражалари Режа:

1. Таълим тизимида олиб борилаётган инновацион жараёнларнинг мазмун моҳияти.
2. Педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати) ва ва уни илмий ташкил этиш.
3. Педагогик фаолиятни лойиҳалаш босқичлари ва даражалари.
4. Педагогик фаолиятни лойиҳалаш таъминоти.

Таянч тушунчалар: фаолият, педагогик фаолият, педагогик фаолиятни лойиҳалаш, босқич, педагогик фаолиятни режалаштириш, ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш, омиллар, назарий таъминоти, методик таъминоти, хуқукий таъминоти, вақт таъминоти, ўқув моделлари

1. Мамлакатимизда 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур концепция олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадларини кўзда тутади.

Сүнгги йилларда педагогик мұхитни тубдан қайта қуриш жараёни бошланды. Педагогик инфраструктура мазмунан қайта шакллантирилди. Демек, мамлакат таълим тизимида олиб борилған инновацион жараёнлар ва туб ўзгаришларнинг мазмун моҳияти серкірра бўлиб, унинг ҳар бир йўналишида ўнлаб янги илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Бевосита таълим жараёнида инновацион талабларни жорий этиш масаласи замонавий педагогик илмнинг бош йўналишларидан бирига айланди. Инновация янгилик киритиш, оммавий амалиётда одатий ҳолатлардан фарқ қилувчи илғор янгилик, ҳар доим ҳам тараққий этиши ва фойдалилиги билан ажralиб туради. Таълим соҳасида янгилик киритиш манбалари мамлакат, жамият талаблари ҳисобланади. Ўқитувчилик фаолияти услублари ўзгариб бормоқда ва янада инновацион тусга кирмоқда. Ўқиши, ўргатиш жараёнини ташкил этишга янгича ёндашув, талabalарнинг билим даражаларини назорат қилиш ва баҳолашга янги талаблар пайдо бўлмоқда. Ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янги талаблар кучайтирилмоқда. Талabalарни ўқитишнинг янгича йўналиши талаб этилмоқда. Улар қуидагилар:

- тахмин қилиш ва олдиндан кўра билишга ўргатиш;
- жиддий муаммоларга (педагогик) шу жумладан уларнинг қийин муқобил ечимларини топишга қзиқишини ривожлантириш;
- ўқув ишлари мазмунини белгилаш билан боғлиқ қарорларни қабул қилишга ўргатиш;
- талabalарнинг изланиш ёки тадқиқотчиликни талаб этувчи муаммонинг ўқув материалга қзиқишини кучайтириш;
- ўқув машғулотларида муаммоли вазиятларни юзага келтириш.

Умуман, инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишининг сифати ва самарадорлиги ҳозирги кунда қўп жиҳатдан барча турдаги зарур ахборот технологияларининг сифати ва улардан юқори самарадорлик билан фойдалана билишга боғлиқ. Бу технологиялардан тўғри ва унумли фойдаланиш ўқитувчининг малака, маҳорат, ижодкорлиги, изланувчанлигига боғлиқ. Таълим олувчиларнинг илм-фан, техникага доир замонавий билимларга эга бўлиши, замонавий ахборот технологиялари ҳақида билиши ва айниқса, мультимедиа-электрон версиялари асосида, аудио-видео, анимация ҳолатларини қўллаган ҳолда дарс ўтиш, илғор педагогик тажрибаларни ўзлаштириш, фаолиятга нисбатан креатив ёндашувни ривожлантиришдан иборат. Шу билан бирга, ўқитиш, коммуникация, ахборот ва таълим жараёнини бошқариш усул ва воситаларининг концептуал асослари, педагогик технологияларнинг йўналишлари, муаммо ва ечимлари, тамойиллари, янги педагогик технологияларнинг истиқболлари ҳақида ҳам

гапириб ўтиш жоиз. Педагогик технология, умуман, репродуктив дарс беришга асосланған бўлиб, ундағы ўқув жараёни талабаларга хос типик ҳолатлардаги ҳаракатларни эгаллашга йўналтирилган.

Ўқитувчи - бу аввало, дарс бошқарувчиси. Ўқувчининг дарсда бирор-бир янгилик олиши ва шу янгилик орқали нимадир қила олиши унинг маҳорати, билими ва савиясига боғлиқ. Ўқитувчи ҳар бир дарсда долзарб масалаларни кўя олиши, ўқувчиларни баҳс-мунозараға чорлай билиши, дарсни охиригача қизиқарли тарзда олиб бориши фанини ўқитиши жараёнини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш зарур. Таълим сифатини таъминловчи яна бир омил- фаол ўқувчиидир. Ўқувчиларни фаоллаштириш учун эса ўқитувчи дарсларда фаол таълим методлари ва элементларидан фойдаланиши юқори самарадорликни таъминлайди.

Таълим сифатини ошириш ва дарс жараёнини самарали ташкил этиш, педагогик технологияларнинг замонавий турларидан ўқитиши жараёнида фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланмоқда. Янги ўқув материаллари ва кўникмаларни ўзлаштириш жараёнида қуйидаги даражалар ва педагогик технологияларнинг хусусиятларини билиш ва улардан оқилона ва тўғри фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1. Бошлангич даража – ўқувчининг эшитганлари уларга берилган намуналар, кўрсатмалар алгоритм асосида топшириқларни бажариш кўникмасини ифодалайди.

2. Алгоритмик даража – билим ва кўникмалар мазмунини татбиқ қила олиш маҳорати, берилган алгоритм бўйича топшириқларни мустақил равишда бажариш кўникмасини ифодалайди.

3. Эвристик даража – берилган ўқув вазифаларини бажариш учун ўзгаришлар киритиш асосида янги алгоритмлар тузиш, ўқув муаммосини ҳал этиш учун янги ахборотларни мустақил тарзда излаб топиш малакасини аниқлайди.

2. Педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати) ва ва уни илмий ташкил этиш. Ўқитувчи баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида иштирок этар экан, нафақат маънавий-ахлоқий маданияти билан атрофдагиларга ўрнак бўлиши, шу билан бирга, педагогик маҳоратини намоён эта олиши, етук педагог сифатида малакали кадрларни тайёрлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши зарур. Бунда унинг меҳнати ва ана шу меҳнатнинг қандай ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитувчининг меҳнати у томонидан касбий фаолиятнинг ташкил этилишини англатади. Меҳнат шахслар томонидан ташкил этиладиган фаолиятнинг муҳим турларидан бири ҳисобланади.

Үқитувчининг меңнати күп ҳолатларда меңнат деб эмас, балки фаолият, янада аникроғи, педагогик фаолият деб юритилади. Ушбу тушунчаларнинг моҳияти билан танишиш фикрни ойдинлаштиради.

Фаолият – 1) англанган мақсад билан бошқарыладиган ички (психик) ва ташқи (жисмоний) ҳаракатлар йиғиндиси; 2) шахс томонидан табиий, ижтимоий мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, күриниши.

Педагогик фаолият – үқитувчи томонидан аниқ мақсадларга мувофиқ ташкил этиладиган касбий ҳаракатлар мажмуи

Үқитувчи томонидан педагогик фаолият (педагогик фаолият (үқитувчи меңнати))нинг ташкил этилиши касбий меңнатнинг ташкилий-амалий жиҳатдан оқилона уюштирилишини ифодалайди. Педагогик фаолиятни илмий асосда ташкил этиш талаб этилади.

Үқитувчи фаолияти (меңнати)ни илмий ташкил этиши –
үқитувчи меңнати (фаолияти)нинг ташкилий-амалий
жиҳатдан түғри уюштириш

Күйидаги **вазифаларнинг** амалга оширилиши меңнатни илмий жиҳатдан түғри ташкил этиш имкониятини беради:

- 1) вақтни максимал даражада тежаш ва ундан самарали фойдаланиш;
- 2) қулай меңнат ва дам олиш шароитини яратиш, ундан оқилона фойдаланиш;
- 3) фаолият жараёнида ўз саломатлиги, ҳар томонлама ривожланиши түғрисида қайғуриш.

Педагогик фаолиятни илмий ташкил этиш педагогик фаолият (үқитувчи меңнати)нинг ташкилий-амалий жиҳатдан уюштириш асосида күзланган мақсадга эришишни билдиради. Педагогик фаолият (үқитувчи меңнати)нинг илмий ташкил этилиши у томонидан ташкил этиладиган фаолият самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласы.

Үқитувчининг касбий фаолиятни ташкил этишда ўз олдига аниқ педагогик мақсадни құя олиши күтилған натижани құлға киритишни таъминлайды. **Педагогик мақсад** үқитувчининг онгода педагогик жараённинг бир-бирига боғлиқ барча таркибий қисмларига мувофиқ яратилиб, ўзи ва үқувчиларнинг ўзаро таъсирлари, алоқалари тахмин қилинган натижә саналади. Моҳиятига күра **педагогик мақсаднинг құйилиши** үқитувчининг онгода педагогик жараённинг бир-бирига боғлиқ барча таркибий қисмларига мувофиқ ташкил этилишига асосида ўзи ва үқувчиларнинг ўзаро

таъсирлари, алоқалари тахмин қилинган натижани аввалдан лойиҳалаш, режалаштиришга имкон беришini англатади.

Педагогик фаолиятни режалаштириш – аниқ мақсад асосида үқитувчи томонидан муайян күринищдаги касбий фаолият лойиҳасининг ишлаб чиқилиши, режалаштирилиши

Педагогик фаолият (үқитувчи меңнати)ни режалаштиришда режанинг оқилона бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Моҳиятига кўра педагогик фаолият (үқитувчи меңнати)ни оқилона режалаштиришда аниқ мақсад асосида үқитувчи томонидан муайян күринищдаги касбий фаолият лойиҳасининг барча омиллар, мавжуд шарт-шароитлар инобатга олинади.

Одатда үқитувчи томонидан педагогик фаолият (меңнат)ни режалаштириш бир неча босқичда кечади. Босқичлар аниқ мақсад асосида үқитувчи томонидан муайян күринищдаги касбий фаолият лойиҳасининг ишлаб чиқилиши, режалаштирилишининг ўзаро боғлиқ даврлари бўлиб, меңнат жараёнини самарали, мақсадга мувофиқ ташкил этилишини таъминлайди.

Педагогик фаолият (үқитувчи меңнати)ни илмий ташкил этиш учун зарур шароитни яратиш тақозо этилади. Бунда үқитувчи томонидан касбий фаолият (меңнат)ни илмий ташкил этиш учун жисмоний ва руҳий зўриқишиларни камайтириш чора-тадбирлари кўрилади. Педагогик фаолият (үқитувчи меңнати)ни илмий ташкил этиш учун қуидагиларга эътибор қаратилади:

1. Педагогик фаолиятни технологиялаштириш (вақтни тежаш, кам куч ва меңнат сарфланишини, илғор педагогик технологияларни амалиётга жорий этилишини таъминлайди, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун хизмат қиласиган ахборотлар сифатини оширади).

2. Қулай иш ўрнини яратиш (замонавий техник ва технологик жиҳозлар, қулай иш вақти, самарали метод, усул ва воситалар, үқитувчининг ишчанлик қобилиятини узоқ вақт сақлашга хизмат қиласиган меңнат шароитидан иборат).

3. Педагогик фаолият (үқитувчи меңнати)нинг самарали шакл, метод, усул ва воситаларини танлаш.

4. Педагогик фаолият (педагогик фаолият (үқитувчи меңнати))нинг суръатини ошириш.

5. Педагогик фаолият (үқитувчи меңнати) ва дам олишининг самарадорлигини таъминлаш (педагогик фаолият (үқитувчи меңнати) самарадорлигини ошириш, саломатлигини сақлашга хизмат қиласиган оқилона режимни белгилаш).

6. Иш ўрнини шовқиндан ҳимоялаш.

7. Ақлий ва жисмоний меңнатнинг ўзаро алмашишини таъминлаш.


8. Жисмоний ва рухий зўриқиши камайтириш, тушкунликка тушишнинг олдини олишга эришиш.

9. Педагогик фаолиятни мазмунан бойитиш йўли билан монотон (бир хил) бўлишининг олдини олиш ва бартараф этиш.

10. Педагогик фаолият суръатининг кун давомида бир хил суръатда бўлишини таъминлаш.

Шунингдек, педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати)ни илмий ташкил этишда муайян омилларнинг таъсири ҳам ўрганилади. Педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати)нинг мақсадга мувофиқ, тўғри ташкил этилиши ва натижаланишига таъсир этувчи сабаблар тарзида намоён бўладиган омилларнинг педагогик фаолиятни илмий ташкил этишдаги аҳамияти катта.

Педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати)ни илмий ташкил этишда куйидаги омиллар аҳамиятлиdir (1-расм):



1-расм. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этишга таъсир этувчи омилларнинг турлари

1. Психологик-физиологик (техник-технологик) омиллар (жисмоний (динамик ва статит иш), рухий (ишнинг аниқлиги), ҳиссий (ишни бажаришдаги таъсирланиш) ва ақлий (қайта ишланаётган ахборотлар ҳажми, бир вақтнинг ўзида кузатилиши талаб этиладиган ишлар сони) зўриқишлиар, педагогик фаолиятнинг бир хиллиги).

2. Санитария-гигиеник омиллар (иш жойидаги микро иқлим – ҳарорат, нисбий намлик, ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги), ҳавонинг тозалиги (буғ, газ, аэрозолларнинг мавжудлиги), ёритилганлиги, шовқин, вибрация, ультратовуш, биологик ва бошқа таъсирлар.

3. Эстетик омиллар (шахс томонидан атроф-мухитни эстетик қабул қилинишини таъминловчи омиллар – ранглар, шакллар, мусиқий оҳанглар, иш ўрнининг жиҳозланиши, меҳнат куроллари (воситалари)нинг чиройли

кўриниши, иш кийимларининг кўримлилиги, биноларнинг бадиий-меъморий ечими; буларнинг барчаси ўқитувчининг кайфиятига ва ўз навбатида ишчанлик қобилиятынинг ошишига, меҳнат самарадорлигининг яхшиланишига таъсир этади).

4. Ижтимоий-психологик омиллар (кадрлар таркиби, ҳамкасларнинг қизиқишилари, раҳбариятнинг бошқарув услуби ва бошқалар; ушбу омиллар таъсирида муассасада ахлоқий-психологик иқлим юзага келиб, ўқитувчининг жисмоний, руҳий ва ҳиссий барқарорлигини, жамoa билан жипслигини, меҳнат фаоллигини ва ижодий ташаббускорлигини таъминлайди).

Аниқ мақсад асосида ўқитувчи томонидан муайян кўринишдаги қасбий фаолият лойиҳасини ишлаб чиқиши, режалаштиришга қаратилган амалий ҳаракатнинг самарали бўлиши педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати) унумдорлигини таъминлайди. Колаверса, педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати)ни ташкил этишда усулларнинг тўғри танланиши ҳам алоҳида аҳамият қасб этади. Ўқитувчи томонидан педагогик фаолиятнинг мақсадга мувофиқ, тўғри ташкил этилиши ва натижаланишига хизмат қиласиган усулларнинг мақсадга мувофиқ, самарали танланиши педагогик фаолият усулларини тўғри танлаш имкониятини таъминлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати)ни илмий ташкил этишда муайян жиҳатларга эътибор қаратиш талаб этилади. Педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати)нинг ўзига хослиги кучли рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати)ни ташкил этишнинг ўзига хос томонлари, жиҳатлари сифатида намоён бўладиган педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати)ни ташкил этишда қўйидаги вазифаларни ижобий ҳал қилишга эътибор қаратиши зарур:

1. Кучли рақобатга бардошли бўла олиш.
2. Ўз устида доимий изланиш.
3. Ўзининг қасбий салоҳияти, малакаси ва маҳоратини такомиллаштири бориш.
4. Янги педагогик технологияларни изчил ўзлаштириш.
5. Фан, техника, технология янгиликларидан изчил хабардор бўлиб бориш.
6. Ижодий ва кретивлик қобилиятыни ривожлантиришга эътибор қаратиш.
7. Инновацион ғояларни илгари суриш.

3. Педагогик фаолиятни лойиҳалаш босқичлари ва даражалари

Педагогик фаолиятни лойиҳалаш босқичлари. Маънавият соҳасида меҳнат қилаётган ҳозирги замон кишисини асосли таърифлашлардан бири унинг лойиҳавий фаолиятга нисбатан қобилиятидир. Лойиҳавий фаолият янгиланиш даражасига оидdir, чунки у борлиқни ўзгартиради, тегишли технология негизида куриладики, уни ўзгартириш, ўзлаштириш ва такомиллаштириш мумкин. Лойиҳалаш асосларини ўзлаштириш долзарб, чунки, биринчидан, мазкур

технология таълим тизимини ташкил қилишнинг барча босқичларида кенг күлланишга эга. Иккинчидан, ижтимоий маданият лойиҳалаш мантиғи ва технологиясини билиш, таҳлилий, ташкилий бошқариш вазифаларини самарали амалга оширишга имкон беради. Учинчидан, лойиҳавий технологиялар мутахассиснинг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Талабаларга таълим ва тарбия беришнинг муваффакиятлилiği ва натижага эгалиги педагог томонидан лойиҳавий фаолиятни қанчалик ўзлаштириб олганлигига боғлиқ, чунки бу фаолият вазиятга қараб технологик ечимларни такомиллаштиришга қодир, янги таълим ёндашувлари ва усулларини ишлаб чиқариш қобилиятини ривожлантиради.

Лойиҳавий фаолият, В.С.Безрукованинг фикрича, “таълим олувчилик ва педагогларнинг бўлажак фаолиятларининг асосий қисмларини биринчи галда ишлаб чиқищдан иборат”. Ҳар қандай лойиҳалаш обьектининг, бу педагогик тизимми, педагогик жараёнми, педагогик вазиятми, унинг асосий қисми – унинг иштирокчиларининг фаолияти ҳисобланади. Шунинг учун, биринчи навбатда, ўқитувчи ва таълим олувчининг фаолияти лойиҳалаштирилади. Лойиҳалаш исталган педагогнинг (ташкilotчилик, билиш ва муомала қила олиш билан бир қаторда) вазифасидир, мактабда ўқув-тарбия жараёнини технологиялаштиришга имкон яратади. Муаллиф яна педагогнинг лойиҳавий фаолияти билан педагогик технология ўртасидаги ўзаро боғланишни алоҳида таъкидлайди: “loyiҳalaш жараённида ва у орқали педагогик жараён иштирокчиларининг ривожланишини таъминлайдиган педагогик технология ишлаб чиқилади”. Биз технология лойиҳалаш маҳсулидир, деган фикрга қўшиламиз.

Лойиҳавий фаолиятнинг таркибий асослари қуйидагилардир:

- 1) муаммо таҳлили;
- 2) мақсаднинг қўйилиши;
- 3) унга эришиш учун восита танлаш;
- 4) ахборотни излаш ва қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- 6) олинган натижаларни баҳолаш ва хulosалар.

Предметли фаолият уч қисмдан ташкил топади:

- 1) предметли;
- 2) фаолиятли;
- 3) мулоқатли.

Лойиҳавий фаолият ривожлантирувчи таълим услубларидан бири бўлиб, мустақил тадқиқотчилик кўникмасини ҳосил қилишга йўналтирилади (муаммонинг қўйиш, ахборотларни тўплаш ва уни қайта ишлаш, тажрибасинovлар ўтказиш, олинган натижаларни таҳлил қилиш) ва ижодий қобилият ва мантиқий фикрлашнинг ривожланишига олиб келади, таълим жараённида олинган

билимларни бирлаштиради, ҳаётай мұхим муаммоларни мөхиятими тушунишга ёрдам беради .

Лойиҳавий фаолиятдан кутилаётган мақсад таълим олувчилар томонидан турли үкув фанларини үрганиш даврида мужассамлашган билем, маҳорат ва кўникмаларни тушуниш ва қўллай олишдан иборат. Педагогнинг лойиҳалаш фаолиятидан кузатилган мақсад:

- режалаштиришга үргатиш (педагог мақсадни аниқлай олиши, иш давомида кўйилган мақсадга эришишнинг асосий босқичларини ифода эта олиши);

- ахборот материалларни йиғиш ва уни қайта ишлаш кўникмасини шакллантириш (педагог керакли ахборотни танлай олиши ва ундан тўғри фойдалана олиши лозим);

- таҳлил қила олиш кўникмаси (ижодий ва танқидий тафаккур);

- ёзма ҳисобот туза олиш кўникмаси (иш режасини туза олиши, ахборотларни аниқ тақдимот этиш, изоҳларни расмийлаштириш, зарурӣ адабиётлар (библиография) ҳақида тушунчага эга бўлиш);

- ишга ижобий муносабатда бўлишни шакллантириш (педагог ташаббус кўрсатиши, ишни белгиланган иш режаси ва тартиби бўйича ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилиши керак).

Россиялик олим Г.Е.Муравьеванинг фикрича, педагог томонидан лойиҳалаш фаолиятни юқори даражада ўзлаштирганлигини олдиндан айта олиш, режалаштириш, туза олиш ва моделлаштириш кўникмаларини шаклланганлик даражаси белгилайди. Бу тушунчаларнинг ва уларнинг мазмунини алоҳида қараб чиқамиз. Тадқиқотимиз обьекти лойиҳалаш фаолияти бўлиб, у олдиндан айта олиш фаолияти билан жипс алоқада бўлади, шунга кўра башорат қилишни (олдиндан айта олишни) батафсилроқ қараб чиқилади. Дастребки тушунча – башорат қилиш.

Башорат қилиш – келажакда бирон-бир воқеа-натижасини олдиндан кўрмоқ, олдиндан айтиб бермоқ. Дидактик башорат қилиш – дидактик воқеалар ривож топишини илмий тарзда олдиндан кўра олиш жараёни тушунилади

Башорат қилиш лойиҳадан фарқли равиша ўзгармас мазмунга эга. Башорат қилувчи моделлар асосида таълим жараёнини жадаллаштириш учун тавсиялар ишлаб чиқилади. Дидактик башорат қилиш, шунингдек, педагогнинг үқитиши фаолиятини режалаштиришга асос сифатида намоён бўлади. Башоратлашнинг оддий услубиёти тадқиқотнинг қуидаги асосий босқичларини ўз ичига олади: “башоратлашдан олдинги мўлжал (объект, предмет, муаммо, мақсадлар, вазифалар, илгари кетиш вақти, ишчи фаразлар, усувлар, тадқиқот таркиби ва ташкил этишни аниқлаш); башоратлаш мұхити (объект ривожланишига таъсир

этувчи, башоратлашнинг ихтисослашмаган, қүшни тармоқлари бўйича маълумотларни тўплаш); дастлабки модел, яъни объект характери ва таркибини ёритувчи кўрсаткичлар, ўлчамлар тизими маълумотларини тўплаш; излаш башорати (дастлабки моделнинг келажакдаги лойиҳаси, бунда башорат мұхити омилларини эътиборга олган ҳолда кузатиладиган ҳолатлар бўйича ҳал қилиниши талаб этиладиган келажакдаги муаммолар аниқланади); меъёрий (берилган кўрсаткичлар бўйича кўрсатилган мақсад ва меъёрларга мувофиқ бўлган келажакдаги дастлабки модел лойиҳаси); ишончлилик даражасини баҳолаш ва башоратловчи моделларни аниқлаш, одатда, холис мутахассислардан сўраш йўли билан; башоратловчи моделларни таққослаш асосида ечимларни ихчамлаштириш учун тавсиялар тайёрлаш”. Башоратлаш – объект ҳақида олдин бўлган маълумотларни олиш жараёни, илмий асосда олдиндан асослаштирилган ҳолатлар ва усуllар (Б.С.Гершунский. Башоратлаш бирор-бир ҳолат, жараён мавжуд ёки унинг вужудга келиши учун шарт-шароит бор деб олади. Лойиҳалаш жараёни эса келажакдаги, яъни, ҳали мавжуд бўлмаган объект лойиҳасини тайёрлашдан иборат. Лойиҳалаш башорат қилиш қисмини ўз ичига олади ёки мавжуд башоратга таянади.

Иккинчи тушунча – режалаштириш.

Режалаштириш – бирор нарсанинг режаси ёки лойиҳасини солишириш бўлиб, режа – “умумий мақсадга бирлашган амалга оширилиши учун дастлаб бир қанча олдиндан уйлаб қўйилган харакатлар, тадбирларни бажариш талаб этиладиган ният, лойиҳа, топшириқдир”

Кўпинча режалаштириш ва лойиҳалаш синонимлар тарзида фойдаланилади. Режа ва лойиҳани тузиш мақсади нуқтаи назаридан, ҳақиқатда фарқ йўқ. Режа ҳам, лойиҳа ҳам келгуси аниқ воқеликни ёритади ва уни амалга ошириш учун тузилади. Лекин, фикримизча, лойиҳалаш режалаштиришга қараганда кенгроқ тушунчага эга. Режалаштириш аниқ харакат, уларнинг тартибини белгилаш билан боғлик, яъни, келажакнинг ўзгарувчан ташкил этувчиси бўлган фаолиятдан иборат. Лойиҳалашда келажакдаги нарса ёки жараёнлар тамойилларга таянган ҳолда асосланади ва тавсифланади, уни амалга ошириш усули намоён этилади. Режа эса ўйлаб қўйилганларни амалга ошириш юзасидан харакатлар тизимини акс этади.

Педагогнинг касбий фаолиятида режалаштириш кенг ўрин эгаллайди. Режалаштириш жараёнида педагог олдида турган фаолиятга диққат билан иш тутади, мазмунини педагогик жиҳатдан қайта ишлаб чиқади. Уни ташкил этишининг самарали, маҳсулдорроқ шакллари ва услубларини излайди. У унинг таркибини аниқлайди, унинг айрим қисмлари орасидаги боғланишни, айрим қисмлари орасидаги ўзаро боғланишларни аниқлайди, уларни бирлаштириш ва

ўзаро таъсирининг нисбатан маҳсулли шакллари ва усууларини излайди ва ҳ.к., яни ишнинг маҳсулдор, унумли тизимини шакллантиради.

Россиялик олим И.П.Раченко режалаштиришни күздан кечиришнинг бир неча томонини ажратади. Ижтимоий нұқтаи назардан педагогик фаолиятни режалаштириш – шахс, жамоанинг ривож топишига бир бутун ёндошувни лойиҳалашдан иборат. Режалаштиришнинг иқтисодий томони – фаолият натижаси самарадорлигини таъминлашдир. Психологик нұқтаи назардан режа мияда ҳаракатлар қонуний кетма-кетлигини аниқловчи шажаравий тузилган жараёндир. Муаллиф фикрича режа тузиш – ишни лойиҳалаштиришдир.

Режа ишнинг аниқ бир тизимиendir, бундай тизимларни лойиҳалаш эса режалаштиришнинг асосини ташкил этиши лозим. Бу ҳолда тизимларни лойиҳалаш – ўқув-тарбия масалаларининг жадал, унумли психологияк-педагогик ечимини излашдан иборат. И.П.Раченко педагогик фаолиятни режалаштиришга қуидагиларни киритади:

- а) педагог олдида турган асосий мақсад нұқтаи назаридан педагогик ҳолатни баҳолаш;
- б) олдиндан асосли тарзда айта олиш, ишнинг бориши ва натижаларини олдиндан күриш, шунга боғлиқ тарзда унинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- в) зарурий чора-тадбирлар, ҳаракатлар кетма-кетлиги дастурини ишлаб чиқиши, уларни амалга ошириш учун энг унумли услублар, усуулар ва жиҳозларни танлаш;
- г) ишни вақт бўйича ҳисоб-китобини қилиш, унинг бошланиши ва охирини белгилаш;
- е) ҳисобга олиш ва назорат шакллари ва услубарини белгилаш.

И.П.Раченко кейинги ишларида режалаштириш жараёнини қуидагича изоҳлади:

- а) мақсад ва вазифаларни шакллантириш;
- б) кетма-кет ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиши;
- в) фаолият жараёни ва натижалари жараёнини вақти ҳисобини назорат қилиши.

Аммо, педагогик адабиётда бу жараёнларга нисбатан қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, В.И.Загвязинский исталган киши, шу жумладан, педагогик фаолиятда қуидаги даврларни ажратади:

- эришилган дастлабки ҳолат, бошланғич вазиятлар таҳлили;
- ташҳислаш йўналишларини аниқлаш;
- башпорат қилиш ва олдиндан айтиш;
- мақсад ва асосий вазифаларни аниқлашни ўз ичига олган мақсадга йўналганлик;

- ўзига хусусий масалалар на уларни ечишнинг асосий босқичларни ўз ичига олган режалаштириш.

Бунга қараганда, лойиҳалаш режалаштиришдан кейин келади ва режани аниқлаштиришдан иборат. Бизнинг нуқтаи назаримизда И.П.Раченко фикрларига нисбатан бу қараш аниқроқдир, чунки, шахс ўз фаолиятини режалаштириш учун келажақдаги таълим жараёни дастури ёки лойиҳаси бўлиши керак.

Россиялик олим П.Е.Решетников томонидан тайёрланган педагогик фаолиятни режалаштириш усуллари қизиқарлидир:

- 1) дастурий-мақсадли;
- 2) мажмуавий-тадбирий;
- 3) тизимли-технологик.

Дастурий-мақсадли режалаштиришда фаолиятнинг якуний ва оралиқ мақсадлари лойиҳаланади ва тавсифланади, режа, якуний хужжат шакли сифатида иш дастури хизмат қиласи. Мажмуавий-тадбирий режалаштиришда қуидагилар лойиҳалаштирилади:

- a) энг мухим масалалар, уларни ечиш учун йўналтирилади;
- б) ишнинг мажмуа шаклига эга бўлган айрим йўналишлари бўйича тадбирлар;
- в) бажариш муддатлари;
- г) бажарилиши учун масъуллар;
- д) назорат қилиш шакллари ва бажарувчилар;
- е) курс мавзуларини ўрганиш кетма-кетлиги;
- ж) дарснинг асосий босқичлари, унинг жиҳозланиши, ўқувчиларга бериладиган вазифалар.

Режа шакли: тадбир, дарс ва бошқаларнинг аниқ режаси.

Тизимли-технологик режалаштиришда қуидагилар лойиҳаланади:

- а) таълим муассасасининг таълим фаолияти ёки ривожланиши тўғрисидаги ва тажриба-синовларнинг етакчи ғоялари;
- б) ўқув режаси;
- в) талабалар томонидан касбий тажрибани ўзлаштиришни таъминловчи ўқув ва касбий масалаларининг ишлаб чиқарилиши;
- г) ўқув жараёнининг тартиби;
- д) ўқув фанлари бўйича дастурлар;
- е) ҳар қайси алоҳида ўқув курсини ўрганиш технологияси;
- ж) ҳар қайси алоҳида курсни ўтказиш технологияси;
- з) иш унуми мезонлари ва кўрсаткичлари тизими ва мутахассис касбий-шахсий ривожланишини ташҳислаш технологияси;
- и) оралиқ ва якуний назоратлар ўтказиш технологияси;

к) моддий, молиявий, кадрлар билан таъминлаш юзасидан олиб бориладиган ишлар;

л) педагогик жамоани ривожланиш жараёнидаги таълимий масала-ларни ҳал қилишга тайёрлаш бўйича ишларнинг шакли; муассасанинг таъли-мий дастурлари.

Учинчи тушунча моделлаштириш.

Моделлаштириш – “билиш обьектларини уларнинг моделларида тадқиқ қилиш услуби; аниқ мавжуд предметлар, воқеалар ва тузиладиган обьектларнинг тавсифномаларини аниқлаш ёки яхшилаш, уларни ясаш усусларини қулайлаштириш, бошқариш кабилар учун ясаш ва ўрганиш”

Модел – табиий ёки ижтимоий борлик муайян кўринишнинг, инсон маданияти, ғоявий-назарий таълим маҳсултининг, аслининг ўхшатмаси (чизмаси, таркиби, белгилари тизими). Бу ўхшатма асл бўлиб, унинг хоссалари ва тузилиши, уни ўзгартириш ёки бошқариш ҳақидаги билимларни (маълумотни) сақлаш ва кенгайтириш учун хизмат қиласи. Модел - бу аслни билиш ва бошқаришдаги “вакили”, “ўринбосари”дир. Муайян шартларда нусхани тайёрлаш ва тадқиқ қилиш натижалари асл нусхага ўтказилади”. Модел тушунтириш, олдиндан айтиш, топилмали воситаси сифатида, доимо билишга оид ролни бажаради.

Моделнинг лойиҳадан биринчи фарқи – уни тузиш мақсадидир. Модел нарса, ҳодисани ўрганиш, маълумот (ахборот) олиш, унинг қирраларини ўрганиш учун, шунингдек, уни ўзгартириш ва бошқариш учун фойдаланилади. Лойиҳа эса нарсани тузиш, борликқа мужассамлаштиришда ишлатилади ва юқорида кўрсатилганидек, билишга оид вазифани бажаради.

Моделнинг бошқа ўзига хос хусусияти, юқорида келтирилган таърифга кўра, у аниқ мавжуд аслни «ифодалайди», «алмаштиради», лойиҳа эса ҳали мавжуд бўлмаган нарсаларни тавсифлайди. Модел – борлик қисмининг ўхшатмаси; уни тузишида мухим бўлмаган ҳолатлардан четланилади, фақат бош асосий қисмлар ва тавсифномалар қайд этилади. Модел – хаёлий тузилма. Лойиҳада, аксинча, келажақдаги нарса ва жараёнлар тўғрисида, шартлар эътиборга олинган ҳолда, аниқ тасаввур аксланади.

Биз берган моделлаштириш тушунчаси таърифида ҳали мавжуд бўлмаган обьектлар ҳам бўлиши мумкин. Бунда лойиҳалаш ва моделлаштириш тушунчалари ўзаро кесишадилар. Лекин, уларни ажратиш мумкин. Ясалаётган нарса модели бевосита нарсанинг ўзига мужассамланмайди, лекин жараённинг бу энг бошида содир бўлиши мумкин. Моделлаш, шунингдек берилган шартларда маҳсус уюштирилган таъсир натижасида обьектда вужудга келиши мумкин бўлган ҳолат ҳақида янги маълумот олишга имкон беради, яъни, башоратлаш

вазифасини бажаради. Моделлаш башорат қилиш услуги сифатида таълим жараёнида ўрганиладиган нарсанинг ахборотли моделини ясаш билан боғланган бўлади. Бу мўлжалланган чизиқлар деб аталадиганлар кўринишида ясалган мантикий чизмалар (у қайси тушунчалар ва таърифлардан қайсилари томон ҳаракат қилишни қўрсатади), мазмуннинг асосий ҳолатларини ёритувчи турли рамзлар ёки мавзуни ўрганишнинг аниқ режаси бўлиши мумкин.

Педагог ва талабаларнинг фаолияти, усуулар билан тўлдирилган ахборотли фаолият моделига, жараёнли моделга айланади. Педагог талабалардаги ва янги маълумотни, мавжуд ва зарур бўладиган одат ва кўникмаларни, боодобликликнинг аниқ ва зарурий даражасини ўзаро солиштиради ва фаразий тарзда талаба учраши мумкин бўладиган қийинчиликларни аниқлайди. Фаразга асосланиб, у муаммонинг ечилишини, бўлиши мумкин бўлган хатоликларни, мақсадга мувофиқ бўлган ёки бўлмаган ҳаракатларни олдиндан кўради, фаолиятнинг муваффақиятли бўлишини таъминловчи воситаларни танлайди, яъни, хаёлан тажрибалар ўтказади. Бунинг учун хаёлий тажрибага яна битта шарт киритилиши лозим - талабаларни фаолиятга ундовчи шартларнинг ҳолати ва кучини, уларнинг қизиқишлигини, ўз-ўзларини тарбиялашга истаклари борлигини назарда тутиш, зарур бўлса, интилишиларини ривожлантириш чорасини кўриш лозим.

Педагогнинг юқорида тавсифланган ҳаракатлари, айнан фикран синааб кўриши, лойиҳалаш фаолиятига киритилиши мумкин, яъни моделлаштириш лойиҳалашнинг бир қисми бўлади. Дидактикада моделлаштиришни билиш учун педагогнинг лойиҳалаш фаолиятини аниқлаш лозимdir.

Лойиҳалашнинг тўртинчи босқичи – тузиш-куриш.

Тузиш-куришда бирор-бир обьектнинг таркиби бош тушунча бўлиб, тузувчилик фаолияти лойиҳалаш фаолиятидан фарқли равишда, хаёлий ва амалий (буюмли тузувчилик) фаолият бўлиши мумкин, хаёлий тузувчилик мазмуни бўйича лойиҳалашга яқин ва унинг ўхшаши сифатида кўплаб ишлатилади. Лекин, бизнинг фикримизча, тузиш лойиҳалашга нисбатан тор маънодаги тушунча, чунки, у яратилаётган обьектнинг сиртқи томонини акслантиради, лойиҳалаш эса ички, ўзгарувчан ва бошқа ташкил этувчиларни ўз ичига олади.

Маъноси бўйича лойиҳалашга яқин бўлган моделлаш, башорат қилиш, режалаш, ўқув ва ўқитиш фаолиятини тузиш тушунчаларининг таҳлили, уларнинг умумийлиги ва фарқини аниқлаш таълим жараёнини лойиҳалаш маъноси ҳақида бир қатор хulosалар чиқаришга имкон беради.

Педагогик жараённи лойиҳалаш – педагогнинг табиий ва ижтимоий
қонуниятларни назарда тутилган ҳолда маълум бир вақт бирлиги ичida талабаларни
мақсадга мувофиқ ҳолда ривожлантиришнинг келажакдаги
жараёни ва натижаси ўрин оладиган касбий фаолиятининг бир кўринишидир

Бўлажак таълим жараёнининг лойиҳаси лойиҳалашнинг маҳсулидан иборат. Лойиҳалаш моделлашдан тузиш мақсади бўйича фарқ қиласи. Лойиҳа лойиҳаланаётган обьектни борлиққа мужассамлаштиришдан иборат; модел - обьектни тадқиқ қилиш учун, дастлаб модел, сўнгра унинг асосида лойиҳа ишлаб чиқилса, моделлаш лойиҳалашнинг таркибий қисми бўлиши мумкин.

Лойиҳалаш башорат қилиш тушунчаси билан узвий боғланган. Уларнинг умумийлиги шундаки, лойиҳа ва башорат келажакдаги дидактик ҳодисалар ҳақида тушунча беради. Лекин, лойиҳадан фарқли равишда башоратлар эҳтимолий мазмунга эга ва у ёки бу дидактик жараённинг ривожланиши натижаларини олдиндан кўра олади. Лойиҳа эса бу жараёнларни қайтадан тузади. Лойиҳалаш ўз таркибига башорат қилиш қисмини киритиши мумкин. Агар талабанинг ўқув-билиш фаолият режаси ҳақида гап борса, ва шу жараён давом эттирилса, режалаштириш лойиҳани амалга ошириши таркибига киради.

Тузиш-қуриш ҳам таълим жараёнини лойиҳалаш таркибига киради. Фикримизча, у технологик жараённи амалга ошириш учун моддий воситаларни тузишдан иборат. Лойиҳалаш у ёки бу даражада келажакдаги таълим жараёнини моделлаштириш, башорат қилиш, режалаштириш, тузиш-куриш қисмларини ўз ичига олади. Таълим жараёнини лойиҳалаш – мураккаб фаолият бўлиб, педагогдан амалий, дидактик, услубийметодологик, буюмли ва бошқа билимларнинг тизимини талаб қиласи, чунки, у хәёлий даражада ҳақиқий таълим жараёнини ёритиб беради.

4. Педагогик фаолиятни лойиҳалаш таъминоти. Лойиҳалаш шаклини танлаш қандай босқич танланганлиги ва неча босқични ўтиш кераклигига боғлиқ. Шундай қилиб, ҳозирда узлуксиз таълим умумий ўрта ва ўрта маҳсус ҳамда олий таълим муассасалари томонидан берилади. Шу мақсадда касб-хунар коллежларнинг асосий ғоялари, унинг низоми, битирувчиларнинг касбий тавсифномалари, ўқув режалари ишлаб чиқилган. Бунда кўрсатилган шакллар икки босқични ўз ичига олади: моделлаш ва лойиҳалаш. Агар педагогик жараён машғулотларда лойиҳаланаётган бўлса, у ҳолда унинг моделлаштирилиши педагог ва талабаларнинг тафаккурига киритилган, деб тушунилади. Машғулотнинг етакчи ғояси шун-дан иборат. Машғулотнинг бевосита лойиҳаланиши тузиш босқичидан – машғулотлар режаси, матнини ёки кўринишларини тузишдан бошланади. Лойиҳалашнинг исталган шакли мақсадга мувофиқ талаб этиладиган, талабалар ва педагогларнинг хусусиятларига, имкониятларига мос бўлиши керак. Акс ҳолда улар юзакигина қабул қилинади.

Лойиҳалашнинг назарий таъминоти – бу ахборотни излаш:

- бошқа жойлардаги шунга ўхшаш обьектлар фаолиятининг тажрибалари ҳақида;
- шу каби обьектларни лойиҳалашда бошқа педагоглар тажрибаси;

- педагогик тизимлар ва жараёнларнинг инсонга таъсири, педагогик вазиятлар ечимиининг назарий ва амалий, тажрибавий тадқиқотлари.

Лойиҳалашнинг методик таъминоти лойиҳалаш жиҳозларини ташкил қилиш чизмалар, намуналар, ҳужжатлар ва шу кабиларни тайёрлаш; нисбатан қулай ва мақсадга мувофиқ тузилмаларни танлаш кабиларни ўз ичига олади. Бунга педагогик жараёнлар ёки вазиятларни лойиҳалашни мазманий таъминлаш ҳам киради. Шу мақсадда, масалан, дарслар ёки мавзулар жилдига эга бўлиш тавсия этилади. Уларда ўқитувчи ёки уста аниқ ихтисосликка эга ўкув гуруҳи учун алоҳида мавзулар бўйича турли материалларни тўплайди. Бундай дарслар жилдига қуидагилар киради: олий ва касбий таълимнинг ўзаро алоқадорликлиги ифодаланувчи топшириқлари; ҳужжатли материал; талабаларнинг маърузалари, ишланмалари; кўргазмали қуроллар ёки уларнинг жамланмаси; талабаларнинг мустақил ишлари учун ёзма-топшириқлар ва шунга ўхшаш, блокли-модулли ифодаловчи иш қофозлари.

Лойиҳалашнинг фазовий вақтли таъминоти агар уни тайёрлашда муайян вақт ва муайян фазо эътиборга олинганидагина аниқ қийматга эга ва ундан фойдаланиш мумкин бўлади. Фазовий вақтли таъминот – педагогик лойиҳалашнинг зарурый шартидир.

Фазовий таъминлаш деб мазкур модел, лойиҳа ёки тузilmани амалга ошириш учун энг самарали жой аниқлаш (тайёрлаш)ни, жойнинг тизимлар, жараёнлар ёки вазиятларни амалга оширишга жойнинг таъсирини ҳисобга олиш тушунилади. Исталган модел, лойиҳа ёки тузилма аниқ фазога боғланади. Бу эса педагогик жараён иштирокчиларининг ҳаракатларини олдиндан айтишга ёрдам беради.

Лойиҳалашни вақт таъминоти – унинг ҳажми бўйича вақт билан ўзаро нисбати, яъни маълум вақтга сифадиган ва бажарилиш суръати бўйича, мароми бўйича фаолияти кетма-кетлиги, тезлиги ва шу вақтда унга жойлашадиган жараён билан ўлчанади. Масалан, вақтни касбий қобилият, касбий тажриба, усталикнинг шаклланишининг давом этиши сифатида, шунингдек, тадбирлар, педагогик вазиятларнинг (тизимлар, жараёнлар, вазиятларнинг) таъсир этиши, ривожланиш босқичлари давом этиши сифатида билиш талаб қилиниши мумкин. Буларнинг ҳаммаси педагог ва талабаларнинг кучи, қуввати, дикқати ва вақтини тўғри тақсимлашга имкон беради. Шу билан биргаликда ўзларида вақт мароми, частотаси, оралиғи, кетма-кетлиги, тезлиги, ҳажмини намоён этади.

Ҳар бир услуб ўзига сермеҳнатлиги, мазмuni ҳам уни бериш ва ўзлаштириш учун вақт талаб қиласи. Ҳар бир шакл маълум вақтга мўлжалланган. **Моддий-техник таъминот** лойиҳалаш жараёнида бир неча вазифани бажаради. Биринчидан, у лойиҳалаш бўйича бевосита фаолиятнинг ўзини амалга ошириш учун педагогик техника ва воситадир. Иккинчидан, моддий-техник қисми турли

манбалардан таъминланиши сабабидан, табиийдирки, у ҳам лойиҳаланиши керак, яни моделлаш, лойиҳалаш ва тузиш-куриш обьекти бўлиши лозим. Учинчидан, моддий-техник таъминот хар вақт тарбиявий мақсадларни ечиш воситаси бўлганлигига кўра у педагогик моделлар, лойиҳалар ва тузилмалар таркибий қисми сифатида, тизимлар, жараёнлар, вазиятлар лойиҳаланиши керак. Лойиҳалаш жараёнида педагогик тизимлар, жараёнлар, вазиятларнинг моддий-техник таъминланиши тўлиқ бўлишига, уларнинг фаолиятнинг бош йўналишларида тўпла-нишига, воситалардан кўчма ҳолда фойдаланишга, уларнинг энг мақбул бирикuvига, ўзаро алмаштирилиши ва ўзаро тўлдира олинишига эришиш лозим. Лойиҳалашнинг моддий-техник таъминланганлигига лойиҳалашнинг содда бўлиши ва лойиҳани амалга оширилиши, педагоглар ва ўқувчилар фаолиятида қулайликлар, тарбия натижалари ва ишончлилигининг турғун бўлиши боғлиқдир. Қониқарсиз моддий-техник негиз педагогик лойиҳалаш юзасидан барча меҳнатни йўқقا чиқариши мумкин. Бу ҳолда исталган модел, лойиҳа, тузилмали педагогик хаёлий шароитга тушиб қолади.

Лойиҳанинг ҳуқуқий таъминоти – талабалар ва педагогларнинг тизимлар, жараёнлар, вазиятлар чегарасида фаолиятини тайёрлашда ҳуқуқий асосни яратиш ёки уни ҳисобга олишдан иборат. Ҳеч қандай педагогик лойиҳа республика қонунчилигини, олий ҳокимият қонунлари ва фармонларини, таълимнинг бевосита бошқариш органлари буйруқларини бузиши мумкин эмас.

Психологлар педагогнинг лойиҳалаш жараёнида икки умумий мақсадга эришиш йўлини белгилайдилар: мазмуний ва динамик.

Педагогик лойиҳалашнинг мазмuni, умумий мақсадга эришиши асоси сифатида, шахсни тарбиялаш мақсади ва вазифасини ўз ичига олади, уларнинг ўзгармаслигини сақтайди, мазмуни, услублари ва шаклларини ўзгарувчан қиласи. Мақсад ва вазифалар бошланғич ҳолда аниқ берилган ҳисобланади. Педагог бу ҳолда шахсга таъсир этишининг шундай усусларини излайдики, улар қўйилган мақсадга мувофиқ равишда уни ривожлантиришга ёрдам беради. Ўзгарувчан тузилмалар ташкил этувчи қисмлари сифатида тарбияланувчи ва педагогнинг шахсий имкониятларини олади. Бу умумий мақсадга эришиш йўлида фикрлаш мантиги тизим, жараён, вазият иштирокчиларининг аниқ имкониятларидан келиб чиқишилари, сўнг мақсад, тамойил, мазмун, услублар, воситалар ва шаклларни аниқлашдан иборат. Таркибий қисмлар ўртасидаги алоқалар ва боғланишларни белгилаш лойиҳалашнинг асосий амалларидан биридир. Тизим, жараён ёки вазият қисмлари ўртасидаги алоқаларнинг жуда кўп турлари мавжуд. Улардан асосийлари: вужудга келиш, туғилиш, ясаш, мазмун ва бошқариш алоқаларидир. Вужудга келиш алоқаларидан таълимнинг мужассамлашган қўринишини, ёки мужассамлашган ўқув фанини, ёки мужассамлашган машғулотни лойиҳалашда фойдаланиш мумкин. Машғулот тузилмалари, мазмуни, услубий қисмлари

Үртасидаги алоқаларни ўрнатында янги таълимотлар вужудга келади: таълимнинг янги тури (масалан, мұхандислик-педагогик), янги ўқув фани (экология), машғулоттарнинг янги тури (мужассамлашган машғулотлар). Қурилиш алоқалари жараёнлари қисмлари, таркиби, жойлашувини қамраб олади. Улардан фойдаланиб, машғулотларда бошқа фанлардан маълумотлар киритиш, қисмларини күпай-тириш ёки камайтириш, жойларини алмаштириш мумкин. Ҳақиқатда лойиҳа-ланаеттан объект аввалгича қолади, у енгилгина такомиллаштирилади.


Мазмуний алоқалар аксинча, ўзаро таъсир этувчи қисмлар – таркиб ва мазмун моҳиятига тегиб ўтадилар. Чунончи, ишлаб чиқаришда меҳнатнинг илғор шакллари, фойдаланиладиган технология хусусиятлари таъсири остида тегишли ихтисослик бўйича бўлажак мутахассисларни тайёрлашда таълим бериш услубиётини тубдан ўзгартириш мумкин. Бошқарув алоқалари, лойиҳалаш объектига анъанавий ёндошувни сақлаган ҳолда, уни янги мұхитга, қўшни тизимларга, жараёнлар ва вазиятларга мослаштирган ҳолда енгилгина ўзгартириши мумкин. Масалан, бундай алоқалар уларни касбий мақсадга мувофиқ бўлиши зарур бўлганда ўрнатилади. Ҳужжатларни таққослаш одатдагидек умумий ҳолда қабул қилинган тегишли кетма-кетлик, яъни, мажбурий бўлимлар рўйхати ва уларнинг тузилиши эътиборга олинган ҳолда амалга оширилади.

Ўқув жараёнида қўлланиладиган моделларнинг турлари. Таълим жараённи лойиҳалашда одатда моделлаштиришдан ҳам фойдаланилади.

Модел – реал, ҳақиқатда мавжуд бўлган объектнинг соддалаштирилган, кичрайтирилган (кattалаштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси.

Моделлаштириш ҳодиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи моделни яратиш

Ўқув жараёнида қуйидаги турдаги моделлар қўлланилади:



43-расм. Модул таълимининг устувор тамойиллари

Куйида ушбу моделларнинг моҳияти ёритилади.

1. **Ўқув моделлари** (таълим жараёнида қўлланилади; кўрсатмали куроллар, кўргазмали воситалар, тренажёрлар, таълимий дастурлар).
2. **Тажриба моделлари** (илмий, амалий тажрибаларни олиб борища кўлланилади; лойиҳалаштирилаётган обьектнинг катталаштирилган ёки кичиклаштирилган нусхаси).
3. **Илмий-техник моделлар** (жараён ва ҳодисаларни тадқиқ этишда қўлланилади; қурилма, мослама, асбоб, жиҳоз ва механизмлар).
4. **Ўйин моделлари** (турли вазиятларда обьект томонидан турли ҳаракатларни бажариш орқали қўнікма, малакаларни ҳосил қилиш мақсадида қўлланилади; компьютер, спорт, иқтисодий, ҳарбий, ишчанлик ўйинлари ва б.).
5. **Имитацион моделлар** (реал воқеликни у ёки бу даражада шунчаки аниқ акс эттириш учун эмас, балки айнан унга ўхшатиш мақсадида қўлланилади; амалий ҳаракатларни бажаришга хизмат қилувчи турли тренажёр ва механизмлар).

?	НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:
---	---

1. Фаолият ва педагогик фаолият нима?
2. Педагогик фаолиятни лойиҳалаш қандай босқичларда кечади?
3. Педагогик фаолиятни режалаштириш деганда нимани тушунасиз?
4. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этишга таъсир қилувчи омилларни айтинг.
5. Педагогик фаолиятни лойиҳалашнинг назарий таъминоти нима?
6. Педагогик фаолиятни лойиҳалашнинг методик таъминоти деганда нимани тушунасиз?
7. Педагогик фаолиятни лойиҳалашнинг ҳуқукий таъминоти нима билан характерланади?
8. Педагогик фаолиятни лойиҳалашнинг вақт таъминоти нима?
9. Ўқув моделлари нима?
10. Ўқув моделларининг қандай турлари мавжуд?

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Колесникова И.А., Горчакова-Сибирская М.П. Педагогическое проектирование: учеб. Посоbие для высш. учеб. заведений / Под ред. В.А.Сластенина, И.А. Колесниковой. – 2-е изд., стер. – М.: Изд-кий центр “Академия”, 2007.

2. Муслимов Н.А., Уразова М.Б. Проективная деятельность будущего учителя. Учеб.пособ. – Т.: GrandPaper, 2011.– 92 с.
3. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика назарияси / Дарслік. Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008.

4-мавзу: Мутахассислик фанларини ўқитишида инновацион технологияларидан фойдаланиш йўллари

Режа:

- 1. Инновацион фаолиятнинг асосий функциялари ва босқичлари.**
- 2. Инновацион педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш йўллари.**

Таянч сўзлар: инновация, инновацион фаолият, акмеология, интегратив ёндашиш, фанлар интеграцияси, синтез, касбий йўналганлик, модернизация қилинган дастурлар, конструктивлаш, модуллаштириш, алгоритмлаш, лойиҳалаш.

1. Инновация - сўзи инглизчадан келиб чиқкан бўлиб, унинг маъноси янгиланиш, янгилик киритиш, ўзгартириш деган маъноларни билдиради. Педагогик жараёнга янгиликлар киритиш билан унинг сифати ва самарадорлигини ошириш кўзда тутилади. Бунда ўқитувчининг роли мухим аҳамият касб этади. Ўқитувчининг инновацион фаолиятига яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият натижаси сифатида қаралади. Унга инновацион фаолиятини амалга оширишда акмеологик жиҳатдан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Акмеология (akme) - юонча олий нуқта, ўткир, гуллаган, етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

Инновацион фаолият қуидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- касбий фаолиятни онгли таҳлил қила олиш;
- янгиликларга нисбатан шайлик;
- фаолиятга ижодий муносабатда бўлиш;
- ўз имкониятлари ва қобилиятларини рўёбга чиқариш;
- ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий-педагогик фаолиятда мужассам қилиш кабилар. Бундан, ўқитувчи инновацион педагогик технологияларни яратувчиси, амалга жорий этувчиси ва тарғиботчиси ёки инкор этувчиси сифатида намоён бўлади. Инновацион таълим технологияларида интерфаол методлар етакчи ўринга эга. Интерфаол таълим методлари таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақилликка ундовчи омилдир. Кейинги пайтларда таълим муассасалари амалиётига қуидагича номланган интерфаол таълим методлари кенг кўламда жорий этилмоқда:

ақлий ҳужум, кичик гурухларда ишлаш, кластер (тармоқ), инсерт техникаси, пинборд, чархпалак, бумеранг, муаммоли вазият, ишбилармонлик үйини, баҳс-мунозара, машқ ва күплаб шу кабилар. Буларнинг натижасида замонавий мутахассисни тавсифловчи касбий компетентликни ташкил этувчи шахсий сифат ва ҳислатларни шакллантириш имконини беради. Шу ўринда биз “Инновацион таълим технологиялари” деганда ижобий натижа берадиган, маълум назарияга таянган, қўлланишга қулай, таълим олувчилар ва таълим берувчилар соғлигига путур етказмайдиган, шу пайтгача амалда кенг кўламда қўлланилмаган, яъни маълум янгиликларни киритиб, нисбатан юқори сифат ҳамда самарадорликни таъминловчи омилларни тушунамиз. Шунингдек, касбий компетенцияни таркиб топтириш учун умумтаълим ўқув предметларини касбга йўналтириб, дидактик бирликларни йириклиштириб, модуллаштириб, мазмунан туташ ўқув предметларини интеграциялаб ўқитиш технологиялари ҳам касбий компетентликни таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Касб-хунар тайёргарлиги даврида ўрганиладиган ўзаро боғлиқ мураккаб, мажмуавий тавсифли масалаларни ечимини топишга, уларнинг характеристидан келиб чиқиб, тизимли таҳлил қилиш, интегратив ёндашиш зарур. Биз таълим мазмунини интеграциялаш деганда бир-бири билан туташ ахборотларни синтезлашни кўзда тутамиз. Шу пайтгача фанлар интеграциясини синтезлаш тушунчаси билан синоним деб қаралиши натижасида унинг мазмуни ва моҳияти бирмунча торайтирилган. Синтез ўзаро таъсир этувчи элементларнинг қўшилиши натижасида яхлитликни ҳосил қилса, интеграция эса кўп томонламаликнинг бирлигидир.

Интеграция- ички яхлитликка интилиб, ахборотларни синтезлаб, мантиқан тугал тузилма ва унга мос илмий таффакурни кўзда тутади. Интеграциялаш – ўқув материалларини умумлаштириш, тизимлаштириш ва зичлаштириш жараёни бўлиб, ўқув вақтини тежаш қилиш, қайта тақрорлашларни чек қўйиш, касбий йўналганликни таъминлаш, ўқувчиларни машғулотдаги ортиқча ўқув материалларини ўзлаштиришдан озод қилиш кабиларни кўзда тутади. Таълим мазмунининг интеграцияси яхлитлик, Аммо инновациялар ва педагогиктехнологиялар ўз-ўзидан таълим тизимиға кириб келмайди. Бу ўқитувчи фаолияти ва унинг янгиликка интилиш мотивациясига боғлиқ жараён. Ўқитувчи фаолиятини ўзгартирмай туриб, унинг масъулияти, ижодкорлиги ва фаоллигини оширмасдан туриб таълимда бир қадам ҳам олдинга силжиб бўлмайди. Шу муносабат билан таълим жараёнида инновацияларни, яъни янгиликларни яратиш, излаш, тўплаш ва педагогик жараёнга қўллаш замонавийтаълимнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Педагогик инновациялар тўғрисида турли даража ва поғоналарда

фикюритиши мүмкін; давлат, мінтақавий, олий таълим, касб-хунар, академик лицей ва умумтаълим мактаб, мактабгача таълим, мусиқа мактаблари ва мактабданташқары таълимда инновациялар бўлиши мүмкін. Умуман педагогик инновациялар деганда педагогик тизимгаянгиликларни киритиш, ўқув-тарбиявий жараёнларнинг боришини янгилаш, натижаларига ижобий таъсир кўрсатишидир.

Инновация – мавжуд бўлган ҳолатдан, ўзгарган, фарқ қилувчи деган маънони билдиради. Илгаридан лойиҳалаштирилган ҳар бир дидактик жараён маълум принципиал имкониятларга эга бўлиб, у ўқувчи ва талабаларда билим, кўникма, малакаларни сифатли шаклланишини кўзда тутади. Таълим ва тарбияда зарурӣ даражадаги натижани олиш – педагогик тизимни такомиллаштириш, унинг функциясини ижобий томонга йўналтириш, интенсив педагогик жараённи вужудга келтиришни тақозо этади. Чунончи таълим-тарбияда сифатли, самарали натижани олиш учун мавжуд педагогик тизимни модеринизациялаш лозим. Шу муносабат билан инновацияларни обьекти сифатида қўйидагипедагогик омилларни келтириш мүмкін: ўқув-тарбиявий фаолиятнинг мотивациясини ошириш; дарсда ўқув материаллари, мазмуни, ҳажмини ошириш; ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш; таълим жараённанда тайм менежментдан фойдаланиш; таълим-тарбия жараённанда таълим олувчининг шахсий иштироки, фаоллиги ва масъулиятини ошириш. Жумладан, инновацияларни педагогик жараёнга жорий этиш йўлларини белгилаш зарур:- янги педагогик ғояларни шакллантириш;- концепциясини ишлаб чиқиши;- дастур яратиш;- ижро механизмини ишлаш;- амалиётта жорий этиш. Ҳозир республикамизда педагогик инновацияларнинг яратилиши варивожланиши кенг педагогик жамоатчилигининг ҳаракати, умумтаълиммактабларини модеринизация қилиниши, стандартларни такомиллаштирилиши ва дастурларнинг янгилаши жараёни кетмоқда. Янгиликларни яратиш, излаш, тўплаш, кўллаш ишлари жадаллашиб бормоқда.

Шу сабабли, таълим тизимидағи инновацияларни педагогик жараёнларга киритиш тўрт босқичда амалга оширилиши мүмкін:

1. Муаммонинг кўпгина ечимини таҳлил асосида аниқлаш;
2. Мўлжаланаётган таълим мазмуни, янгиликни лойиҳалаш;
3. Ўзгариш ва янгиликларни режалаштириш;
4. Ўзгаришларни амалга ошириш.

Илмий изланишлар натижасида такомиллаштирилган стандартлар ва модернизация қилинган дастурлар, дарсликларнинг янги авлоди таълим муассасаларига етказилди. Навбатдаги кечикириб бўлмайдиган энг мухим вазифа – таълимнинг янги мазмунини инновациялар асосида тезроқ ўқув

жараөнига татбиқ этиш механизмини яратиш ва қўллаш заруратидир. Чунки давлат таълим стандартлари, янги дастурларни ўқувчи ва талабалар билимiga қўйиладиган мажбурий минимал билим даражаларни таъминлаш, таълим сифатини кафолатлашнинг, уларнинг иқтидор, талаб, эҳтиёжларини таъминловчи ягона омил – уларни амалга киритишга инновацион ёндашувдир.

Ўқитувчи инновацион фаолиятини шакллантиришнинг куйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич – тайёр инновацион методик тавсияларни олиб қўлланилади.

Иккинчи босқич – мавжуд тизимга айрим модификациялар киритилади. *Учинчи босқич* – янги ғояни амалга ошириш мазмуни, метод, шакл, воситалари ишлаб чиқилади.

Тўртинчи босқич – ўқувчини янгича ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз концепциясини ва методикаси ишлаб чиқилади. Бунинг учун педагогик инновацион технологияларни тўплаш, назорат қилиш ва жорий этиш ишларини ташкил қилиш, шунга оид семинар, тренинглар, қисқа муддатли ўқув курслар ташкил этиш яхши натижалар беради.

Инновацион технологияларни яратиш, излаш, топиш, тўплаш ҳақида тегишли маълумотлар жамғарма банкини яратиш, таҳлил қилиш, танлаш, таълим муассасасига жорий этиш бўйича ташкилий-педагогик ишларни ташкил этиш мухимdir.

Энди инновацияларни ўқув жараөнига қўллаш босқичларини келтирамиз. Биринчи вазифа – инновацияларни излаш, тўплаш жараөни амалга оширилади. Инновацион илгор технологияларни тўплаб, ўрганиш ва қайта ишлаш мақсадида уларни компьютерда, картотека ва маҳсус йиғма материаллар банклари тузилади.

Иккинчи вазифа – танлаш жараөни инновацияларни йиғма банклардан олиб ўрганилади. Мазкур ишларни таълим муассасалари илми ва методик кенгашлари, фан метод бирлашмалари, туман, шаҳар халқ таълими, ўрта маҳсус касб-хунар бошқармаларида ўрганиб чиқилади. Улар тўпланган инновацияларни республика миқёсидаги конференция, метод кабинетлар, малака ошириш институтлари, кўрик танлов материаллари, август кенгашларида тарғиб қилинган инновациялар; ахборот ва мониторинг марказлари, интернет хабарларидан тўпланган инновацияларни ўрганиб, тўплаб, танлаб улардан қулайларини амалий фаолиятга қўллаш учун мосларини, таълим муассасаларига тарқатадилар. Умуман инновацияларни

ўқув жараёнiga қўллашда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг муносабатлари ҳамкорлик, ҳам ижодкорликда кечади:

- ўқитувчи билимни ташувчи, етказувчигина эмас, талабани мустақил ўқиши, билим олишида ёрдамчи, маслаҳатчи-ташкилотчи раҳбарга айланади;
- ўқитувчи конструктивлаш, модуллаштириш, алгоритмлаш, лойиҳалаш, атрофлича фикрлаш шароитида иш юритади;
- ўқув жараёнi талаба-ўқитувчиларни ўзаро фаол иш юритишига ўрганишга одатлантиради;
- талабага ўзини-ўзи ўқитиши, фаоллиқда, якка, жуфт, кичик, катта гурухларда ишлашга мұхит яратиши, ўқув жараённи индивидуаллаштириши талаб этади. Шу ҳолатларда ўқув мазмунини, ДТС талаблари тўла ўзлаштириш кафолатланади.

Агар инновацияларни таълим жараёнiga қўллашни йўлга қўйилса:

- ўқитувчи-профессорларнинг янгиликка интилувчанлиги, янгиликни яратиш, излаб топиш, тўплаш таълим жараёнiga қўллаш, кўникма ва малакалари шаклланади;
- узлуксиз мустақил ўз устида ишлаш асосида янгиликларни педагогик фаолиятга тизимли олиб кириш кўникмасига эга бўлади.
- профессор-ўқитувчилар инновациялар, модулли, интерфаол, лойиҳалаш, алгоритмлаш мұхитида иш юритади;
- ўқув жараёнida талабани фаол қатнашишига, масъулиятни ҳис қилиб ўз фикрини билдиришга ижодий мұхит яратади;
- унда талаба таълим жараёнини сифат ва самарадорлигини таъминлашда ҳаракатлантирувчи кучга айланади.

2. Инновацион педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш йўллари

Ўқув фани бўйича таълим технологияси қўйидагилардан келиб чиқиб ишлаб чиқиласди:

- ОТМларда таълимни технологиялаштириш қоидаси;
- фан бўйича ўқув ахборот мақсади, тузилмаси, мазмуни ва ҳажми;
- ДТС томонидан белгиланган, ўқув режасида аниқлаб берилган вақтда ва берилган шароитда таълим бериш мақсадига эришишни кафолатловчи таълим бериш, муроқот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини танлашнинг концептуал ёндашувлари.

1. Кiriш. Таълим технологиясининг бу қисмида иқтисодиётнинг бозор тамойиллари кескинлашуви шароитида ва жамиятнинг демократиялашувида таълим беришни технологиялаштиришнинг долзарблиги асосланади, ўқув фани бўйича таълим технологиясининг тузилиши баён этилади ва маъруза,

амалий ва семинар машғулотлариға лойиҳаланган таълим бериш технологиясига қисқа тавсифлар берилади.

2. Таълим технологиясининг концептуал асослари. ТТнинг бу қисмida қуидагилар ёритилади:

- ўқув фанининг долзарбилиги, мақсад ва вазифалари, аудитория соатларининг умумий ҳажми ва ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ уларни мавзуулар бўйича тақсимоти, иш турлари;

- ўқув фанининг мазмуни, ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ ўқув фанининг мавзу мазмуни баён этилади;

- ўқув машғулотларида таълим технологиясини ишлаб чиқишининг концептуал ҳолатлари - таълим бериш, мулокот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини танлашнинг асоси бўладиган, таълим технологиясини лойиҳалаш ва режалаштиришнинг концептуал асослари.

3. Маъруза, амалий ва семинар машғулотлариға лойиҳаланган таълим технологияси. Ҳар бир таълимий технология таълим технологияси, таълимнинг технологик харитаси, технология харитасига иловалардан иборат бўлади.

Ўқув фани бўйича ўқитиш режасининг тузилиши ва мазмунли таркиби аниқ фан ва мавзу бўйича машғулотнинг таълим модели жадвал кўринишида бўлиб, унда қуидагилар кўрсатилади:

- дастлабки маълумотлар: ўқув мавзуси, вақти, талабалар сони;

- шакл (маъруза, семинар ва бошқ.) ва кўриниши (масалан, муаммоли маъруза ва бош.), ўқув машғулоти режаси/тузилиши, унинг мақсади, ўқув фаолиятининг кўзлананаётган натижалари, педагогик вазифалари;

- танланган таълим модели: усуллар, шакллар ва ўқитиш воситалари;

- таълим бериш шароити: маҳсус жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар;

- мониторинг ва баҳолашга асосланган қайтар алоқанинг йўл ва воситалари: назорат тури (ёзма ва оғзаки), назорат шакли (тезкор-сўров, тест олиш, тақдимот, ўқув топшириқлари ва бошқ.). Ўқув машғулотининг технология харитаси уч қаторни ўз ичига олиб, 1,5-2 варақда жадвал кўринишида бажарилади: (1) ўқув машғулоти босқичлари ва вақти; (2) таълим берувчи фаолияти; (3) таълим олувчи фаолияти. Илова ўқув жараёнининг ташкилий - дидактик вазифасини бажаради: ўқув/мустақил иш учун савол ва топшириқларни, уни баҳолаш мезонларини, ўқув иш жараёнинда талабалар амал қилиши лозим бўлган қоидалар, таълим берувчи фойдаланадиган таянч ёзмалар, шунингдек чизма, жадвал, слайдлар ва бошқа қўргазмали материллар, режалаштирилган мақсадларга эришишни назорат қилиш учун топшириқлар (тестлар, саволлар, топшириқлар ва машқлар). Бу ерда тақдим

етилаётган материаллар чегараланмайды. Фақат улар катта ҳажмли, яхши тузилмага келтирилған ва графикили чизмаларда расмийлаштирилған бўлиши керак.

Шу тариқа таълим берувчи мавзу бўйича якун ясайди, таълим оловчилар эътиборини асосийларга қаратади, бажарилған ишларни келгуси касбий иш фаолиятидаги аҳамиятини маълум қиласди, гуруҳлар, алоҳида талабалар ишини баҳолайди ёки ўзаро баҳолашнинг якунини чиқаради; ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолайди; мустақил иш учун топшириқ беради. Таълим оловчилар ўзаро баҳолашни ўтказадилар, савол берадилар, топшириқни ёзадилар. Иқтисодий таълим жараёнинда дарсларнинг самарали ташкил этилиши ва юкори малакали иқтисодчи мутахассислар тайёрлашда дарс жараёнининг тўғри лойиҳалаштирилиши мухимдир. Чунки педагог томонидан дарс жараёни қанчалик тўғри режалаштирилса ва олиб борилса, талабаларнинг фанга нисбатан ижобий муносабатлари ҳам унга монанд бўлиши табиий. Натижада барча мезонлар тўғри амалга оширилиб, дарснинг самарали ташкил этилиши таъминланади.

Куйида мутахассислик фанларини ўқитишда фойдаланиладиган инновацион технологиялар ҳақида сўз юритамиз.

Фикрлар хужуми технологияси. Фикрлар хужумининг мақсади мумкин қадар катта микдордаги ғояларни йиғиши, талабаларни айни бир хил фикрлаш инерциясидан холи этиш, ижодий вазифаларни бажариш жараёнинда дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгишdir. Ушбу усул бирор муаммони ҳал этишда гуруҳ иштирокчилари томонидан билдирилған эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинади ҳамда энг самарали ҳисобланади. Бу услуб орқали шахсни техник ривожлантириш мумкин, у тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади. Услубнинг асосий тамойили ва қоидаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиқсан ғоялар танқидини мутлақ тақиқлаш, ҳар қандай луқма ва ҳазил— мутойибани рағбатлантиришdir.

Ақлий ҳужум технологияси. Ақлий ҳужум технологияси бирор муаммони ечишда гуруҳ қатнашчилари томонидан билдирилған эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келадиган самарали усуллардан биридир. У тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади. Билдирилған ҳар қандай ғоя ва фикрлар ҳисобга олинади, қанча кўп фикр ва ғоялар билдирилса шунча яхши. Билдирилған ғоя ва фикрларни тўлдириш, кенгайтириш, қайта ўзгартириш мумкин. Берилган ғоялар асосида муаммони ҳал этишга ёрдам берадиган ечимни тиклаш учун муҳокама ўтказилади. Бу ҳақиқатан ҳам талабаларнинг таълим жараёнинда фаоли штирок этишлари, турли ғояларни баён этиш чоғида

бошқаларни ҳам қызғын ишга йўллашлари, илҳом билан ишлашларига имкон берувчи ва унга рағбатлантирувчи самарали методдир. Ақлий ҳужум шунинг учун ҳам фаоллаштиришнинг мұхим усулики, унда танҳо ишлаш мүмкін эмас, биргинаға гурухнинг барча иштирокчиларини бир хилда ўзига тортиб олади.

Кластер технологияси. Фикрларнинг тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у талабаларни бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, талабаларни мавзуга таалуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равища кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу услугуб бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал талабаларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мүмкін. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шақлида ифодалашга ундейди.

Скарабей технологияси. Скарабей услуги интерактив технология бўлиб, у ўқувчиларда фикрий боғлиқлик, мантиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратади, бирор муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Ушбу технология ўқувчиларга мустақил равища билимнинг сифати ва савиясими холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақида тушунча ва тасаввурларни аниқлаш имконини беради. Скарабей технологияси талабалар тажрибасидан фойдаланишини кўзда тутади, рефлексив кузатишларни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга. Демак, ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ва таълимни технологиялаштириш бугунги кунда долзарбdir. Бунинг учун таълим-тарбия жараённда педагог ва ўқувчи талабанинг teng фаоллиги таъминланишига эришиш лозим.

Ўқитувчи инновацион фаолияти бир неча кўринишда намоён бўлади. Таълимнинг бугунги вазифаси ўқитувчиларни кун сайин ортиб бораётган ахборот—таълим мұхити шароитида мустақил фаолият кўрсата олиш, турли соҳаларда замонавий ахборот технологияларини самарали қўллаш ва ахборот оқимларидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат. Шу мақсадда, ўқувчиларга узлуксиз равища мустақил ишлар имконияти ва шароитини яратиб бериш ҳамда ижодий фикрлаш ва мустақил қарорлар қабул қилишга ўргатиш зарур. Бу масаланинг ечими табиийки, мазкур жараённинг асосий ташкилотчиси—педагогларни тайёрлаш сифатига боғлиқ. Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Таълим жараёнига инновацияларни қўллаш бугунги кунда қўйидаги вазифаларни амалга оширишни талаб этади:

- ўқув фанинг аниқ мақсадини аниқлаш;
- фаннинг ҳажми ва мазмунини аниқлаш;
- зарур бўлган таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва тавсия этиш;
- фаннинг моддий техник таъминотини яратиш;
- таълим олувчиларнинг хусусиятларини ўрганиш;
- ўқитувчининг тайёrlигини ва дарс машғулотини лойиҳалаш.

Суҳбат таълимнинг кенг тарқалган усули бўлиб, дарснинг исталган босқичида қўлланиши мумкин. Суҳбатнинг тўрт хил тури мавжуд бўлиб, улар: янги билимлар беришда, билимларни мустаҳкамлашда, олинган билимларни текширишда, ўтилган материални тақоролашда қўлланиладиган суҳбатлардир. Янги материални тушунтиришдаги суҳбат, асосан, ўқувчининг шахсий тажрибасига таянади. Унинг манбаи кўрсатмали қўлланмалар, дарслик материаллари, жадвал ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Янги билимлар беришга доир суҳбатни индуктив йўл билан (яъни хусусий маълум ёки зарур воқеалардан умумий воқеаларга қараб бориш тарзида) ёки дедуктив йўл билан (яъни умумий ҳодисадан хусусий ҳолларга қараб бориш тарзида) ўтказиш мумкин. Билим беришнинг индуктив ва дедуктив йўллари ўзаро боғлиқдир. Масалан, ўқитувчи қатор мисолларни айтиши ва кейин хулоса чиқариши ёки умумлаштириши мумкин (индукция).

Янги билимлар беришда эвристик суҳбатдан фойдаланилади. Бу метод ўқитувчи талабалар олдига маълум бир вазифа қўйиб, уларни оғзаки саволлар орқали ана шу вазифани ҳал қилишга олиб боришда қўлланади.

Суҳбатнинг муваффақиятли ўтиши саволларнинг моҳирлик билан қўйилишига боғлиқдир. Ўқитувчининг саволлари, аввало, қисқа ва аниқ бўлиши, мантиқий изчилликда берилиши, ўқувчининг фикрини уйғотиши: уни ўйлашга, таҳлил қилишга, таққослашга мажбур этиши, янги ҳодисаларни тушунишга ундаши керак. Ўқитувчилар саволларга тўлиқ, онгли равишда ва асосли жавоб беришлари, мустақил фикрларини акс эттиришлари лозим. Суҳбатни билимларни мустаҳкамлаш учун ҳам ўтказиш мумкин. У ўқитувчининг ахборотидан кейин ёки дарслиқдаги материални мустақил ишлаб чиқилгандан кейин ўтказилади. Суҳбат мустаҳкамловчи метод сифатида билимларни текшириш ва баҳолаш жараёнида ҳам ўтказилиши мумкин. Бу усул мунозара ва мубоҳаса методларига киради.

Таълимий суҳбат. Экскурсия, амалий иш ва янги материални тушунтиргандан кейин уларни мустаҳкамлашда, тақоролашда, шунингдек, экскурсия ва янги материални тушунтириш давомида ўқитувчи ўқувчилар билан суҳбатлашади. Суҳбатни ўқувчилар шахсий тажрибалари ва кузатишлари, мавжуд билимлари асосида ўқитувчининг саволини тушунадиган ва унга жавоб қайтара оладиган бўлганларидан кейин ўтказиш

мүмкін. Агар ана шундай шароит (билимлар, тажриба ва кузатишлар) бўлмаса, ўқувчилар ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган нарсалар, ҳодисалар тўғрисида сұхбат ўтказишнинг мутлақо фойдаси йўқ. Ҳар қандай сұхбатнинг асосини дидактик масала ташкил этади. Ана шу масала сұхбатнинг вазифасини ва характеристерини, ҳатто унинг турини ҳам белгилайди. Шунга қўра, таълимий ва эвристик-таълимий сұхбатлар бўлади.

Таълимий сұхбат ўрганиладиган материални янада мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва тақрорлаш мақсадларига хизмат қиласи. Янги мавзу тушунтирилгач, гарчи ҳар бир бола фаол қатнашмаса ҳам уларнинг хотираси ва тафаккурини ривожлантириш учун сұхбат ўтказиш зарур. Унда тўғри фикр юритиш учун мисолларнинг намуналари бўлади. Бундан ташқари, адабиёт, жамиятшунослик ва бошқа фанларга доир дарсликлардаги сұхбатларда ўқувчиларнинг ўқитувчи айтган ғояларига тўғри келмайдиган хусусий фикрлари ёки тушунчалари ҳам маъқулланади, ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини эътироф этишга ёки рад қилишга шошилмайди. Аксинча, синфда улар ўз фикрларини ёки мустақил мулоҳазаларин эркин айтишлари учун шароит яратишга ҳаракат қиласи. Жавобларни баҳолашда эса уларнинг шунчаки тўғри ёки нотўғрилигини қайд қилиш билан чекланмай, балки ўқувчиларнинг жавобларидан озгина бўлса-да, тўғри фикрларини излайди. Улардан заррача ҳақиқатни топса, уни ўзи қисқа ва яққол қилиб тақрорлайди, ўқувчининг мустақил фикр юритганини таъкидлайди ва уни шундай қилишга даъват этади. Муваффақиятли фикрлар, ҳатто айрим ифодалар мазкур мавзуда нима ҳақида гап бораётганини тушунишга йўл очса, таълимий сұхбатнинг эвристик-таълимий сұхбатга айланиши учун хизмат қиласи. Нотўғри жавоблар, агар жиддий бўлмаса, ўқитувчи томонидан қайд қилинмайди ёки йўл-йўлакай тузатиб кетилади.

?

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. “Акмеология” сўзининг маъносини айтинг.
2. Инновацион фаолиятнинг асосий функцияларига нималар киради?
3. Инновацияларни педагогик жараёнларга киритиш қандай босқичларда амалга оширилиши мумкин?
4. Интерфаол таълим методларига мисол келтиринг.
5. Интеграция ва интеграциялаш сўzlари нима маънени англатади?

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Колесникова И.А., Горчакова–Сибирская М.П. Педагогическое проектирование: учеб. Посоbие для высш. учеб. заведений / Под ред. В.А.Сластенина, И.А. Колесниковой. – 2-е изд., стер. – М.: Изд-кий центр “Академия”, 2007.
2. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика назарияси / Дарслик. – Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008.
3. Pedagogika / Bakalavriat yo’nalishi uchun darslik / Prof. M.X.Toxtaxodjayevaning umumiy tahriri ostida. – Toshkent: “O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2010.
4. Безрукова В.С. Педагогика. Проективная педагогика / Учеб. для индустриально-педагог. техникумов и для студентов инженерно-пед. спец-тей. – Екатеринбург: Деловая книга, 1999. С. 100-103.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Таълим жараёнида инновацион мұхитни лойиҳалаштиришнинг мазмун моҳияти.

Режа:

1. Таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари ва тамойиллари.
2. Таълим жараёнини лойиҳалаш: лойиҳа – мазмун – фаолият.
3. Таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришнинг типологик белгилари.

Таянч тушунча ва иборалар: фаолият, педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати), педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати)ни ташкил этиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, лойиҳа таълими, педагогик лойиҳалаш, педагогик лойиҳалаш шакллари.

Амалий машғулотнинг мақсади: тингловчиларда таълим жараёнида инновацион мұхитни лойиҳалаштиришнинг мазмун моҳияти ҳақидаги билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш.

Амалий машғулотни ташкил этиш ва ўтказишида қизиқарли ижодий топшириқлар, машқлар, тренинглар, сўровномалар ва интерфаол таълим методларидан фойдаланилади.

5

1-амалий топшириқ.

Куйида берилган чизмалардан фойдаланиб, лойиҳа технологиясининг таълим жараёнидаги ўрни, бунда инновацион мұхитни лойиҳалаштиришнинг мазмун моҳияти ҳақида фикр билдиринг.

Лойиҳали таълим технологиясининг долзарблиги

Лойиҳавий таълим күйидаги долзарб таълим муаммоларини хал этиш имконини беради ва давр талабига мос келади:

таълимни реал ҳаётта юқори даражада яқинлаштирилған вазиятда амалға оширишни таъминлады

назарий мағлумоттарни амалдік фаолият билан bogлаш ва талабаларни фаол мұстакил билиш жараённан жалб этиш имконини беради

касбий ва таяңч лаёқатларини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлады

Үқув лойиҳавий фаолият: тузилиши ва мазмуні



2-амалий машғулот: Инновацион жараёнлар ривожланишининг умумий тенденциялари

Режа:

1. Педагогик инновацияларнинг ривожланиш шарт-шароитлари.
2. Инновацион фаолиятнинг назарий омиллари.
3. Педагогнинг инновацион фаолиятига бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари

Таянч тушунчалар: педагогик инновация, инновацион жараён, янгиликлар киритиш, мотивация, илмий тафаккур, ижтимоий мұхит, амалий қўлланиши, инновацион босқич, педагогик ғоя.

Амалий машғулотнинг мақсади: тингловчиларда инновацион жараёнлар ривожланишининг умумий тенденциялари ҳақидаги билим, кўникума, малакаларини такомиллаштириш.

Амалий машғулотни ташкил этиш ва ўтказишида қизиқарли ижодий топшириқлар, машқлар, тренинглар, сўровномалар ва интерфаол таълим методларидан фойдаланилади.

6

1-амалий топшириқ.

“Педагогнинг инновацион фаолиятига бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари” мавзусида 10 минутлик эссе ёзинг.

2-амалий топшириқ.

Берилган намунага кўра мутахассислик фанларини ўқитишида SCAMPER стратегиясини қўллаш асосида инновацион мұхитни яратинг. Саволлар графасига ўзингиз дарс берадиган мутахассислик фанлари мавзузи бўйича тузилган саволларни ёзинг.

SCAMPER мнемоник схемасидан мослашувчан фикрлаш құникмасини шаклантиришда фойдаланиш		
SCAMPER	Саволлар	Вазифалар
Substitute (almashtirmoq o'zgartirmoq)	Агар шоколаднинг ўрнига ванилладан фойдаланилса қандай пирог хосил бўлади?	Вариантлар рўйхатини тузинг ва ундан бирини танлаб олинг
Combine (birlashtirmoq)	Агар шоколадли пирог қаймоқли крем билан безатилса, қандай таъмга эга ва ундан бирини бўлади?	Вариантлар рўйхатини тузинг ва ундан бирини танлаб олинг
Adapt (moslashtirmoq)	Юмалоқ пирог шаклини қандай ўзгариши мумкин?	Вариантлар рўйхатини тузинг ва ундан бирини танлаб олинг
MaximizeG'minimize (maksimallashtirmoqG' minimallashtirmoq)	Пирогнинг энг кичик ва катта бўлаги қандай шаклга эга?	Вариантлар рўйхатини тузинг ва ундан бирини танлаб олинг
Putto other uses (boshqa sohaG'usulda qo'llash)	Шоколадли пирог билан яна нималар қилиш мумкин?	Вариантлар рўйхатини тузинг
Eliminate (oldini olmoq)	Шоколадли пирогга шакар солиш эсдан чиққанда нима бўлар эди?	Вариантлар рўйхатини тузинг.
Rearrange (qo'llanilishini o'zgartirish)	Шоколадли пирогни инсонлар таом ўрнида истеъмол қилсалар қандай натижага олиб келар эди?	Вариантлар рўйхатини тузинг

3-амалий машғулот: Педагогнинг инновацион фаолиятини шакллантириш ҳамда педагогик фаолиятни лойиҳалаш босқичлари ва даражалари

Режа:

1. Таълим тизимида олиб борилаётган инновацион жараёнларнинг мазмун моҳияти.
2. Педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати) ва уни илмий ташкил этиш.
3. Педагогик фаолиятни лойиҳалаш босқичлари ва даражалари.
4. Педагогик фаолиятни лойиҳалаш таъминоти.

Таянч тушунчалар: фаолият, педагогик фаолият, педагогик фаолиятни лойиҳалаш, босқич, педагогик фаолиятни режалаштириш, ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш, омиллар, назарий таъминоти, методик таъминоти, ҳукуқий таъминоти, вақт таъминоти, ўқув моделлари.

Амалий машғулотнинг мақсади: тингловчиларда педагогнинг инновацион фаолиятини шакллантириш ҳамда педагогик фаолиятни лойиҳалаш босқичлари ва даражалари ҳақидаги билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш.

1-топширик. Кейинги икки йил ичида мутахассислик фанингизга оид қандай янги илмий материаллар, мақола ва адабиётларни ўқиб, таҳлил қилдингиз. Фикрингизни баён этинг.

2-топширик. Ўрганган илғор тажрибаларингиздан намуналар келтиринг.

3-топширик. “Педагогнинг инновацион фаолияти”, “Педагогик фаолиятни лойиҳалаш” тўғрисидаги қарашларингизни баён этинг.

4-топширик: Педагогнинг инновацион фаолиятини шакллантириш ҳамда педагогик фаолиятни лойиҳалашга оид тестлар тузинг ва уларни ечинг.

5-топширик: “Педагогнинг инновацион фаолияти” мавзусини интерактив стратегиялар, график органайзерлар асосида таҳлил қилинг.

4-амалий машғулот: Мутахассислик фанларини ўқитишида инновацион технологияларидан фойдаланиш йўллари

Режа:

- 1.Инновацион фаолиятнинг асосий функциялари ва босқичлари.
- 2.Инновацион педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш йўллари.

Таянч сўзлар: инновация, инновацион фаолият, акмеология, интегратив ёндашиш, фанлар интеграцияси, синтез, касбий йўналганлик, модернизация

қилингандар, дастурлар, конструктивлаш, модуллаштириш, алгоритмлаш, лойиҳалаш.

Амалий машғулоттинг мақсади: тингловчиларда мутахассислик фанларини ўқитишида инновацион технологияларидан фойдаланиш йўллари ҳақидағи билим, қўникма, малакаларини такомиллаштириш.

1-топшириқ: Мутахассислик фанларини ўқитишида инновацион технологияларидан фойдаланиш йўлларига оид тестлар тузинг ва уларни ечинг.

2-топшириқ: “Мутахассислик фанларини ўқитишида инновацион технологияларидан фойдаланиш йўллари” мавзусини интерактив стратегиялар, график органайзерлар асосида таҳлил қилинг.

3-топшириқ: ИНТЕРНЕТ маълумотларига асосланиб, “Мутахассислик фанларини ўқитишида инновацион технологияларидан фойдаланиш йўллари” масалаларини таҳлил қилинг. Индивидуал ёки груптар тайёрланг.

4-топшириқ.

Куйидаги блиц-сўров саволларига жавоб беринг.

№	Савол	Жавоб
1.	Технология нима?	
2.	Педагогик технология нима?	
3.	Инновацион технология нима?	
4.	Инновацион мұхитни лойиҳалаштириш деганда нимани тушунамиз?	
5.	Лойиҳа технологиясининг мазмун мөньяти ҳақида гапиринг.	

5-амалий машғулот: Инновацион ёндашув асосида мустақил лойиҳа ишлари мазмуни ва намуналар

Режа:

1. Инновацион ёндашув асосида “Педагогик акмеология” мавзусида ўқув лойиҳасини тайёрлаш.

2. Лойиҳа мавзусининг долзарблигини асослаш, мақсад вазифаларни белгилаш.

Таянч сўзлар: инновацион ёндашув, акмеология, интегратив ёндашиш, фанлар интеграцияси, лойиҳалаш, мутахассислик фанлари, инновацион технологиялари.

Амалий машғулотнинг мақсади: Инновацион ёндашув асосида мустақил лойиҳа ишларини тайёрлаш йўллари ҳақидаги билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш.

Ўқув лойиҳани тайёрлаш босқичлари:

1. “Педагогик акмеология” мавзусидаги маъруза матнининг қисқача баёни билан танишиб чиқинг.

Акмеология – (ўзб. акме - камолот, юксалиш, етуклиқ маъноларини англатади < от. рус. акме – расцвет, вершина. < грек. акме - пик, вершина, высшая степень чего-либо.) предметлароро фан бўлиб, у табиий, ижтимоий, гуманитар фанлар чегарасида (туташувида) пайдо бўлган янги фан соҳасидир. Акмеология инсон етуклиқ даври ривожининг (комиллик даврининг) қонуниятлари, механизмини ўрганувчи фан. Педагогик акмеология эса педагогнинг касбий маҳоратидаги эришган ютуқларини кўрсатувчи фандир. Акмеологияда объектив ва субъектив омилларга катта эътибор қаратилади. Улар бир-бирлари билан ўзаро ҳаракатда бўлиб, катта ёшдаги одамни акме даражасига эришишига имкониятлар яратади. “Акме” тушунчаси янги илмий фани асосидир.

Кўпгина илмий таснифларда одамнинг пайдо бўлиш ва унинг ривожланиши қуйидаги босқичларга бўлинади: болалик, катталик, қарилик.

Етуклиқ даражасидаги катта одамни ўрганиш предмети бўлган фанни кўпинча акмеология деб аташади. Ушбу фан илмий билимнинг табиий, ижтимоий, гуманитар ва техниковий соҳалари тўқнашувида пайдо бўлди. Акмеология одамни мақсадга мувофиқ кетма-кет интилиб, дастлабки, ўрта ва кейинги етуклигига индивид сифатида (мураккаб тирик организм сифатида), шахс сифатида (бу ҳолда воқеликнинг турли томонларга бўлган муносабатларни одам томонидан ўзлаштириши назарга олинади) ва фаолият субъекти сифатидаги (асосан профессионал сифатида) юзага келиш феноменологияси, қонуниятлари механизmlарини аниқлаб беради.

Акмеология фани шу жиҳатдан фалсафа, социология, генетика, психология, педагогика, этика, эстетика, маданият, валеология, геронтология фанлари билан ҳамкорликда ўз йўналиши, муаммо ва уларнинг ечимларини топишга қаратилгандир.

Шунингдек, акмеология йўналишлари ёки турлари педагогик акмеология, ҳарбий акмеология, ижтимоий акмеология, юридик акмеология, экспериментал акмеология кабиларга бўлинади.

Акмеология - мустақил фан сифатида ўзининг предмети, обьекти, методлари ва бошқаларга эга.

2.“Педагогик акмеология” мавзусидаги ўқув лойиҳасининг буклетини тайёрлаш.

Педагогик акмеология



Педагогик акмеологияның мақдасы – тазым жаражының таъсирінде етуқ инсонларни ри вожеулигириш көркемдіктен және мекеммәттериниң үргеніздан иборәт.

Дүнәндегі мәжүрдің бүлгелерінде жаңы нағылар табиғатта күра кемолот сары интилиада. Кемолот сары интилиштегің үзілесінде оның мөхәррәттегі өзінің яхшилігінде.

Абу Али ибн Сино

Тошкент 2015

НИЗОМНІЙ НОМІДАГЫ ТАБУ

Педагогика да психология

Педагогик акмеология



3-3-

ПЕДАГОГИК АКМЕОЛОГИЯНЫҢ МУСТАҚИЛ ФАН СИФАТИДА ҮРГАНИЛИШI

Акмеология – (фузб. акме - кемолот, тоқсандаш, етуқник мазынозарының аяллатысы < от. рус. акме – расцвет, вершина < греч. акме - шик, вершина, наивысшая степень чего-либо.) предметтарарынан түзүлген, у табиий, пактимоний, гуманитар фанлар чөтаросында (түтшүүчү) пайдаланылган инги фан сонасашып. Акмеология ишом еткүнде дағы римесхенимне (комплекс дәржиник) коммуникации, механизмын билимнүүчү фан. **Педагогик акмеология** эса педагогикке касбий махоратындағы зертгашан жүтүскәнлік күрсатуучи фан. Акмеологияда объектив ва субъектив ойназларға кatta жылдыр көратылады. Улар бир-бирләрде билен үзаро харалатып бүләй, кatta еңдемдиги одамның “акме” даражасында зерттешнеге имконияттар артады.

Педагогик акмеология объекті – комітес инсоннинг ўз-шының тарбияланған жарайының коммуникациялық, механизмылары, шарт-шараларынан қамдаған обидарларынан үргануучы, шунаның ишесін таралыптыға мөнезек күзүлгінін қозасынан үрганиш жарайындар.

Бүгүнгі күнде педагогик акмеологияның үргеніштегі предметтері:

- педагогик масалалардан есемнен топшылаштырылған жүтүскәнлік жүтүскәнлік зерттешмәлдері, инфакт инциденттерін, балык педагогик коллективтың концепцияның за меканизмдарынан үрганиш;
- үшүшүвчи-акмеологияның босқыч-босқыч шекараларынан жарайындары табыны;
- педагогик фасолят касбий жүтүскәнліктерін;
- педагогикада касбий етуқник траектория (объекттерінің кабилеттерінің күрнештік мүмкінніктерінен).

Бағыт	Избей, зам. салбей жаһадаттары	Еш
1-басыт	ирионч инициативен	бұлайтынг 1- чы йыл
2-басыт	мустакиллікта	2-3 Ылдар
3-басыт	табиға оралып да түзөлөрлөн қосы	4-5 Ылдар
4-басыт	чылодатыла	6-11 Ылдар
5-басыт	шыс көзинефикацияны	12-18 Ылдар
6-басыт	жыныз да біліктілік	студенттегі біліктілік
7-басыт	умумисовайлық да жыга берилген	зертте
8-басыт	излилек да инициативен	жеке

3. “Педагогик акмеология” бўйича ассисмент тузиш.

ТЕСТ	МУАММОЛИ ВАЗИЯТ
<p>1. Педагогнинг касбий ва шахсий сифатидаги етуклик даражаси нотўғри кўрсатилган қаторни кўрсатинг.</p> <p>А) касбни эгаллаганлиги, касбий маҳорати;</p> <p>Б) педагог касбининг фаоллашуви, педагогнинг ижодкорлиги;</p> <p>В) интелектуал салоҳияти, ижтимоий келиб чиқиши.</p> <p>2. Ёш даврлари даражаси тўғри кўрсатилган қаторни кўрсатинг?</p> <p>А) педология, акмеология, геронтология;</p> <p>Б) педагогика, андрогогика, аксеология;</p> <p>В) педология, андрогогика, акмеология</p>	<p>Бир куни мағур тилшунос соҳилда турган қайиққа миниб қарши томонга ўтмоқчи бўлибди. Қайиққа мингач қайиқчига қараб: “Сен хаётингда тилшуносликни ўқидингми?” – дебди. “Йўқ, мен оддий бир қайиқчиман”, – дебди. “Бай-бай, бу гапингга жуда хафа бўлдим. Демак умрингнинг ярми бекорга кетибди-я”, – дея қайиқчига ачиниб қарабди тилшунос. Иттифоқо, худди шу пайт тўфон кўтарилибди. Тўфон борган сайин кучаяр, қайиқ чўкиш арафасида экан. Шунда қайиқчи рўпарасида кўркувдан дир-дир титраётган олимдан: “Хой билимдон дўстим. Айт-чи, сузишни биласанми?” – дея сўради. “Йўқ” деган жавобни олган қайиқчи деди: “Бай-бай, сен бутун умрингни бекор ўтказибсан. Ҳозир умринг зое кетади. Чунки бироздан сўнг қайиғимиз чўкади. Билиб қўй, ҳозир бу ерда тилшунослик илми эмас, қайиқчилик илми қўл келади. Агар қайиқчилик илмини билсанг, хотиржам ўзингни денгизга от!” – дебди.</p> <p>Муаммо: Суҳбатдошларнинг “акме” даражасини аниқланг</p>
СИМПТОМ. Педагогнинг сифат таснифини санаб беринг.	АМАЛИЙ КЎНИКМА. Ўзингизнинг касбий ва шахсий “акме” ингизни баҳоланг.

4. Ўқув лойиҳанинг педагогик аннотациясини тузинг.

Педагогик аннотация

Ўқув фани:

Лойиха мавзуси: Педагогик акмеология

Иштирокчилар: Педагогик маҳорат ва педагогик технология йўналиши тингловчилари.

Лойиҳа доирасида ечимини топиш талаб этиладиган муаммо: педагогик акмеологиянинг мақсади, обьекти, предмети ва вазифалари, педагогик акмеология фанининг қонуниятлари, категорияларини аниқлаштириш, педагогик соҳа вакилларни педагогик акмеология фани ҳақида маълумот берувчи ахборот билан таъминлаш.

4-топшириқ. Лойиҳанинг таснифи ва мақсадини шакллантиринг.



ЛОЙИҲА ТАСНИФИ:

Лойиҳа тури:	ахборотли; кўргазмали.
Лойиҳа доираси:	бажарини муддати: 5 кун иштирокчилар сони: 6 та

Лойиҳа бўйича иш тартиби: Дарсдан ташқари шароитда фаолият бажарилади. Мастер класс ташкил қилинади.

Лойиҳа гуруҳи иштирокчиларининг вазифалари:

Ахборот манбаларини аниқлаш, уни йигиши;

Ахборотни танлаш ва тузилмага келтириш;

Маълумотномани расмийлаштириш;

Лойиҳа фаолияти натижалари тўғрисида оғзаки ахборот ва тақдимот тайёрлаш;

Ҳисобот тайёрлаш.

Лойиха мақсади: Педагогика фанининг замонавий тармоклари юзасидан эгалланган билимларни чукурлаштиришда педагогик акмеология түгрисида маълумот йигиш ва уни кўргазмали намойиш қилиш.

Якуний натижа: Педагогик акмеология түгрисида маълумотни ўз ичига олувчи услубий кўлланма.

Фойдаланувчилар: Олий таълим тизими профессор-ўқитувчилари, малака ошириш ва кайта тайёрлаш курслари тингловчилари ҳамда ушбу соҳага қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Лойиха тузилиши ва мазмуни

Кириш – педагогик акмеология мақсади, вазифалари ва моҳияти очиб берилади. Лойиха мавзусини ёритиб берувчи, ахборот.

5-топшириқ. Акмеология ва педагогик акмеология ҳақида ўрганган маълумотларингизни баён этинг.

Акмеология




• грек. – пик, вершина,
высшая степень чего-либо

• от. рус. – расцвет, вершина

• ўзб. – камолот, юксалиш,
етуклик

6-топшириқ. Педагогик акмеологияның бошқа фанлар билан алоқадорлигини түшүнтириңг.



27

6-амалий машғулот: Мутахассислик фанларига оид лойиҳа ишларини тайёрлаш

РЕЖА:

1. Мутахассислик фанларига оид ўқув лойиҳа ишларини тайёрлаш ва гурӯхий тақдимот қилиш.

2. Ўқув лойиҳасини тайёрлашда изчилликка амал қилиш.

Таянч түшунча ва иборалар: фаолият, педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати), педагогик фаолият (ўқитувчи меҳнати)ни ташкил этиш, таълим жараёнини лойиҳалаш, лойиҳа таълими, педагогик лойиҳалаш, педагогик лойиҳалаш шакллари.

Амалий машғулотнинг мақсади: тингловчиларда мутахассислик фанларига оид лойиҳа ишларини тайёрлаш бўйича қўнимка ва малакаларини такомиллаштириш.

Амалий машғулотни ташкил этиш ва ўтказишида қизиқарли ижодий топшириқлар, машқлар, тренинглар, сўровномалар ва интерфаол таълим методларидан фойдаланилади.

1-амалий топшириқ: Ўзингиз дарс берадиган мутахассислик фанларидан битта мавзу танланг ва намунага қараб ўқув лойиҳасини тайёрланг.

ЎҚУВ ЛОЙИҲА (НАМУНА) “ТОШКЕНТ – ШАРҚ ЮЛДУЗИ”

I. ЛОЙИҲА ТОПШИРИГИ

Кириш. Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистонга қизиқиши ўсиб бормоқда, бунга саёҳатчилар сонини кундан-кунга ошиб бориши ўз далилини кўрсатмокда. ЮНЕСКО ўзининг таркибига кирувчи давлатларни Ўзбекистонни пойтахти - Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонлашда иштирок этишга чақирди. Ўзининг қадимий тарихи ва навқирон “Шарқ юлдузи - Тошкент” билан танишишни ҳоҳловчи кўп сонли меҳмонлар келиши кутилмоқда. Бироқ барча аҳоли пойтахт тўғрисида етарлича маълумотга эга эмаслар.

Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо: яшовчи аҳоли ва меҳмонларни Тошкент тўғрисидаги қисқа маълумотлар билан таъминлаш.

Ўқув лойиҳа мавзулари:

1. Тошкент - Ўзбекистон пойтахти
2. Тошкентнинг тарихий ўтмиши
3. Тошкент: кеча, бугун, эртага
4. Тошкент метрополитени
5. Тошкент худудидаги архитектура ёдгорликлари
6. Тошкент музейлари
7. Тошкент театрлари.

Лойиҳа мақсади (у нима учун яратилади): Тошкент тўғрисида маълумотни ишлаб чиқиши.

Якуний натижаси: Тошкент тўғрисида қисқа ва тузилмавий ахборотни ўз ичига олувчи маълумотнома.

Фойдаланувчилар: Тошкент аҳолиси ва меҳмонлар.

Лойиҳа доираси:

бажарии муддати: 5 кун

- *иштирокчилар сони:* бештагача

Лойиҳа тузилиши ва мазмуни

• Кирин – маълумотли ахборотнинг моҳияти ва вазифаси очиб берилади.

- Лойиҳа мавзусини ёритиб берувчи, ахборот.

- Фойдаланилган манбалар рўйхати.

Лойиҳа гурухи иштирокчиларининг вазифалари

1. Ахборот манбаларини аниқлаш, уни йифиши.
2. Ахборотни танлаш ва тузилмага келтириши.
3. Маълумотномани расмийлаштириши.
4. Лойиҳа фаолияти натижалари тўғрисида оғзаки ахборот тайёрлаш.
5. Хисобот тайёрлаш.

II. ЛОЙИҲА ТОПШИРИГИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРГА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. Лойиҳа фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун йўриқнома

1 босқич. Тайёргарлик

1.1. Лойиҳа фаолияти жараёнида ечимини топиш талаб этиладиган, муаммо, мақсад ва лойиҳа натижалари, вазифалар ҳамда иштирокчиларининг лойиҳа фаолияти турларини аниқланг.

1.2. Лойиҳа фаолияти жараёнида ечимини топиш талаб этиладиган, муаммони, лойиҳа мақсади ва натижаларини, лойиҳа фаолияти иштирокчиларининг вазифаларини аниқланг.

1.3. Ахборот манбаларини аниқланг.

2 босқич. Лойиҳа фаолиятини режсалаштириши

2.1. Мақсадга эришиш йўлини ишлаб чиқинг.

2.2. Иш режасини тузинг:

•иштирокчилар ўртасида лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича ҳамда уни расмийлаштириш, тақдимотга ва ҳисботга тайёрлаш бўйича вазифаларни тақсиланг.

•бажариш вақти ва тайёр натижа турини аниқланг.

Лойиҳани бажариш бўйича иш режаси (Лавҳа)

Иштирокчилар Ф.И.Ш	Вазифа	Иш мазмуни	Тайёр маҳсул тури	Бажариш муддати

3 босқич. Амалга ошириши

3.1. Олинган ахборотни йиғинг ва уни матн, жадвал, чизма ҳамда шарҳлаш кўринишида расмийлаштиринг.

3.2. Натижаларни маълумотли материаллар кўринишида расмийлаштиринг (охирги маҳсул).

3.3. Ҳисоботни тайёрлаш йўриқномаси бўйича, ҳисоботни тайёрланг.

3.4. Лойиҳани Microsoft Power Point бўйича тайёрлаш йўриқномасидан фойдаланиб, тақдимотга тайёрланг.

3.5. Лойиҳа тақдимотида гурух аъзолари ўртасидаги вазифаларни аниқланг. Оғзаки тақдимотга тайёргарлик вақтида унинг қоидаларига риоя қилинг, оғзаки тақдимот сирларини эсдан чиқарманг.

2. Лойиҳа иши тўғрисида ҳисоботга тайёргарлик бўйича йўриқнома

1. Сиз таклиф, ва тавсия этаётган лойиҳани татбиқ этишни исботловчи, хулосаларни (1 бетдан кўп бўлмаган матн) асосида ифодаланг.

2. Сиз ҳал этмоқчи бўлган муаммони, (5-6 сўз) билан асосланг.

3. Лойиҳа мақсадингизни: уни нима учун яратилиши, охирги маҳсулни қандай бўлиши ва у кимга қаратилганлигини (1-3 таклиф) орқали кўрсатинг.

4. Лойиҳа вазифаларини (қисқа ва бир маъноли) ифодаланг.

5. Лойиҳанинг иш режасини (жадвал) баён этинг.

6. Вазифани ечими натижаларини ва лойиҳада бажарилган ишларни кўрсатинг.

7. Сиз таклиф этган лойиҳа маҳсулини татбиқ этиш имконини тасдиқловчи, хулосаларни шакллантиринг.

8. Бажарилган иш бўйича фойдаланилган манбалар рўйхатини таркиблаштиринг.

9. Баҳоланг:

- лойиҳа сифатини,

- лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгигб ўтиш йўллари.

10. Иловаларни таркиблаштиринг: лойиҳа иштирокчиларининг Анкеталари ва лойиҳа ишининг иш материалларини киритинг (ҳоҳишингизга кўра).

3. Лойиҳани MS Power Point да тақдимотга тайёрлаш бўйича йўриқнома

1. MS Power Point да тақдимотга тайёрлаш жараёни қўйидагилардан иборат:

- тақдимот турини танлаш;
- тақдимотни умумий расмийлаштиришни танлаш;
- слайдларни мазмунли томонларини танлаш;
- янги слайдларни қўшиш;
- слайдларнинг белгилашни танлаш;
- зарур бўлганда слайдларни расмийлаштирши ўзgartiriш;

- слайдларни намойиш этиш вақтида турли овозли анимацияларни яратиши.

2. Слайдларни *техник намойиш этиши* қуидаги тавсифларга жавоб бериши керак:

➤ Слайдлар *микдори* (8-12).

➤ *Слайдларни мазмунлы күрсаткичлари*:

- биринчи слайд: лойиҳа номи, муаллиф фамилияси, № үқув гурухи, яратилған кунидан иборат;

- охирги слайд ахборот манбасига бағищланған;

- бошқа слайдлар лойиҳа мазмунини ихтиёрий шаклда акс эттиради.

➤ Слайдлар ўз-ўзидан ишлеш тартибида намойиш эттирилади.

3. Тақдимотни расмийлаштириши қоидаси

➤ Агарда, матн оғзаки бўлса, қуидагича бўлиши зарур:

- юқори ахборотли;

- боғловчили;

- аниқ ва қисқа;

- оддий синтаксики (...қуидагиларга эътибор беринг, қуида тақдим этилаётган... рўйхатлар каби айлантирувчи кириш сўзлари камроқ бўлиши)-буларни барчасини маъruzачини ўзи гапириши мумкин. Оддий тузилған гаплар ўрни билан таништиради ва ёзувни каттароқ қилишга имкон беради;

- (асосан термин ва таърифларда), тушунарли, мантиқий, аниқ бўлиши зарур. Оммага тақдим этиш олдин матнни текширишга эринманг.

➤ Овоз тиник бўлиши керак. тақдимотни овозли қилиш керак эмас, бунда шарҳловчини овозини эшишиб бўлмайди- энг яхшиси маъruzачини жонли овози ҳисобланади.

➤ *Расмлар* аниқ ва етарлича каттароқ бўлиши зарур. Расмларни ўлчамини катта қилишга уринманг –фақатгина Сиз сифатни йўқотасиз.

➤ *Видео- тасмалар* тақдимот ойнасини уч қисмини эгаллаши зарур. Расмлар намойиши бўлиши керак. Безаклар чалғитиши мумкин.

➤ *Жадваллар* ажратувчи маълумотларни, худди шундай аниқ, уларнинг тагига йирик ёзувлардан, жадваллар номланиши зарур.

Жадвалларни ҳаддан зиёд маълумотлар билан тўлдириш керак эмас! Жадвалга қанча кўп маълумотлар киритилса, уларни экрандан қабул қилиш қийин бўлади.

Тақдимот бошлашдан аввал аудиторияда ўтирганларга жадвал ва расм нусхаларидан тарқатиш зарур.

➤ *Чизмалар* бир бўлимдан бошқа бўлимга аниқ ва мантиқий равища да ўтишга мослаштирилиши керак. Ўтиш чизиқлари экранда яхши қўринишини текширинг.

4. Оғзаки тақдимотга тайёрланишда риоя этиладиган, қоидасы

Оғзаки тақдимот қоидаси

Тақдимотда нима бўлиши зарур?

- Муаммони, лойиҳа мақсади ва вазифаларини тушунишни қўрсатиш; ишни режалаштириш ва амалга оширишни уddyлаши;
- ечимини топиш жараёнининг таҳлили;
- топилган ечим;
- муваффақиятнинг ўзи таҳлил қилишининг натижалари ва муаммони ечиш натижавийлиги;

Шунингдек:

Регламентга риоя қилиш: гуруҳнинг умумий тақдимоти – 7-10 дақиқадан кам бўлмаслиги ва 15 дақиқадан кўп бўлмаслиги.

Гуруҳ аъзоларининг тартибли чиқиши ва улар ҳаракатида келишувчилик

Барча чизмаларга шарҳ бериш

Тақдимотда нима бўлмаслиги керак?

Лойиҳа ишини батафсил ёзилиши ва лойиҳа маҳсули мазмунини қайта гаприб бериши.

Иштирокчилар чиқишиларида қаршиликлар.

Тушунарсиз, ноаниқ фикрлар.

Муваффақиятли тақдимотнинг сирлари

- гапираётганингизда доимо ишончли бўлинг;
- тугалланган жумла билан ҳамда мухим жойларига урғу бериб, ажратган ҳолда ифода этинг;
- бир маромда ва секин гапирманг, баланд овозда ҳам гапирманг;
- хушмуомала ва зийрак бўлинг, жаҳлдор бўлманг;
- доимо кулиб турган ҳолда бошланг ва шундай тугатинг;
- “мумкин бўлса”, “Уни ким билади” ва шу каби жумлаларни қўлламанг;
- тингловчиларга қарашга ҳаракат қилинг (хар бир қатнашчига 3 секунддан);
- оёқни чалиштирманг, қўлни орқада ушламанг, минбарга суюнманг, кучли имо-ишора қилманг, ручка, маркерни ўйнатманг, елпигич, қофоз билан елпиманг;
- ҳар бир жавобга миннатдорчилик билдиринг!

5. Баҳолаш мезони ва күрсаткичлари

Гурухлы лойиҳада қуийдагилар баҳоланади:

- Лойиҳа маҳсули- Маълумотнома (энг юқори 10 балл);
- ҳисобот(энг юқори 8 балл);
- лойиҳа тақдимоти (энг юқори 5 балл);
- оғзаки тақдимот (энг юқори 2 балл).

Бажарилган лойиҳа бўйича маҳсулотни баҳолаш

	Баҳолаш мезони	Баҳолаш кўрсаткичлари
1.	Лойиҳа мазмунини белгиланган мақсадга мувофиқлиги	Белгиланган мақсадга лойиҳа мазмунини мос келса, макс. 3 балл.
2.	Лойиҳа: мавзуга оид бўлган етарли миқдорда, сифатли ахборотдан иборат.	Эришилган натижалар мақсадга мувофиқ келса, макс. 5,0 балл: - янги; - лойиҳа вазифасини тўлиқ акс эттиради; - кенг манбаларга асосланган.
3.	Ахборотни расмийлаштирилиши	Агарда ахборот талаб даражасига мувофиқ келса: сарлавҳа, матн таркиблаштирилган бўлса, 0,5 балл. Намойиш этувчи материал (жадвал ва чизмаларда) бўлса макс.0,5 балл: - маълумот мазмунини тўлиқ акс эттиради; - стандарт талабларига мувофиқ расмийлаштирилган.

Лойиҳани MS Power Point да бажарилган тақдимотини баҳолаш

	Баҳолаш мезони	Баҳолаш кўрсаткичлари
1.	Лойиҳа тақдимоти бўйича йўриқномага расмий риоя этиш	Йўриқнома изчилиги бўлса, макс. 2,5 балл.
2.	Слайдларни техник намойиш этиш йўриқномасига риоя этиш	Тақдимот тайёрлашда йўриқномага риоя этилган бўлса, 1,0 балл

3.	Тақдимотни расмийлаштириш қоидасига риоя этиш	Тақдимотни расмийлаштириш қоидасига риоя этилган бўлса, 1,5 балл.
----	---	---

Бажарилган лойиҳа бўйича ҳисоботни баҳолаш

	Баҳолаш мезони	Баҳолаш қўрсаткичлари
1.	Ҳисоботни тайёрлаш бўйича йўриқномага расмий равища риоя этилиши	Ҳисобот тузилмаси йўриқномага мувофик бўлса, макс.0,5балл.
2.	Танланган мавзуни асосланганлиги ва долзарблиги	Танланган мавзуу долзарблиги далилий исботланган бўлса, макс. 0,5 балл.
3.	Ечими ҳал этилаётган муаммони асосланганлиги	Муаммо далилий асосланган бўлса, макс.0,5 балл.
4	Вазифа ва лойиҳа иштирокчилари фаолият турларини баён этилиши	Вазифа ва лойиҳа иштирокчилари фаолият турлари аниқ белгиланган бўлса, макс. 0.3 балл.
5	Лойиҳа вазифаларини белгиланиши	Лойиҳа вазифалари аниқ белгиланган бўлса, 0,5 балл.
6.	Лойиҳанинг иш режасини ишлаб чиқиши	Иш режа ишлаб чиқилган ёндашувларга мувофик тузилган бўлса, 1,0 балл.
7.	Вазифалар бўйича лойиҳа иш натижаларини келтириши.	Вазифалар бўйича лойиҳа иш натижалари иштирокчиларни қўрсатиш билан, аниқ ва равшан келтирилган бўлса, макс. 1,0 балл.
8.	Хулосаларни ифодалаш	Хулосада таклиф ва тавсия этилаётган лойиҳани татбиқ этиш мухимлигини исботлаш баён этилган бўлса,макс. 1,5балл.
9.	Фойдаланилган манбалар рўйхатини таркиблаштириш	Фойдаланилган манбалар рўйхати бажарилган вазифалар бўйича таркиблаштирилган ва стандарт талабларига мувофик расмийлаштирилган бўлса, 0,2 балл.
10.	Лойиҳа фаолиятини ўзи баҳолаши	Танқидий баҳо: - маҳсул сифати,

		- лойиҳа устида ишлаш: ҳар бир иштирокчи ишининг натижавийлиги, қийинчилик ва уни енгіш берилған бўлса, 1,0 балл
11.	Иловаларнинг борлиги	Иловаларда лойиҳа иштирокчиларининг анкеталари ва лойиҳа ишининг иш материаллари бўлса, 1,0 балл.

Бажарилган лойиҳанинг оғзаки тақдимоти ва бажарилган лойиҳа ҳимоясини баҳолаш

	Баҳолаш мезони	Баҳолаш қўрсаткичлари
1.	Оғзаки тақдимот қоидасига расмий рио этиш	Лойиҳа иштирокчиларини таништириш билан бошланиши; Сўзга чиқувчиларни белгиланган вақтга рио этишлари (7 – 15 мин.); Тақдимот вақтида боадабсизлик ҳолатларига йўл қўйилмасликлари. Макс. 0,2балл;
2.	Лойиҳа ҳимояси	Тақдимотда барча гурӯҳ аъзолари иштирок этган бўлса, макс. 1 балл. Жавоблар асосланган, мукаммал, аниқ бўлса, макс. 0,8 балл.

Лойиҳа топшириғига илова
**Лойиҳада эришилган ютуқларни ўзини-ўзи баҳолаш учун
Анкета**

Ф.И.Ш._____

Ўқув гурӯҳи_____

1. Лойиҳада эришилган ютуқларингизни қўйидаги мезонлар асосида баҳоланг:

2 балл - тўлиқ биламан; 1 балл – қисман биламан; 0 балл- билмайман.

Билим, малака, кўнирма, қобилият	Лойиҳани бошланиши	Лойиҳани тугаши
<i>Лойиҳалаштиришини умумий изчиллигини бажарииши:</i>		
- ғояни илгари суриш,		

-муаммони ажратиш,		
- мақсадни аниқлаш ва уни ечиш вазифаларини ифодалаш;		
- вазифаларни ечиш воситаларини асосланған мақбул йўлларини танлашни амалга ошириш;		
- лойиха топшириғини ишлаб чиқиши;		
- ҳамкорий ишлашни режалаштириш ва лойихада мажбуриятларни тақсимлаш;		
- натижаларни расмийлаштириш; фаолият натижаларини жамоатли (маъруза шаклида оғзаки ва техник воситалардан фойдаланған кўргазмли) тақдимотини ўтказиши;		
- бажарилган иш тўғрисида ҳисобот тайёрлаш;		
- ўзини-ўзи баҳолашни ва ўзини қилган ишларини таҳлил қилишни амалга ошириш.		
2. Ҳамкорликка тайёрлик ва қобилият:		
- гуруҳда самарали ўзаро ҳаракатни амалга ошириш;		
- муросаларни кучсиз йўл билан бошқариш;		
-муросага келишиш.		
3. Оғзаки муюмалага тайёрлик ва қобилият:		
- икки ва ундан ортиқ киши билан оғзаки сухбатни олиб бориши;		
- танқидий муҳокама олиб бориши: бошқалар фикрини эшлиши ва инобатта олиш; ўз фикрини билдириш, исботлаш.		
4. Замонавий техник воситаларни бўлиши:		

компьютер;		
факс;		
принтер;		
модем;		
ксерокс.		
5. Ахборот ва мулокотнинг замонавий техник воситаларини билиши:		
- электрон почта,		
-Интернет.		
6. Излаш, қайта ишилаш, қабул қилиши, киритиш, яратиш, сақлаш, етказиш ва ахборотни тақдим этишининг дастурлаштирилган воситаларини билиши		
7. Ахборот билан ишилаш:		
- каталог бўйича ахборотларни топиш,		
- ахборотни Интернетда излаш;		
- ахборотни таркиблаштириш, асосийни ажратиш;		
- ахборотни чизмали шаклда бериш.		
8. Тайёрлик ва қобилиятга эга бўлиши:		
- шахсий хуносалар қабул қилиш ва улар учун мажбуриятни олиш;		
- турли ижтимоий вазифаларни: сардорлик, ижро этувчи ва бошқаларни бажариши;		
- ташаббусни ўз қўлига олиши;		
- тартибга риоя қилиши;		
- ўз кучига ишонч.		
2. Лойиҳада ўз фаолиятингизни баҳоланг ва таҳлил қилинг:		

1. Лойиҳа топширигини муваффақиятли бажаришга нима ёрдам берганини Кўрсатинг (керагини тагига чизинг, тўлдиринг): билим, кўникма, қобилият, бошқалар ёрдами, ўқитувчини маслаҳати,
2. Ўз айбингиз бўйича нимани уddeлай олмадингиз? Бунга сабаб (керагини тагига чизинг, тўлдиринг): тушунмаслик, билмаслик, ахборотни етишмаслиги,
3. Объектив сабабларга кўра Сиз нимани уddeлай олмадингиз, бунга сабаб ва келгусида бундай муваффақиятсизликни қандай олдини олиш мумкин?
4. Агарда ҳаммаси муваффақиятли ўтган бўлса, бунинг сири нимада?

V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Лойиҳа	Аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқиш маҳсули	The product of the development pedagogical activity content that guarantees the productivity based on concrete plan and aim
Лойиҳалаш	Бошланғич маълумотларга асосланиб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқиш	The development of an activity or process content by assuming the expected results, predicting and planning based on the initial data
Модел	Реал, ҳақиқатда мавжуд бўлган обьектнинг соддалаштирилган, ичрайтирилган (катталаштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси	Simplified and decreased (increased) copy or sample of an existing object
Моделлаштириш	Ходиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи моделни яратиш	Creating a model that fully expresses general content of the phenomenon, process or system
Педагогик вазият	Педагогик жараённинг муайян вақт ва муайян мұхитдаги ҳолатини тавсифловчи таркибий қисм	Structural part of the pedagogical process that characterizes its current state in a

		certain period of time and place
Педагогик жараён	Педагог ва талабаларнинг ўзаро ҳамкорликлари асосида уларни ривожлантиришга хизмат қилувчи таркибий элементларни ягона, яхлит ҳолда бирлаштирувчи ҳолат	The state that connects the structural elements that serve to development of cooperation of a teacher and student
Педагогик лойиҳалаш	Педагогнинг педагогик масалаларни ечишга қаратилған кетма-кет ўзаро боғлиқ ҳаракатлари тизими	The system of inter-related actions of a teacher directed to solving of pedagogical tasks
Педагогик фаолият	Ўқитувчи томонидан аниқ мақсадларга мувофиқ ташкил этиладиган касбий ҳаракатлар мажмуси	A complex of actions carried out by a teacher in compliance with concrete aims
Профессиограмма (малака талаблари)	У ёки бу касб мөхиятини, шунингдек, тегишли касб ёки мутахассисликлариға нисбатан меъёр ва талабларни белгиловчы белгилар тизими	A system of criteria that determine the essence of this or that profession, norms and requirements on a concrete profession or specialty
Режа	Ҳаракатлар, чоратабдирларни амалга ошириш тартиби ва уларнинг ўрни ёритувчи хужжат	The document that contains the order of actions and undertaken measures
Таълим жараёнини лойиҳалаш	Таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун барча омилларни инобатта олган ҳолда унинг схемасини ишлаб чиқиши	Development of the scheme of effective organization of educational process taking into account all factors

Технологик модел	Таълим (маънавий- маърифий тадбир)нинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи хужжат	The document that exposes the main educational indicators and spiritual activities and measures as well as their technological characteristics
Технологик харита	Педагогик жараённи бажарувчи ёки маълум обьектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган хужжат	The document that contains all necessary data and instructions presented to teachers who carry out an activity within pedagogical process or technical service to a certain object
Штатлар жадвали	Лавозим номлари, маъмурий-бошқарув, ўкув- ёрдамчи, ёрдамчи (хизмат кўрсатувчи ва техник) ходимлар сони, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар белгиланган хужжат	The document in which the names of positions, number of employees on academic, administrative, technical positions, category of salaries are mentioned

VII. АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий тахлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон, 2008

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789сонли Фармони.

III. Махсус адабиётлар

10. Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, Curriculum and Culture. – Routledge, USA, 2012.
11. Сластенин В.А. и др. Педагогика. Учеб. пос. 4-е изд. –М.: Школьная пресса, 2004.

12. Головко Е.А. Технология формирования коммуникативной компетентности молодых специалистов на этапе адаптации к педагогической деятельности. Ставрополь, 2004.
13. Акмеология - наука о факторах достижения вершин профессионализма. Проблемы профессионализма преподавателя // Сб.тезисов. Респ. конф.-Усть-Каменогорск, май,1999.
- 14.Хошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005.
- 15.Ибрагимов Х.,Абдуллаева Ш. Педагогика //Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2004
16. Муслимов Н.А. ва б. Касбий малака ва педагогик маҳорат. Узлуксиз малака ошириш йўналиши бўйича ўқув материаллари. –Т., 2009.
17. Колесникова И.А., Горчакова-Сибирская М.П. Педагогическое проектирование: учеб. Пособие для высш. учеб. заведений / Под ред. В.А.Сластенина, И.А. Колесниковой. – 2-е изд., стер. – М.: Изд-кий центр “Академия”, 2007.
18. Муслимов Н.А., Уразова М.Б. Проективная деятельность будущего учителя. Учеб.пособ. – Т.: GrandPaper, 2011.–92 с.
19. Omonov N.T. Pedagofik texnologiyalar va pedagofik mahorat. – Т.: “Iqtisod–moliya”. 2009. – 240 b.
20. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм: Педагогика назарияси. (М.Х.Тохтаходжаева ва б.) – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007. – 380 б.

IV. Интернет сайтылар

14. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.
15. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
16. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.
17. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
<http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.